

467

Ўттиз тўққизинчи йил чиқиши

Зулҳижжа 1446ҳ

Июн 2025м



Кенг қўламли,
фикрий, саёфий журнал

Ал-Ваъй

Ал-Ваъй сўзи

АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ДАВЛАТЛАРНИНГ ТАЯНЧЛАРИДАН БИРИДИР

Феминистик ғоялар ва
ташкilotларнинг оила
ва аёлга нисбатан хатари

11

Ислондаги молиявий
фикрни капиталистик ва
социалистик молиявий
фикр билан қиёслаш (1)

46

Ислон фикрат ва
тариқатдан иборат

23

Сиёсий тушунчалар ва
сиёсат юритиш учун зарур
бўлган асосий шартлар (2)

(Сиёсий маълумотлар ва
янгиликларни кузатиш)

39

Калифорниядаги тўқнашув-
лар: тасодифий ҳодисами
ёки жамиятнинг бўлиниши

95



467

Ўттиз тўққизинчи
йил чиқиши
Зулҳижжа 1446ҳ
Июн 2025м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро


Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

Урибгу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Ахборот воситалари давлатларнинг таянчларидан бири..... 3
- **Феминистик ғоялар ва ташкилотларнинг оила ва аёлга нисбатан хатари** 11
- **Ислом фикрат ва тариқатдан иборат**..... 23
- **Сиёсий тушунчалар ва сиёсат юритиш учун зарур бўлган асосий шартлар (2)** . 39
- **Исломдаги молиявий фикрни капиталистик ва социалистик молиявий фикр билан қиёслаш (1)**..... 46
- **Ислом асосида ҳукм юритиш – Умматнинг ягона танловидир** 60
- **Исломни даражама-даража татбиқ этиш** 69
- **Жаннат боғлари:** Абу Убайда Омир ибн Абдуллоҳ ибн Жарроҳ – Аминул Умма 76
- **Қуръони Карим суҳбатида:** мўминнинг матонатга эҳтиёжи 85
- **Олам мусулмонлари хабарлари** 90
- **Сўнги сўз:** Калифорниядаги тўқнашувлар: тасодифий ҳодисами ёки жамиятнинг бўлиниши? 95
- **Уйғониш ва динни ҳаётдан ажратиш ҳақида савол** 96



АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ДАВЛАТЛАРНИНГ ТАЯНЧЛАРИДАН БИРИ

Абу Салим Ҳасан – Фаластин

Қадим замонлардан бери умумий онгни пайдо қилиш ва уни давлат истайдиган йўналишга буришда, шунингдек, муайян масала ёки фикр юзасидан халқ орасида раъйи омни шакллантиришда ахборот воситаларининг аниқ таъсири бўлган. Қадимги араблар даврида шеърият энг кучли ахборот воситаси сифатида хизмат қилган ва халқ орасида юксак мақомга эга эди. Мавқеи баланд шоирлар жамиятда катта нуфузга эга бўлиб, уларнинг таъсиридан баъзилар умид боғлаган бўлса, айримлар улардан қўрққан.

Қанчадан-қанча одамлар халқ орасида унутда қолган бўлса-да, маҳоратли шоирнинг мақтов шеърлари орқали юксак мартабага кўтарилган. Масалан, Бану Анф, Ҳарам қабиласи ёки «Мухаллақ» деб машҳур бўлганлар шулар жумласидан. Шунингдек, ҳақоратли шеърлари орқали буюк зотларни обрўсини тўкиб, қадр-қийматини топтаганлар ҳам бўлган. Масалан, Рабиъ, Бану Ажлон ва Бану Намир қабилалари шулар жумласидан бўлиб, улар аввало кўз олдида ёрқин порлаб турган юлдуз каби эди.

Араблар қабилачиликни жуда қадрлашган. Улар орасида бирор камчилик ёки шармандалик сабабли ўз қабиласидан уяладиганлар деярли бўлмаган. Масалан, Бану Анф қабиласи «анфун-ноқа» – «туянинг бурни» деб мазах қилинган эди. Бир шоир уларни қуйидагича таърифлагач, уларнинг мақоми яна баланд бўлиб кетган:

«Улар бурун, бошқалар эса дум, туянинг бурнини дум билан солиштириш мумкинми?!».

Худди шундай, машҳур шоир Жарир ҳам Намирни ҳақорат қилиб, аввал фахрланадиган бу қабиланинг шарафини тушириб юборган. У шундай деган:

«Кўзингни паст тушир, сен Намирдансан, На Каъбга етдинг, на Килобга».

Исломдан олдин араб раҳбарларидан ҳар бирининг бир шоири бўларди. Бу шоирлар ўз раҳбарларининг амаллари, қудрати ва ҳокимиятини шеърлар орқали мадҳ этиб, душманларини ҳақорат қилиб, уларни ночор ва кучсиз қилиб кўрсатарди. Бу шеърлар халқ орасида кенг тарқалар, подшоҳлар ва қўмондонлар бундан мамнун бўлишарди. Шунинг учун шоирлар ҳар доим катта ҳурмат билан кутиб олинган.

Ҳассон ибн Собит ҳам шундай буюк шоирлардан эди. У Ҳассоний подшоҳлар ҳузурига бориб, уларни шеърлар билан мақтар, шу орқали улардан моддий манфаат кўрар эди. Ислом келгач, у Росулulloҳ ﷺ олдиларида Исломни ҳимоя қилиб ва уни ёйиб, шунингдек, Ислом душманларини ҳажв қилиб шеър ёза бошлади.

Росулulloҳ ﷺ шундай деганлар:

«أَهْجُوا قُرَيْشًا، فَإِنَّهُ أَشَدُّ عَلَيْهِمْ مِنْ رَشْقٍ بِالنَّبْلِ»

«Қурайшни шеър билан ҳажв қилинглар, чунки бу улар учун ўқотишдан ҳам оғирроқдир». Пайғамбаримиз ﷺ Ибн Равоҳага одам юбориб «Уларни ҳажв қил», дедилар. У ҳажв қилди, лекин Росулulloҳ ﷺ рози бўлмадилар. Кейин Каъб ибн Моликни чақирдилар. Сўнг Ҳассон ибн Собитни чақирдилар. Ҳассон кириб келиб, бундай деди: «Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, мен уларни фош қиламан...». Шунда Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«لا تعجل فإن أبا بكر أعلم قريش بأنسبها، وإن لي فيهم نسباً حتى يلخص لك نسي»

«Шошма, чунки Абу Бакр Қурайшнинг насабини яхши билади. Мен ҳам уларданман, насабимни ажратиб берсин». Ҳассон Абу Бакрнинг ҳузурига бориб, сўнг қайтиб келиб шундай деди: «Эй Аллоҳнинг Росули, насабингиз менга ажратиб берилди. Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, сизнинг насабингизни улардан хамирдан қил суғургандай ажратиб оламан». Оиша رضي الله عنها айтдилар: «Мен Росулulloҳ ﷺнинг Ҳассонга шундай деганларини эшитдим:

«إِنَّ رُوحَ الْقُدُسِ لَا زَالَ يُؤَيِّدُكَ مَا نَافَحْتَ عَنِ اللَّهِ وَرَسُولِهِ»

«Модомики Аллоҳ ва Росулини ﷺ ҳимоя қилиб турган экансан, Рухул Қудус (Жаброил) сени доим қўллаб-қувватлайди». Оиша яна шундай дедилар: Мен Росулulloҳ ﷺ шундай деганларини эшитдим:

«هَجَاهُمْ حَسَنًا فَشَفَى وَاشْتَفَى»

«Ҳассон уларни ҳажв қилди. Шу билан (мусулмонларнинг) қалби таскин топди, (Ҳассоннинг ўзи ҳам) юраги ором олди». (Муслим ривояти).

Шунингдек, Пайғамбаримиз ﷺ баъзи кофир шоирларни ўлдиришга буюрганлар. Чунки улар ўз шеърлари орқали одамларга кучли таъсир кўрсатар эдилар. Улар орасида Каъб ибн Ашраф ва Макка фатҳи кўни Росулulloҳ ﷺ уларни ўлдиришга буюрган икки аёл шоира ҳам бор эди.

Ҳозирги замонда технология жуда тез ривожланди. Ушбу замонавий технология асрининг бошида ахборот воситалари давлатнинг расмий медиалари эди. Ҳар бир давлатнинг (расмий ёки ярим расмий) радиоси, телевидениеси, газета ва журналлари бўлган. Кейин вазият ўзгарди ва давлатлар назорат қиладиган «мустақил» оммавий ахборот воситаларига эҳтиёж кучайди. Сўнгра ижтимоий тармоқлар рақобат майдонига кириб келди. Улар кучли, ҳар қандай чекловлардан йироқ ва баъзан махсус йўналтирилган ахборот воситаларига айланди.

Шу тарзда давлатлар олдида сон-саноксиз ва турли хил оммавий ахборот воситаларини назорат қилишда катта қийинчилик юзага келди. Мусулмонлар яшайдиган ҳудудлардаги давлатлар деярли бир хил йўл тутиб, давлат оммавий ахборот воситаларини сақлаш ва ривожлантиришга ҳаракат қилишди. Улар турли телеканаллар ва ижтимоий тармоқлар платформаларининг кучли рақобатини чеклашга уринишди. Шубҳасиз, давлат ахборот воситалари бу рақобатда кескин заифлашди ёки жуда ожиз кўринди. Чунки олдин халқ учун фақат расмий оммавий ахборот воситалари мавжуд бўлгани сабабли улар кучли эди. Ўша вақтларда улар томошабин, тингловчи ёки ўқувчилар учун деярли ягона танлов эди. Бугунги кунда давлатлар ўз расмий ахборот муассасаларини назорат қилгани билан, бу муассасаларнинг жамоатчиликка таъсири маълум бир чегарадан ошиб ўтмаслигини англаб етишди. Бу таъсирнинг паст бўлишига сабаб эса – рақобатнинг кучлилиги, давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятида расмий тузилмаларга хос сўсткашлик ва ортиқча бюрократия, молиявий ва бошқарув соҳасидаги коррупция ҳамда давлат раҳбарларининг обрўи халқ орасида пасайиб кетганидир.

Шундан кейинги қадам янги қонунлар орқали «мустақил» ахборот воситаларини жамоат олдига чиқариш бўлди. Бу қонунлар

ахборот соҳасида маълум бир эркинлик бериш учун ишлаб чиқилди ва бу жараёнга сиёсий доиралардаги шахслар ва бошқалар жалб этилди. Бу ахборот воситалари давлат билан одамлар кўра олмайдиган пинҳона ришта билан боғланди. Уларга маълум даражада «эркинлик» берилади, шунда улар одамлар олдида ҳеч қандай ҳолда давлатга тегишли расмий оммавий ахборот воситаларига ўхшамайдиган кўринишда намоён бўлади.

Бундай ахборот воситалари янгиликларни ёритишда давлат ахборот муассасаларига нисбатан президент ва ҳукумат фаолиятига камроқ эътибор қаратади. Агар улар янгиликка ихтисослашган бўлса, уларнинг дастурлари анча журъатли бўлади, меҳмонлари турли қатламлардан танланади, мухбирлари эса ахборот манбаларига кўпроқ «касбий маҳорат» билан етишади. Агар улар кўнгилочар ёки кўп йўналишли бўлса, дастурларида ахлоқий чекловлардан анча эркин бўлиб, «очиқ» шаклда намоён бўлади. Улардаги меҳмонлар, ток-шоулар, сериаллар, қўшиқлар, реклама ва фильмлар ҳам кўпроқ эркинлик билан эфирга узатилади.

Агар диний йўналишда бўлса, уларнинг олиб боровчилари, меҳмонлари ёки тайёрланган материалларида – ҳужжатли, тарихий ёки кўнгилочар бўлишидан қатъий назар – диндорлик хусусиятлари намоён бўлади.

Бу ахборот воситалари қайси кўринишда бўлишидан қатъий назар, уларда фаолият юритувчи шахслар канал доирасидан ташқарида ҳам машҳур бўлишга интилишади. Бу эса, масалан, минтақавий ёки халқаро телеканалларда меҳмон сифатида қатнашиш, медиа анжуманлар ёки фестивалларда иштирок этиш орқали амалга оширилади. Улар одатда бу тадбирларда маърузачи сифатида иштирок этишни афзал кўришади ёки машҳурликка олиб боровчи бошқа усуллардан фойдаланишади. Чунки бу ҳолат уларни маҳаллий жамият орасида кўпроқ қабул қилинадиган шахслар қилиб қўяди.

Бу ахборот воситаси қайси йўналишда бўлишидан қатъий назар, унда фаолият юритувчи шахслар юртдаги бошқарув тузумидан рози бўлишади. Улардан кимдир ҳукмдорларнинг айрим ишларидан норози бўлиб кўриниши мумкин, лекин барчаси тузумнинг ўзига рози ва унинг чегарасидан ташқари фикрламайди. Давлатнинг тегишли идоралари бу ахборот воситаларининг

барчаси билан яқин алоқада бўлиб, уларнинг фаолиятини давлатнинг умумий сиёсат йўналишига мос равишда назорат қилиб бориши ажабланарли ҳол эмас.

Агар ушбу давлатлардан бири ўз ахборот соҳасини минтақавий даражага кўтара олса, яъни унинг аудиторияси фақат ўз мамлакатиде эмас, балки бутун минтақа бўйлаб кенгайса, у ҳолда бу давлат минтақавий миқёсда катта муваффақият қўлга киритган ҳисобланади. Шу орқали у Ғарбдаги ҳомийлари олдида ҳам ўзининг минтақавий мавқеини мустаҳкамлайди.

Энди ижтимоий тармоқлар фаолияти қолди. Бу соҳа ҳар бир хонадонга кириб бориб, барчани ўзига жалб қилувчи диққат марказига айланди. Улар халқнинг барча қатламларида катта қизиқиш уйғотди. Бинобарин, одамларга таъсир ўтказишни истаган ҳар қандай тараф учун муҳим платформаларга айланди. Шунинг учун турли тарафлар (жумладан, ҳукмрон режимлар) ўз медиа платформалари, ютуб каналлари, блогерлари, саҳифалари ва яна бошқа кўплаб ахборот воситаларини тузишди. Бу режимлар ижтимоий тармоқлардан одамларга таъсир кўрсатувчи бевосита канал сифатида фойдаланиш билан чекланиб қолишмади, балки мавжуд бошқа каналлар билан ҳам алоқани йўлга қўйиб, одамлар онгини бошқариш сиёсатида умумий йўналишдан чиқиб кетмасликка ҳаракат қилишди.

Бироқ ижтимоий тармоқларда режимлар назорат ўрнатишини қийинлаштирадиган хавфсизлик нуқтаи назаридан заиф нуқталар мавжуд. Бу заиф нуқталар икки йўналишда кўзга ташланади:

Биринчиси: Ҳокимият тарафдорлари ҳам, муҳолифлар ҳам бўлмаган, аммо режимга қарши бўлиб, уни ўзгартиришни мақсад қилган тарафлар. Бу тарафларнинг платформаларидаги ахборотни режимлар назорат қила олмайди. Чунки уларнинг халққа таъсирининг бир қисми ҳозирги режимлар қурган умумий онгни бузиш ва халқ онгида янги йўналиш шакллантиришга қаратилган. Шу боис, давлатлар бу платформаларнинг таъсирини чеклаш учун асосий чора сифатида сайтларни блоклашга киришишди. Аммо бу чоралар уларнинг таъсирини сезиларли даражада камайтира олмади.

Иккинчиси: оддий халқнинг шахсий саҳифалари ва сайтлари. Бу ерларда одамлар ўз фикрларини эркин баён қилишади. Улар орасида амалдаги режимларни қабул қилмайдиган тарафларни

қўллаб-қувватлайдиган инсонлар ҳам мавжуд. Халқ ўз саҳифаларида ёзиш ва фикр билдиришда аввалгига нисбатан анча журъатли бўлиб қолди. Бу ҳолат давлатлар учун катта хавф туғдирди. Медиа соҳасидаги бу бўшлиқни тўлдириш учун режимлар хавфсизлик чораларини кучайтиришди. Масалан, «кибер хавфсизлик» ҳақида қонунлар қабул қилиш, хавфсизлик идоралари орқали таъқиб қилиш каби усуллар қўлланилди.

Мана шу барча чора-тадбирлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлардаги фаол саҳифалар билан алоқалар орқали, юртларимиздаги режимлар аҳоли орасидаги умумий онг йўналишини назорат қилиш, уларнинг ҳис-туйғуларини инқирозлар пайтида режимларга зарар етказмайдиган томонга буриш, ҳукмрон режимларнинг йўналишларига ва давомийлигига хизмат қиладиган муайян сақофатни шакллантириш ҳамда бу режимларга хавф туғдиради деб ҳисоблаган ҳар қандай бошқа сақофатни йўқ қилиш мақсадида мустаҳкам медиа тизим барпо этишди. Бу медиа тизимининг таъсири Ҳазодаги уруш («Ақсо тўфон» амалиёти) вақтида яққол кўзга ташланди. Ўшанда ахборот воситалари икки гуруҳга бўлинди:

Биринчи гуруҳ Ҳазодаги қаршилиқ ҳаракатини қўллаб-қувватлади ёки ахборот ёритишда улар томонга мойил бўлди; иккинчи гуруҳ эса – очиқ бўлмаса-да – унга қарши нуқтаи назарни қабул қилди. Халқнинг кўпчилиги иккинчи гуруҳни рад этиб, биринчи гуруҳга – улар маҳаллий бўладими, ёки минтақавий – мойил бўлди. Бу икки гуруҳ, айниқса биринчи гуруҳ қуйидаги йўналишда иш олиб борди:

1 – Ҳазодаги мужоҳидларнинг ҳарбий саъй-ҳаракатлари гўё яҳудий вужудининг ҳарбий ҳаракатларига қарши тура оладигандек ва унга тўғридан-тўғри урушга кирмай, фақат душманни чалғитиб турадиган фронтларгина керакдек қилиб тасвирланмоқда. Ҳолбуки, яҳудийлар Ҳазога қарши урушда катта ҳарбий салоҳиятини ишга солди; Америка, Европа ҳамда минтақадаги араб ва араб бўлмаган режимлардан ёрдам сўрашди, улар эса қурол-аслаҳа, озиқ-овқат, гоҳида ҳатто одамлар билан ҳам ёрдам беришди. Натижада, томошабин Ҳазо аҳлидан яҳудийларга қарши ғалаба ва уларнинг армиясини жанг майдонида тор-мор қилишини кута бошлади. Бироқ уруш чўзилиб, ўлим ва вайронагарчилик кўпайган сари халқ қалбида умидсизлик пайдо бўла бошлади.

2 – Халқнинг ақли ва ҳиссиётлари Ғазонинг эҳтиёжини ҳарбий эмас, балки инсонпарварлик эҳтиёжи сифатида қабул қилишга йўналтирилди. Халқнинг эътибори вайрон бўлган манзаралар, чодирлардаги ҳаёт, қочқинлар, очлик ва кўчаларда ётган шахидларнинг жасадларига тортилди. Бу одамлар учун қаттиқ зарба бўлди, чунки уларнинг ҳис-туйғулари самимий эди. Оммавий ахборот воситалари бу ҳиссиётни яхши бошқариб, одамларни ёрдам юборишга йўналтирди, бу ёрдам фақат жинойтчиларнинг розилиги ва рухсати билан етади. Шунингдек, улар Ғазо аҳлига яҳудийлар ва уларнинг ёрдамчиларининг ёвузлигидан ҳимоя қиладиган воситаларни жўнатиш ўрнига, фақат дуо билан чекланишга ундадилар. Шу тариқа бу ахборот воситалари одамларни муаммонинг аломатларини бартараф этишга йўналтирди, унинг асл сабабларини эмас.

3 – Бу ахборот воситалари инсонларни Фаластин аҳлига ёрдам бериш учун армияларни ҳаракатга келтиришдан узоқлаштириб юборишди. Аслида Фаластиндаги муаммо ҳарбий муаммо бўлиб, унга аралашиш аввало ҳарбий мутахассисларнинг ва минтақадаги армияларнинг бурчи эди. Лекин бу ахборот воситаларининг эгалари ва уларни назорат қиладиган режимларга бу йўналиш керак эмас эди, аксинча у тақиқланган эди. Ҳолбуки бу йўналиш уруш бошида халқ орасида энг кучли талаб сифатида кўтарилган. Ғазодаги урушга армияларни аралаштириш талабини ижтимоий тармоқлардаги одамлар саҳифалари ва минтақадаги режимларга қарши бўлган тарафлар ҳам кучайтириб келган эди. Аммо бу режимлар ўзларининг медиа тизимлари орқали халқни ўз танловидан қайтариб юборишга муваффақ бўлишди.

Бу ахборот воситалари одамларни турли «сиёсий ечимларга» ишонтиришга хизмат қилди ва минтақага келиб кетаётган делегациялар халқ учун қандайдир енгиллик олиб келади деб кўрсатишди. Натижада, минтақадаги золим ва жинойткор давлат раҳбарларининг рейтинги кўтарилди. Енгиллик душманни қўллаб-қувватлаётган золимлардан келмаслигини, балки инқирозларни ҳал қилишда фақат Аллоҳнинг амрини бажариш билангина келишини халқ унутди. Уруш давомида одамлар Аллоҳга дуо қилиб, ундан ёрдам сўрадилар. Лекин золим режимлар ва уларнинг ахборот воситалари халқни Қатар, Миср, Америка ва бошқа делегациялардан енгиллик кутишга ишонтиришди.

Ҳаёдаги уруш даврида одамларнинг оммавий ахборот воситалари билан алоқаси яққол кўзга ташланди. Айниқса, тўғридан-тўғри эфирлар ва шошилиш хабарлари бериб борувчи ижтимоий тармоқларга қизиқиш жуда юқори бўлди. Давлат ахборот воситаларининг ожизлиги ҳам яққол намоён бўлди.

Бу – минтақада ўзгариш йўлида фаолият олиб бораётганлар учун оммавий ахборот воситаларининг одамлар қалби ва онига кўрсатаётган таъсирига доир, юксак қийматга эга улкан сабоқдир. Улар бу ҳақиқатни ҳеч қачон эътиборсиз қолдирмасликлари шарт. Инша Аллоҳ яқинда тикланадиган Ислом давлатида расмий медиа муассасасига ахборот соҳасида эркин фаолият юритиш имкони берилиши лозим. Бу иш оммавий ахборот воситалари хусусида етарли билимга эга бўлган янги сиёсий раҳбарият бошқарувида амалга оширилиши керак. Медиа муассасасининг тузилиши қайта кўриб чиқилиб, у Исломни татбиқ этиш ва тарқатишга қаратилган умумий мақсадларга хизмат қиладиган шаклга келтирилиши даркор. Шунингдек, янгидан шаклланаётган Ислом давлатининг ҳудудида фаолият юритаётган барча оммавий ахборот воситалари қайта тузилиши керак. Уларга давлатнинг умумий сиёсатлари, ахборот соҳасини тартибга солувчи қонунлар ва ўша пайтда жамият қандай кўринишда бўлиши кераклиги ҳақида тўлиқ маълумот берилиши зарур. Ушбу медиа воситаларга доимий цензура ўрнатилмаслиги, улар билан давлат – айниқса хавфсизлик идоралари – ўртасида тўғридан-тўғри ва ошкора алоқа бўлиши лозим. Шу билан бирга, Ислом давлатининг умумий сиёсатларига қатъий риоя этиш ва қонунларнинг жиддийлигига ҳам эътибор қаратилиши талаб этилади.

Яқин Шарқ минтақасида ҳозир катта беқарорлик ҳукм сурмоқда. Биз Аллоҳ Таолодан бу беқарорлик буюк Ислом давлати – Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик барпо этилиши билан якун топишини ва бу давлатни бошқарадиганларга ёрдам беришини сўраймиз. Чунки Умнат ҳаётининг ҳар бир жабҳаси, жумладан ахборот соҳаси ҳам қайтадан тартибга солиниши лозим. □

ФЕМИНИСТИК ҒОЯЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ОИЛА ВА АЁЛГА НИСБАТАН ХАТАРИ

Бугунги кунда феминизм ғояси жаҳоннинг барча бурчакларида, жумладан, Ислом оламида ҳам кенг тарқалди. Бу ғоялар гендер тенглик, аёлларга нисбатан нафрат (мисогиния)га қарши кураш, патриархал тузум ва куч муносабатларини рад этиш каби шиорлар остида илгари сурилмоқда. Аста-секин феминист фаоллар мусулмон аёллар орасида ҳам ўз ўрнини топа бошлашди. Кўпгина мусулмонлар ҳукмдорлари феминизм ҳаракатига ижобий муносабат билдириб, унинг фикрларини давлат сиёсатига киритишди.

Масалан, Иорданияда 2022 йил январ охирида парламент конституцияга ўзгартириш киритишни маъқуллаган. Ушбу ўзгартиришларнинг 6-моддасида шундай дейилган: «Иорданияликлар қонун олдида тенг бўлиб, ирқи, тили ёки динидан қатъий назар, ҳуқуқ ва мажбуриятларда фарқланмайди». Илгари бу моддада фақат «Иордания фуқаролари» дебгина қайд этилган бўлиб, қўшимча тафсилотлар кўрсатилмаган эди. Бу ўзгартириш ҳукуматнинг 2030 йилгача гендер тенгликка эришиш расмий мақсадига мувофиқ равишда амалга оширилди.

Феминистик фикрларнинг Ислом оламида тарқалиши феминистлар ва ғарб давлатлари учун жуда муҳим ва стратегик масаладир. Чунки дунё бўйлаб мусулмон аёллар сони тахминан 800 миллионга етади. Феминистик ташкилотларнинг бир қисми Яқин Шарқда, аксар қисми эса Осиё ва Ҳиндистонда фаолият олиб бормоқда. Албатта, Ислом оламида бу феминистик тармоқнинг кенгайиши Умматнинг Исломни тушунишдаги таназзули билан боғлиқ. Исломий фикр заифлашгани сабабли аёлларни ҳимоя ва ғамхўрлик қилиш ўрнига, уларга ёмон муносабат кучайган, эркаklar томонидан аёлларни камситиш ва зулм қилиш авж олган. Бу ҳолатнинг Исломга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Айрим бу каби амалиётлар маҳаллий урф-одатлар ва сақофат билан чалкашиб кетган ва улар Ислом таълимоти деб нотўғри тарзда талқин қилинади. Мана шу ҳолат аёллар учун азоб-уқубат келтириб чиқаради.

Яқин вақтларгача айрим исломий юртларда аёлларнинг мактаб ва университетларда ўқиши тақиқланган эди. Шунингдек, аёлларнинг умумий секторда, масалан таълим

соҳасида, бозорларда, фуқаролик хизматларида ишлаши ёки сиёсий тадбирларда қатнашиши... тақиқланган эди. Ғарб раҳбарлари, БМТ ва феминистлар ушбу фактлардан фойдаланиб «Ислом аёлларга ёмон муомалада бўлади, Ислом таълимотлари аёлларни камситишни ўз ичига олади, Ислом патриархал тузумни оқлайди ва эркакни аёл устидан ҳукмрон қилади», деб кўрсатишга ҳаракат қилишди. Сабаби бу юртларда аёлнинг мақоми эркакникига тенг эмас эди.

Исломни нотўғри тушуниш сабабли баъзи одамлар Ислом таълимотларидан узоқлашишга интилиб, Ислом аёл учун хавфсиз эмас, деган фикр пайдо бўлди. Улар Исломни эркакларнинг устунлигини таъминлайдиган, аёлларни камситадиган, зўравонлик ва жинсий дискриминацияни вужудга келтирадиган тузум сифатида кўра бошлашди. Оқибатда аёллар ва жамият феминистик фикрларни қабул қилиб, феминистлар сингдирган гендер тенглик талабларини кўтара бошлашди.

Ислом оламидаги ушбу феминистик инқилоб Ғарбдаги феминистик гуруҳлар томонидан ижобий қабул қилинди. Эрон, Афғонистон ва бошқа исломий юртларда аёлларга нисбатан содир бўлган зўравонлик ҳолатлари Исломга қарши ҳужум қилиш учун баҳона сифатида ишлатилди. Феминистлар айрим мусулмон аёлларни Ислом оламидаги зулм сиёсатларидан қутулиш ҳаракатининг рамзи сифатида намоён қилишди. Аста-секин бу феминистик ҳаракат мусулмон аёллар орасида ўз ўрнини топа бошлади.

Феминист фаоллар бу ҳолатни «аёллар араб баҳори» деб аташди ва Саудия Арабистонини аёллар учун кўпроқ очиқ бўлган янги сақофатга эшик очган Яқин Шарқдаги намуна давлат сифатида кўрсатишди. Бу давлат олдин аёлларга автомобил бошқаришни тақиқлаган бўлса, эндиликда уларга машина ҳайдашга рухсат бериш билан бирга, эркаклар ва аёллар аралашадиган байрамлар, мусиқий тадбирлар ва кенг кўламли шоу дастурлар ўтказишга ҳам йўл очди.

Шунингдек, Саудия Арабистони аёлларни бошдан оёқ қопловчи узун кийимларни мажбурий кийишдан озод қилганини эълон қилди. 2021 йили Жидда шаҳрида Қизил денгиз соҳилида «Пьюр-Бич» пляжи очилди ва Саудия

Арабистонида аёллар биринчи марта бикини кийиш ҳуқуқига эга бўлган пляж ташкил этилди.

БМТ ва Ғарб давлатларининг роли

Исломий юртларда феминистик фикрларнинг ривожланишига ёрдам берган яна бир омил Ғарб давлатларининг тўлиқ қўллаб-қувватлаши бўлди. Америка, Англия, Германия каби Ғарб давлатлари ва БМТ каби халқаро ташкилотлар турли давлатлараро ҳамкорлик дастурлари орқали феминистик тушунчаларни Ислом оламининг қалбига сингдиришга ҳаракат қилишди.

БМТ феминистик ҳаракатни ҳимоя қилиш учун жуда катта маблағлар ажратди. 2023 йили БМТ бу мақсадда йиллик қўшимча 360 миллиард долларга етадиган маблағ ажратди. Бу бюджет 2030 йилгача белгиланган барча асосий глобал мақсадларга эришишда гендер тенглиги ҳамда аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш дастурлари учун зарур ҳисобланади.

Бу глобал асосий мақсадлар «Барқарор ривожланиш мақсадларида эришилган натижалар: 2023 йилда гендер нуқтаи назаридан таҳлил» деб номланган ҳисоботда белгилаб берилган. Ушбу ҳисобот БМТнинг Аёллар бўйича агентлиги ҳамда Иқтисодий ва ижтимоий ишлар департаменти томонидан биргаликда тайёрланган.

2024 йил март ойида БМТ Саудия Арабистонини БМТнинг Аёллар масалалари бўйича комиссиясида аёллар ҳуқуқлари ва гендер тенглик форуми раислигига танлади. Саудия ахборот агентлигининг хабарига кўра, «БМТнинг Аёллар масалалари бўйича комиссияси 2025 йилда бўлиб ўтадиган 69-сессиясида Саудия Арабистонини бир овоздан раис сифатида сайлашга қарор қилди».

Аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи бир қатор ташкилотларнинг кескин қаршилигига қарамай, Саудия Арабистони ўзининг янги миллий нуқтаи назаридан келиб чиқиб, БМТнинг Аёллар масалалари бўйича комиссияси билан ҳамкорлик қилишга қизиқиш билдирганини тасдиқлади. Саудия ахборот агентлиги шундай эълон қилди: «Саудия Арабистонининг бу комиссияга раислик қилиши аёллар ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва уларнинг имкониятларини кенгайтириш йўлида халқаро

ҳамжамият билан ҳамкорликка бўлган қизиқишини намоён қилувчи қадамдир».

Шунингдек, феминистик ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи нодавлат ташкилотлар исломий юртларда тобора кўпайиб бормоқда. Тунисда 1993 йилда ташкил этилган «Араб аёлларини ўқитиш ва тадқиқот маркази» (Кавсар) феминистик ғоялар доирасида тадқиқотлар ўтказиш, ўқитиш, ижтимоий тармоқларни барпо қилиш ва ҳимоя ишлари билан шуғулланади. Ливанда «Кифоя» (зўравонлик ва эксплуатацияга қарши) ташкилоти бор. Мисрда «Аёлларни ривожлантириш ва ҳимоя қилиш уюшмаси» ташкил этилган. Иорданияда 1970 йилдан бери фаолият олиб бораётган «Иорданиядаги араб аёллар уюшмаси» мавжуд. Бирлашган Араб Амирликларида «Дубайдаги аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш жамғармаси» ташкил этилган бўлиб, у аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш ва назорат қилиш мақсадида расмий лицензия олган БААдаги илк нотижорат инсонпарварлик маркази ҳисобланади.

Шунингдек, «Исломий маънавийлик ва тенглик бўйича аёллар ташаббуси» (WISE) номли ташкилот ҳам мавжуд бўлиб, у гендер тенгликни Ислом ақидасининг асосий қийматларидан бири сифатида тарғиб қилишга йўналтирилган. Бу эса ушбу ҳуқуқларни инкор этиш диний қоидаларни бузиш ҳисобланишини англатади. WISE 2006 йили Нью-Йоркда ташкил этилган. Унга дин асосидаги глобал тармоқ ва ижтимоий адолат ҳаракати сифатида 25 ҳудуддан келган 200га яқин таниқли мусулмон фаол ва етакчилар асос солишган. WISE Мисрда фаолият олиб борган. Покистонда WISE «Бедари» ташкилоти билан ҳамкорлик қилиб, оиладаги зўравонлик ҳақида маълумот бериш кампанияларини ташкил этган. Афғонистонда WISE «таълим ва имкониятларни ривожлантириш бўйича Нур уюшмаси» (NEDCO) билан ҳамкорликда имомларга аёллар ҳуқуқи бўйича ўқув машғулотларини ташкил этган. Африка қитъасида, хусусан Марокашда «Марокаш демократик аёллар ассоциацияси» (ADFM) ташкил этилган. Бу ташкилот аёллар ҳуқуқларини ва уларнинг стратегик манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, эркак ва аёл ўртасида тенглик, гендер адолат ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишни ривожлантириш йўлида фаолият олиб боради.

Ушбу нодавлат ташкилотлар аёллар ва кенг жамоатчилик орасида феминистик фикрларни сингдиришга уринишади. Улар ижтимоий тармоқлар, блоглар, сайтлар, тўғри эфирлардаги семинарлар ва очиқ муҳокамалар, шунингдек, телевидение ва интернет ахборот воситалари орқали ўз фикрларини ёйишади.

Шубҳасиз, Ислом оламидаги аёллар ҳаракатининг асосий манбаи Ғарб ҳазоратидаги инсон ҳуқуқлари тушунчасидир. Бу тушунчага кўра, ҳар бир инсон, аёл бўладими, эркак бўладими, танлаш ҳуқуқига ва тенг муносабатда бўлиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким, ҳатто дин ҳам, инсонни мажбурлаш ёки қўрқитиш ҳуқуқига эга эмас, чунки динни қабул қилиш инсон ҳуқуқларининг бир қисми сифатида қаралади ва бу ихтиёрий бўлиб, мажбурий эмас.

Шу тарзда феминистлар ўзларининг фахрланган иши – Ислом таълимотларини қайта шарҳлаш ва қайта шакллантириш билан шуғулланмоқда. Улар бундан кўзланган мақсад аёлларга инсон ҳуқуқларини таъминлаш деб билади. Чунки феминистлар Ислом таълимотларида кўплаб жинсий камситиш ҳолатлари бор деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрича, Ислом уламолари халқ учун буюк илмий мерос қолдирган бўлсаларда, баъзи аёллар ҳуқуқини бузадиган, патриархал тузум менталитетини сингдириб қўйганлар. Шунинг учун улар бу меросни аёллар ҳуқуқи нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш лозим деб ўйлашади. Уларнинг фикрига кўра, кийим тўғрисидаги қонунлар, меросга оид қоидалар, аёлларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, кўп хотинлик, аёлнинг давлат бошлиғи бўлишини тақиқлаш ва шулар каби барча қонунлар қайта кўриб чиқилиши керак. Улар бунинг барчасини аёллар манфаати йўлида амалга ошириш лозим деб ҳисоблашади. Феминистлар таянаётган таъвил (интерпретация) услубига кўра, диний таълимотлар субъектив бўлиб, улар мутлақ ҳақиқат эмас. Шунинг учун уларнинг тушунчасида «диний ҳақиқат» нисбий бўлиб, мутлақ деб қаралмайди.

БМТ: ЛГБТИ ҳамжамияти ва инсон ҳуқуқлари

Ғарб дунёси «инсон ҳуқуқлари» шиори орқали ЛГБТИ (лесбиянка, гей, бисексуал, трансгендер ва интерсекс) маданиятини Ислом оламига куч билан киритишга ҳаракат қилмоқда. Бу йўналишда БМТ ЛГБТИ ҳамжамиятини ҳимоя қилувчи етакчи ташкилот сифатида фаолият юритмоқда. 2015

йил октябрда БМТ Бош Ассамблеяси йиғилиши доирасида БМТга қарашли 12 агентлик лесбиянка, гей, бисексуал, трансгендер ва интерсекс (ЛГБТИ) шахсларга нисбатан зўравонлик ва дискриминацияни тўхтатишга чақирган ва уларни ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни белгилаган. БМТга аъзо 193 давлатдан фақат 76 давлат ЛГБТИ ҳамжамиятининг ҳуқуқларини тан олмайди. Шу вақтнинг ўзида, дунёдаги 20 давлатда бир жинсли никоҳ қонуний деб эътироф этилган.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссариатидаги халқаро масалалар бўлими бошлиғи Чарльз Радклифф ушбу қарорни катта ютуқ сифатида баҳолаб шундай деган: «Бу – БМТ агентликларининг қатъияти ва дунё бўйлаб ҳукуматларни гомосексуаллар ва турли жинсий идентификацияга эга бўлган шахсларга нисбатан нафрат, зўравонлик, дискриминация ва ҳуқуқбузарликларга қарши янада фаол ҳаракат қилишга чақирувчи кучли овоздир».

БМТ исломий юртларни ҳам танқид қилиб келади, уларни ҳануз гомосексуалларни камситишда айблайди. Масалан, 2019 йил БМТ Бруней ҳукумати гомосексуалларни тошбўрон қилиб ўлдириш жазосини қонунлаштиргани учун қоралаган. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш шундай деган: «Брунейда қабул қилинган қонунлар қабул қилинган тамойилларга очиқ ойдин зиддир».

Исломий юртларнинг барчаси ўз конституцияларида ЛГБТИ ҳамжамияти фаолиятини тақиқлаган бўлса-да, баъзи исломий юртларда уларнинг мавжудлигига бефарқ муносабатда бўлиш ҳолати кузатилади. Масалан, Индонезияда гомосексуаллар, лесбиянкалар, бисексуаллар ва трансгендерларнинг никоҳи қонуний эмас, аммо ЛГБТИ ҳамжамияти эркин юради, йиғилишлар ўтказди, анжуман ва чиқишлар ташкил қилади. Полиция бир неча марта гей кечаларни тарқатган, бироқ жиддий ҳуқуқий чоралар кўрилмаган. Мисрда «Ахиббо» нодавлат ташкилоти маълумотига кўра, минглаб гомосексуаллар мавжуд бўлиб, уларнинг катта қисми Қоҳира шаҳрида яшайди ва улар тахминан 7 минг кишини ташкил этади.

Хавф-хатарга қарши кураш

Феминистик ҳаракат ҳам, ЛГБТИ ҳаракати ҳам шубҳасиз Ислом шариатига бутунлай зиддир. Бундан ташқари, ҳар

иккиси инсонларнинг ҳаёти учун жиддий хавф туғдиради. Ислом дини феминизмга ҳам, ЛГБТИ ҳаракатига ҳам эшигини мутлақо ёпгани ҳақиқатдир. Ҳатто Американинг ўзида ҳам оналар мактабларда олиб борилаётган ЛГБТИ тарғиботига қарши чиқишмоқда. Чунки жинсини ўзгартиришга юзланиб, операция қилдирган ўсмирлар кейин депрессияга тушиб, пушаймон бўлишмоқда ва катталарнинг алдови билан трансгендер бўлиб қолганини тан олишмоқда.

Ислом шариати эркак ва аёл алоқасини уларнинг яратилишидан кўзланган мақсадни рўёбга чиқарадиган тарзда тартибга солган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا لِتَسْكُنُوا إِلَيْهَا وَجَعَلَ بَيْنَكُمْ مَوَدَّةً وَرَحْمَةً إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ﴾

«Унинг оятларидан (яна бири) У Зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир» [Рум 21]

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا زَوْجَهَا وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي تَسَاءَلُونَ بِهِ وَالْأَرْحَامَ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْكُمْ رَقِيبًا﴾

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини (Ҳаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билан ажралиб кетишдан сақланингиз)! Албатта Аллоҳ устингиздан кузатувчи бўлган зотдир» [Нисо 1]

Бутун дунёдаги феминистик ва ЛГБТИ ҳаракатлари инсоний, маънавий ва ахлоқий қийматларни йўқ қилишга, ижтимоий низомни, айниқса оилани вайрон қилишга қаратилган. Аёлларнинг мақомини кўтаришни даъво қиладиган феминистик ҳаракатлар аслида аёлларни янада депрессияга туширмоқда. Ўз аҳамиятини исботлаш учун уйдан ташқарига чиқиб ишлаётган кўплаб аёллар жинсий зўравонликка учрамоқда, тушкунликка тушмоқда ва оилалар пароканда бўлмоқда.

Аллоҳ Таоло бизни бундан огоҳлантирмаганмиди?! Инсонлар Аллоҳнинг буйруқ ва тақиқларини бузишганда, ўзлари қилган бузғунчиликларнинг қурбони бўлишади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿ظَهَرَ الْفَسَادُ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ بِمَا كَسَبَتْ أَيْدِي النَّاسِ لِيُذِيقَهُمْ بَعْضَ الَّذِي عَمِلُوا لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ﴾

«Одамларнинг ўзлари қилган қилмишлари сабабли қуруқликда ҳам денгизда ҳам (турли) офат ва балолар юз берди. (Бу бало ва офатлар одамлар қилаётган гуноҳ маъсиятларидан) қайтишлари учун, уларга қилган айрим гуноҳларининг (жазосини) тотдириб қўйиш учундир»[Рум 41]

Қуйида бутун дунё бўйлаб феминистик ва ЛГБТИ ҳаракатлари аёл ва жамиятга солаётган хавфларнинг баъзилари келтирилади:

– Оила тизимини емириш

Феминистик ва ЛГБТИ ҳаракатлари жамиятда оиладаги тотувликни йўқотишга сабаб бўлди. Кўплаб аёллар эркакка итоат қилиш ёки унинг назорати остида бўлиш шарт эмас деган тушунчага эга бўлишди. Шунингдек, кўп аёллар оила бошқаришда, хусусан ўй-рўзғор ишларида эркаклар билан ҳуқуқим тенг деб ишона бошлашди. Бундан ташқари, баъзи аёллар ҳомиладор бўлиш, бола эмизиш ва фарзанд тарбиялашдан воз кечишмоқда, чунки улар бунга ўз ҳуқуқи деб билиб, бурч эмас деб қабул қилишмоқда.

Бу ҳолат оила ичида кўплаб низоларга сабаб бўлмоқда. Шунингдек, бу кўп аёлларни турмуш қуришдан олдин икки карра ўйлашга мажбур қилмоқда, чунки феминистик қарашларга кўра ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ бажара олишларига шубҳа билан қарашмоқда.

– Никоҳ ва туғиш кўрсаткичларининг пасайиши

Кўплаб давлатларда никоҳ кўрсаткичлари кескин равишда пасайди. Масалан, Индонезияда 2023 йил никоҳ кўрсаткичи жуда тушиб кетди, бор-йўғи 1,5 миллион никоҳ расмийлаштирилди. Ҳолбуки, 2022 йил бу кўрсаткич 1,7 миллион эди. 2023 йил қайд этилган бу рақам 1998 йилдан бери кузатилган энг паст кўрсаткич бўлди. Кўплаб эркак ва аёллар иқтисодий омилларсиз ҳам никоҳни кечиктиришмоқда ёки ундан умуман воз кечишмоқда. Уларнинг фикрича, никоҳ муҳим эмас, балки у таълим олишга, касбий фаолиятга ва ўз

қобилиятини амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин. Ачинарлиси шундаки, зино ҳолатлари ортиб борапти. Ҳолбуки, бир вақтлар минглаб индонезиялик талабалар турмуш қургани учун ўқишдан озод этиш ҳақида ариза топширишар эди. Бугун эса бу ҳолатнинг асосий сабаби никоҳсиз жинсий муносабатлар, ундан келиб чиқадиган ҳомиладорлик, шунингдек, абортлар ва жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг кўпайиши бўлмоқда.

– Ишловчи аёллар орасида стресс ва жинсий тазйиқнинг ортиши

Феминистик ҳаракатлар аёлларни уйдан ташқари ишлашга рағбатлантирди, аммо бу билан бирга ишловчи аёллар учун катта хавф-хатарлар юзага келди. Gallup агентлигининг 2021 йилги ҳисоботида кўра, иш жойидаги стрессдан аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ азият чекади, бу кўрсаткич 54% ни ташкил этган. Шунингдек, PBS NewsHour, NPR ва Marist Foundation томонидан ўтказилган сўров натижасига кўра, ишловчи аёлларнинг учдан бири иш жойида жинсий тазйиққа учрайди. Шунингдек, Stop Street Harassment номли нодавлат ташкилот 2021 йил январда ўтказган онлайн сўров натижасига кўра, ишловчи аёлларнинг 81% иш жойида жинсий тегажозликка дуч келганини билдирган.

– Жинсий йўл билан юқадиган касалликлар ва анал саратоннинг кўпайиши

Кўпчилик бу фактни рад этса ҳам, гомосексуаллар орасида ОИТС вируси тарқалиши айнан шу доирада бошлангани инкор этилмайди. АҚШда ОИТС билан касалланиш ҳолатларининг 67% и гомосексуаллар, бисексуаллар ва эркаклар билан жинсий алоқада бўлган эркакларда учрайди. Бундан ташқари, гомосексуаллар анал саратонга чалиниш хавфига 20 баробардан 80 баробаргача кўпроқ дуч келишади.

Маймун чечагининг жинсий йўл билан юқишини ўрганиш натижалари бу касаллик асосан гомосексуал алоқалар орқали тарқалишини кўрсатди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, қайд этилган 500 ҳолатнинг 98% и гомосексуал, бисексуал ёки эркаклар билан жинсий алоқада бўлган эркаклар орасида кузатилган.

Муаммоларга ечим

Уммат феминистик ва ЛГБТИ ҳаракатларининг хавф-хатарларини жиддий қабул қилиши лозим бўлган пайт етди. Чунки бу ҳаракатлар Ислом ҳукмларига очиқдан-очиқ зид келади ва мусулмонлар ҳамда бутун инсоният ҳаётига ҳалокат олиб келади. Уларнинг «инсон ҳуқуқлари» шиори ва кампаниялари на аёлларга, на оилага ва на инсониятга ҳеч қандай яхшилик олиб келмайди, улар фақат заҳарли, аҳмоқона гаплардан бошқа нарса эмас.

Бу икки бузғунчи ҳаракатга фақат Исломгина қарши тура олади. Чунки фақат Ислом ҳаёт учун тўғри кўз қарашни тақдим этади ва инсониятга уйғунлик ва осойишталикка асосланган ҳаёт тақдим қилади. Чунки ундаги ҳар бир нарса фитратга мос, ақлни қаноатлантирадиган ва қалбларга хотиржамлик бахш этадиган исломий ақидага таянган.

Уммат бугун ташлаши лозим бўлган асосий қадам – Исломни ҳаёт учун мукамал ва тўлиқ тузум сифатида ёйишдир. Шу жумладан, эркак ва аёл ўртасидаги муносабат масаласида Ислом эркакнинг устунлиги ёки аёлни камситишга эмас, балки иймон ва тақвога асосланишини тушунтириш зарур. Росулulloҳ ﷺ айтдилар:

«اتَّقُوا اللَّهَ فِي النِّسَاءِ»

«Аёллар борасида Аллоҳдан қўрқинглар». (Муслим ривояти).

Ислом аёлга эркак, жамият ва давлат ҳимоя қилиши лозим бўлган номус сифатида қарайди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَعَايِرُوهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ﴾

«Улар билан тинч-тотув яшанглар» [Нисо 19]

Бундан ташқари, мусулмонлар аёллар (она, турмуш ўртоқ, опа-сингил, қиз, умуман аёллар) билан бўладиган барча муносабатларда исломий ҳукмларни тўлиқ тушуниб етишга ҳаракат қилишлари лозим. Чунки Ислом аёлларни улуғлаш ва муҳофаза қилиш учун келган. Шунингдек, мусулмонлар тушуниб етишлари лозимки, Исломда эркак ва аёл Аллоҳнинг ҳузурида тенг, аксар ҳолларда уларнинг мажбуриятлари ҳам бир хил, масалан: намоз ўқиш, рўза тутиш, илм талаб қилиш, даъват ва яна кўплаб бошқа ибодатларда фарқ йўқ.

Бироқ, эркаклик ва аёлликка хос бўлган масалаларда Ислом улар учун турлича ҳукмларни ўзига хос услубда белгилаган.

Масалан, оила нафақасини таъминлаш масъулияти эркак зиммасига юкланган, аёл эса бу вазифадан озод қилинган. Ислом аёлни она ва уй тарбиячиси сифатида эъзозлаб, унга ҳомиладорлик ва туғишдан сўнг болани эмизиш ва фарзанд тарбиялаш масъулиятини юклаган.

Шунингдек, Уммат шуни тушуниб етиши лозимки, Ислом ўз ҳукмларини қайта кўриб чиқишга муҳтож эмас, чунки унинг ақидаси ҳам, шариати ҳам тўлиқ ва мукаммал бўлиб, камчиликлардан холи. Бугунги кунда аёллар бошидан кечираётган қийинчиликлар Ислом таълимотларини татбиқ этишнинг натижаси эмас, аксинча, Ислом инкор этган йўлдан оғишлар натижасидир. Аёлларни бозорлар, университетлар, мактаблар каби умумий ҳаётдан маҳрум қилиш ҳам Исломга тўғри келмайдиган хато қарашдир. Аслида, Росулulloҳ ﷺ даврида аёллар эркаклар билан жамиятда муайян шартлар ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилган ҳолда иштирок этган. Лекин бу иштирок Ғарбдаги либерал жамиятлардаги каби эмас, балки Ислом қонунларига мувофиқ ҳолда амалга оширилган.

Шунингдек, Уммат Ғарбнинг, унинг қуроллари бўлмиш БМТ, турли нодавлат ташкилотлари ва хоин ҳукмдорларнинг барча фитналарини тўлиқ англаб етиши жуда муҳим. Чунки айнан шу кучлар – ўзларининг аёлларни ҳимоя қилмайдиган сиёсатлари орқали – Умматнинг ҳаёт тарзини емирмоқда. Улар жамиятда ижтимоий муҳитни ўзгартириш, яъни «ижтимоий муҳандислик» орқали мусулмонларни оила ва шахс даражасида йўқ қилишни кўзламоқда. Бунинг гендер тенглик дастурлари ва ЛГБТ ҳамжамияти аъзоларига ҳуқуқ бериш орқали амалга оширишмоқда ва бу жараёнда улар ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилмоқда.

Энг муҳими, Уммат бугун уларни, жумладан аёлларни қамраб олган бузғунчилик исломий ҳаётнинг йўқолиши ва уни Ғарб малайлари бузиб ташлаганининг натижаси эканини англаб етиши лозим. Шунинг учун бир бузғунчиликнинг ортидан иккинчиси келмоқда. Лекин, афсуски, баъзилар кофирларнинг йўлига эргашиб кетди. Росулulloҳ ﷺ шундай деганлар:

«لَتَبْعَنَّ سَنَنَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ شِبْرًا بِشِيرٍ وَذِرَاعًا بِذِرَاعٍ، حَتَّى لَوْ دَخَلُوا فِي جُحْرِ صَبٍّ لَاتَّبَعْتُمُوهُمْ. قُلْنَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، الْيَهُودُ وَالنَّصَارَى؟ قَالَ: فَمَنْ؟»

«Сизлар албатта, ўзингиздан аввал ўтганларнинг йўлига қадамма-қадам, қаричма-қарич эргашасизлар. Ҳатто улар калтакесакнинг инига кирса, сизлар ҳам уларнинг ортидан кирасизлар. Биз: «Эй Аллоҳнинг Росули, улар яҳудийлар ва насронийларми?», деб сўрадик. У зот айтдилар: Бўлмаса ким?!». (Муслим ривояти).

Шунингдек, одамларга феминизм ва ЛГБТИ ҳамжамияти атрофида тарқатилаётган «инсон ҳуқуқлари» шиори шунчаки бўш даъво эканини фош қилиш жуда муҳим. Чунки феминистлар ғазода болалар ва аёллар геноцидга учраётганини кўриб туриб ҳам сукут сақлашмоқда. Аслида айнан болалар ва аёллар яҳудий вужудининг ҳарбий ваҳшийлигидан энг кўп жабр кўряпти. Аммо «аёллар ва болалар ҳуқуқини ҳимоя қиламиз» деб даъво қиладиган феминистлар сукутни танлашди. Бу эса уларнинг ҳақиқий башарасини очиб берадиган иккиюзламачиликдир.

Бундан ташқари, Уммат исломий ҳаётни рўёбга чиқарувчи амалий тузум – Халифалик давлатига муҳтож эканини англаб етиши лозим. Барча исломий ҳукмлар, жумладан аёлларни ҳимоя қиладиган ҳукмлар ва жинойтчиларга нисбатан – у ҳатто отаси ёки эри ёки фарзанди бўлса ҳам – жазо чораларини қўллаш ҳам фақат Халифалик давлатида тўлиқ амалга оширилади.

Шунинг учун Аллоҳ Таолодан Ўз каломини улуғлаш йўлидаги курашни давом эттиришимизда бизга ёрдам беришини сўраймиз. Шу орқали Халифалик давлатини тиклаш билан исломий ҳаёт қайта жорий қилинади ва барча инсонлар, жумладан аёллар ҳам хавфсизликда бўлиб, жамиятда тинчлик қарор топади. Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«إِنَّمَا الْإِمَامُ جُنَّةٌ يُقَاتِلُ مِنْ وَرَائِهِ وَيُتَّقَى بِهِ، فَإِنْ أَمَرَ بِتَقْوَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ وَعَدَلَ كَانَ لَهُ بِذَلِكَ أَجْرٌ، وَإِنْ يَأْمُرُ بغيرِهِ كَانَ عَلَيْهِ مِنْهُ»

«Имом (халифа) қалқондир. Унинг ортида туриб жанг қилинади ва у билан ҳимояланилади. Агар у Аллоҳ Таолодан қўрқишга буюрса ва адолат билан ҳукм юритса, унинг учун бу ишларидан ажр бўлади. Агар ундан бошқасига буюрса, унга бу ишининг гуноҳи бўлади». (Муслим ривояти). □

Ислом инсонда уни ҳаракатга ва ҳаётида бажарадиган ишларга ундайдиган ҳаётӣ энергия мавжудлигини эътироф этди. Шу асосда, ушбу энергия тақозо этадиган тузумлар ва ечимларни белгилади. Ислом инсон фитратида (туғма табииатида) диндорлик ғаризаси мавжуд деб қарор қилди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَأَقِمْ وَجْهَكَ لِلدِّينِ حَنِيفًا فِطْرَتَ اللَّهِ الَّتِي فَطَرَ النَّاسَ عَلَيْهَا لَا تَبْدِيلَ لِخَلْقِ اللَّهِ ذَلِكَ الدِّينُ الْقَيِّمُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«(Эй Муҳаммад), ўзингизни ушбу энг одил дин (Ислом)да тик тутинг! Аллоҳ инсонларни яратган табиӣ хилқатни сақланг! Аллоҳнинг яратиши ўзгартирилмас. Энг тўғри дин мана шудир. Лекин кўп одамлар (бун) билмайдилар»[Рум 30]

﴿وَإِذْ أَخَذَ رَبُّكَ مِنْ بَنِي آدَمَ مِنْ ظُهُورِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ وَأَشْهَدَهُمْ عَلَى أَنْفُسِهِمْ أَلَسْتُ بِرَبِّكُمْ قَالُوا بَلَىٰ شَهِدْنَا أَنْ تَقُولُوا يَوْمَ الْقِيَمَةِ إِنَّا كُنَّا عَنْ هَذَا غَافِلِينَ﴾

«Роббингиз Одам болаларининг белларидан (яъни пушти камарларидан то қиёмат кунигача дунёга келадиган барча) зурриётларини олиб: «Мен Роббингиз эмасманми?», деб, ўзларига қарши гувоҳ қилганида, улар: «Ҳақиқатан Сен Роббимизсан, биз бунга шоҳидмиз», деганларини эсланг! (Сиздан бундай гувоҳлик – аҳд-паймон олишимиз) қиёмат кунда: «Биз бундан беҳабар эдик», демасликларингиз учундир» [Аъроф 172]

Аллоҳ Таоло инсонда бошқа ғариза ва узвий эҳтиёжлар ҳам мавжуд эканини баён қилиб, бундай деди:

﴿زَيْنَ لِلنَّاسِ حُبُّ الشَّهَوَاتِ مِنَ النِّسَاءِ وَالْبَنِينَ وَالْقَنَاطِيرِ الْمُقَنْطَرَةِ مِنَ الذَّهَبِ وَالْفِصَّةِ وَالْخَيْلِ الْمُسَوَّمَةِ وَالْأَنْعَامِ وَالْخَرْثِ ذَلِكَ مَتْلَعُ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَاللَّهُ عِنْدَهُ حُسْنُ الْمَتَابِ﴾

«Одамларга аёллар, болалар, туганмас олтину кумуш бойликлар, қимматбаҳо отлар, чорва ва экин-тикинлар каби истак-хоҳишларга кўнгил қўйиш чиройли қилинди. Ҳолбуки, бу нарсалар ҳаёти дунёнинг (ўткинчи) нарсаларидир. Аллоҳнинг ҳузурида эса энг гўзал қайтадиган жой-жаннат бордир» [Оли Имрон 14]

Айни шу ғариза ва узвий эҳтиёжлар инсоннинг ҳаётий энергиясини ташкил қилади, чунки инсон табиий равишда уларни қондиришга интилади. Масалан, агар инсонда очлик ва чанқоқлик ҳисси бўлмаганида, еб-ичишга ҳаракат қилмас эди. Агар яратувчига муҳтожлик ҳисси бўлмаганида, ибодат қилиши ва муқаддаслаши мумкин эмас эди. Агар тирик қолиш хоҳиши бўлмаганида, хавф-хатардан эҳтиёт бўлмас, касалликка даво изламас эди ва мулк тўплашга уриниш ҳам бўлмас эди. Агар инсонда наслни сақлаш инстинкти бўлмаганида, оила қуриш, фарзандлар, ота-она ва яқинларга меҳр-муҳаббат ҳам бўлмас эди. Демак, айнан шу ғариза ва узвий эҳтиёжлардаги ҳаётий энергия инсоннинг турмуш тарзининг асосий манбаи ҳисобланади.

Инсон ўзининг ушбу ғариза ва узвий эҳтиёжларини қондириш учун ўз турмуш тарзини белгилаб берадиган қоидаларга муҳтож. Бу қоидалар инсонга эҳтиёжларни қандай тўғри қондириш лозимлигини кўрсатади ҳамда уни саодат ва хотиржамликка етаклайди. Нотўғри қондириш эса уни бахтсизликка олиб боради. Шу сабабли инсонни ва унинг ғариза ва узвий эҳтиёжларини яратган Аллоҳ Таоло одамларга ваҳий нозил қилди ва ваҳийда ушбу эҳтиёжларни қандай қондириш йўлини баён қилиб берди. Ислом иймон асосларини, энг асосийси – Аллоҳ Таоло яратувчи, бошқарувчи ва ҳидоят қилувчи деб иймон келтиришни, бунинг ортидан намоз, рўза, ҳаж ва бошқа ибодатларни баён қилиш орқали инсоннинг тадайюн ғаризасини қондиришни тартибга солди. Шу тариқа унинг Парвардигори билан бўлган муносабатини белгилаб қўйди. Зинони ҳаром, никоҳни ҳалол қилиш ҳамда фарзандлар, қариндошлар ва ота-онага бўлган муносабат ҳақидаги аҳкомларни баён қилиш орқали нав ғаризасини тартибга солди. Мулк топиш йўллари, мулкчилик аҳкомларини баён қилди, ўғирликни ва бошқаларнинг молини ноҳақ ейишни ҳаром қилди ҳамда инсон ўз жони ва молини ҳатто тажовузкорни ўлдириб бўлса ҳам ҳимоя қилиш ҳуқуқини берди. Шу орқали бақо ғаризасини қондиришни тартибга солди. Ичимлик ва таомлардан фақат покизаларини ҳалол қилиш, ифлосларини ҳаром қилиш орқали узвий эҳтиёжларни қондиришни тартибга солди. Юқорида айтилганлар фақат мисоллар бўлиб, тартибга солиш улар билангина чекланмайди. Ислом инсоннинг барча табиий эҳтиёжлари ва ғаризаларини тўлиқ тартибга солиб берди. Айнан шу тартиб орқали ҳеч бир ғариза ёки узвий эҳтиёж бошқасидан

устун келиб қолмайди, балки барчаси ўзаро мувозанатда қондирилади.

Инсондаги мавжуд кўплаб табиий эҳтиёжларни қондириш бошқалар билан муайян манфаатларни алмашиш ва хавф-хатарлардан сақланиш мақсадида алоқалар ўрнатишни талаб қилади. Шу сабабли, одамлар жамиятлар тузишга мажбур бўладилар. Бинобарин, жамиятдаги муносабатларни тартибга солиш инсонларнинг табиий эҳтиёжларини қондириш тартибининг ажралмас қисмидир. Агар бу эҳтиёжлар бўлмаганида, жамиятлар ҳам мавжуд бўлмас эди. Бу эса, инсонларнинг турмуш тарзини тартибга солишни мақсад қилган ҳар қандай тузум нафақат якка шахсга, балки бутун жамиятга мурожаат қилиши лозим эканини англатади. Шунингдек, бу тузум унинг йўл-йўриқларига эргашишни истаган якка шахсларнинг ихтиёрий ташаббуси билангина татбиқ бўлиб қолмаслигини англатади. Жамиятдаги муносабатларни тартибга солиш унинг барча аъзоларининг ушбу тузумга риоя қилиши билангина юзага келади. Шу сабабли инсоннинг табиий эҳтиёжларини қондиришни тартибга солувчи тузум уни ҳаётда қандай пайдо қилишни, жамиятда қандай татбиқ этишни ва қандай сақлаб қолишни аниқ баён этиши муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам Ислом инсондаги ғариза ва узвий эҳтиёжларни тўғри қондиришни баён қилиб берадиган фикрат билангина чекланиб қолмай, балки тариқатни ҳам баён қилиб берган. Бу тариқат ушбу мабдани ҳаётда пайдо қилади, у орқали мабда жамиятда татбиқ этилади, бутун дунёга тарқатилади ва ҳимоя қилинади. Шу сабабли Ислом фикрат ва тариқатдан иборатдир.

Ислом нав ғаризасини тартибга солиш доирасида зинони ҳаром қилгани каби, бу тақиқни амалга ошириш тариқати сифатида зино қилганларга ҳад жазосини жорий қилди. Худди шунингдек, ароқ ичиш, ўғирлик, муртадлик, мўмин ва мўминаларга тўхмат қилишни ҳаром қилди ва буларга риоя қилмаганларга жазо сифатида ҳадларни белгилади. Инсоннинг жони ва танасига тажовузни ҳаром қилар экан, буни таъминлаш учун қасос ҳукмларини жорий қилди. Шунингдек, шариатга хилоф бўлган бошқа амалларга жазо сифатида «таъзир»ни жорий қилди. Ислом, умуман шариатни татбиқ этишга буюрган вақтда, бу татбиқнинг ягона шаръий тариқатини ҳам баён қилди. Бу тариқат давлат бўлиб, Ислом уни тиклашни буюрди, уни тиклаш тариқатини баён қилди ва давлат

низомини Қуръон ва Суннатда муфасссал баён қилди. Росулulloҳ ﷺ пайғамбар қилиб юборилганларидан бошлаб Мадинада Ислom давлатини тиклагунларигача ушбу давлатни тиклаш мақсадида амалга оширган барча ишлари давлат йўқ бўлган пайтда уни тиклашнинг ягона шаръий ва амалий тариқати бўлиб қолди. Росулulloҳ ﷺ Мадинада барпо қилган ва у зотнинг даврида бутун Араб ярим оролига тарқаган ушбу давлат бошқа даврларда Ислomни ҳаётга татбиқ этишда эргашиладиган амалий намуна бўлиб қолди. Бу инсоннинг муаммоларига ечим беришда ва ғаризаларини тартибга солишда энг тўғри ибрат сифатида қўлланилиши лозим бўлган намунадир. Ушбу намунага қай даражада тўғри амал қилиниши, шариат аҳкомларини ҳаётда қай даражада самарали татбиқ этишнинг ўлчови бўлади. Ислom ўз даъватини бутун дунёга етказишга буюрди ва бу даъватни етказиш тариқатини ҳам баён қилди. Бу тариқат – давлат амалга ошириб, ташқи сиёсатининг асосига айлантирадиган даъват ва жиҳоддир. Ислom, шунингдек, ҳукмдорни муҳосаба қилишни, агар у Ислom низомига хилоф қилса ёки уни нотўғри татбиқ этса, уни ўзгартиришни фарз қилди ва бунинг ҳам тариқатини белгилади. Бу тариқат – Ислom ақидасига асосланган сиёсий ҳизблар тузиш вожиблигидир. Ушбу ҳизблар давлатни, жамият ҳисси ва унинг сақофатини назорат қилиб, амри маъруф ва наҳий мункар вазифасини даъват, сақофат бериш ва муҳосаба орқали адо этади. Ислom ўз рисоласини ҳимоя қилиш ва муҳофаза этишга буюрган ва бунинг тариқатини ҳам белгилаб берган. Бу тариқат – даф қилиш жиҳоди бўлиб, шу орқали Умматнинг ва мабданинг душманлари даф қилинади. Ислom фикрат аҳкомлари билан тариқат аҳкомлари ўртасини – уларга амал қилиш ва уларга чекланиш вожиблиги жиҳатидан – ажратмади. Буларнинг барчаси Аллоҳ Таоло Ўз китобида ва Пайғамбари ﷺнинг Суннатида нозил қилган шаръий аҳкомлардир. Уларнинг барчаси қуйидаги оятнинг маъносига киради:

﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتِمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيْتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾

«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим ва сиз учун (фақат) Ислomни дин қилиб танладим» [Моида 3]

Шундай экан, шаръий ҳукмга чекланишда фикрат аҳкомлари билан тариқат аҳкомлари ўртасини ажратиш мумкин эмас. Чунки

иккаласи ҳам диннинг бир қисмидир ва улар орқали Аллоҳга итоат қилинади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا ادْخُلُوا فِي السِّلْمِ كَآفَّةً وَلَا تَتَّبِعُوا خُطُوَاتِ الشَّيْطَانِ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ﴾

«Эй мўминлар, тўла ҳолдаги Исломга кириш! Ва шайтоннинг изидан эргашманг! Шубҳасиз, у сизнинг очиқ душманингиздир»

[Бақара 208]

Бу оятдаги «سلم» сўзи бутун Исломни англатади. Фикрат билан тариқат аҳкомлари ўртасини ажратиш Росулulloҳ ﷺ давридан бошлаб кейинги асрларгача бўлган фақиҳларда мавжуд бўлмаган. Шундай экан, нима учун бугунги исломий сақофатимизда бундай ажратишни қўллаяпмиз? Бу жуда муҳим савол, бундай ажратишни кўрган ҳар бир киши ушбу саволни бериши зарур. Чунки гарчи истилоҳда ихтилоф бўлмаганига қарамай, амалий заруратсиз, яъни фақат фикрий зийнат учун янги фикрий ва фикҳий бўлинишлар ва истилоҳларни ўйлаб топиш жоиз эмас. Шундан келиб чиқиб, бу саволга шундай жавоб берамиз: фикрат билан тариқат ўртасини ажратиш бир неча омиллар сабабли келиб чиқди:

Сўнгги икки асрда кўплаб мусулмон зиёлилар, жумладан фақиҳлар орасида бундай фикр тарқалди: «Ислом инсоннинг турмуш тарзини тартибга соладиган ва унинг муаммоларини ҳал қиладиган аҳкомларни белгилаган. Ушбу аҳкомларни бажариш лозим. Ислом бу тартиб ва аҳкомларни татбиқ этиш кайфиятини таклиф қилган ва бу кайфият Исломнинг дастлабки асрларига мос. Улар ҳозирги замонда мажбурий эмас, яъни бугунги кунда ҳозирги замонга мувофиқроқ бўлган янги кайфият ва тариқатлардан фойдалансак ҳам бўлади».

Ҳа, Усманий Халифаликнинг сўнгги даврларида аввалги асрларда умуман мавжуд бўлмаган янги раъйлар пайдо бўлди. Баъзилар шаръий ҳадларини таъзир билан алмаштиришга рухсат бердилар. Шу асосда Усманий жазо кодекси қабул қилинди ва унда ҳадлар тўхтатилиб, ўрнига таъзир жазолари жорий этилди. Бу ишни оқлаш учун шундай баҳона келтирилди: «Шариатнинг мақсади одамларни ҳаром ишлардан қайтаришдир, ҳад жазолари эса шу қайтаришнинг воситаси. Шунинг учун, модомики мақсад одамларни гуноҳдан тийиш экан, битта жазони бошқаси билан алмаштиришнинг зарари йўқ».

Ўша даврларда ёзувчи ва муаллифлар орасида «шариат мақсадлари» назарияси кенг тарқала бошлади. Бу назариянинг мазмуни – Аллоҳ Таоло шариат аҳкомларини маълум мақсадлар учун белгилаган ва бу аҳкомларнинг бор ёки йўқлиги шу мақсадларнинг бор ёки йўқлигига боғлиқ, демакдир. Шундан келиб чиқиб, улар асосий эътибор ҳукмнинг ўзига эмас, балки унинг мақсадига қаратилиши лозим, деган фикрга келишди. Бу эса, «мақсадларга риоя қилиш» деган баҳона билан шариат аҳкомларидан воз кечишга олиб келди. Аслида бу назария тарафдорлари бир қанча жиддий хатоларга йўл қўйишди. Улардан кейингилар ва ҳозирги замон вакиллари бу хатоларни янада кучайтиришди. Чунки улар ушбу назариянинг дастлабки тарафдорлари қўйган чекловлар ва шартларни умуман ҳисобга олишмади. Уларнинг биринчи хатоси: улар шаръий иллат билан ҳукмдан кўзланган мақсадини аралаштириб юборишди. Шаръий иллатни Аллоҳ Таоло ҳукмнинг қонунийлаштирилишига боис қилган. Яъни иллат – бу бир сифат бўлиб, Ҳаким Шореъ ҳукми ана шу сифатнинг устига бино қилган ва унга боғлаб қўйган. Яъни ҳукм иллатга боғлиқ бўлиб, иллат бор бўлса ҳукм бор бўлади, иллат йўқ бўлса ҳукм ҳам йўқ бўлади. Энди мақсадга келсак, шариат уни рўёбга чиқаришни мақсад қилган, лекин ҳукми унга боғлаб қўймаган. Яъни мақсаднинг ҳукмга таъсири йўқ, чунки гоҳида мақсад ҳосил бўлмаслиги мумкин, лекин бу ҳукми бекор қилмайди. Иккинчи хатолари: улар – гарчи шаръий далил бўлмаса ҳам – аҳкомларнинг мақсадларини билиш мумкин деб ўйлашди. Учинчи хатолари: улар ўзларини шаръий мақсадларни рўёбга чиқарадиган янги аҳкомларни ҳеч бир шаръий далилсиз ишлаб чиқишга, ҳатто шариат ушбу мақсадларни рўёбга чиқариш учун қонунийлаштирган ҳукмларни бекор қилишга ҳам ҳақли деб ҳисоблашди. Бунга «янги воқелик аҳкомларни ривожлантиришни ва эски усулларга ёпишиб олмасликни талаб қилади» деган баҳона келтиришди. Улар яна «замон ва маконнинг ўзгаришига қараб ҳукмларнинг ўзгариши инкор қилинмайди» деган баҳонани ҳам келтиришди ва буни шаръий қоида деб ўйлашди.

Биз ҳозир яшаб турган даврда Ислом давлати йўқ бўлиб, Уммат исломий ҳаётдан узилганидан бери Ғарб сақофати босими, мавжуд режимлар зулми ва Ислом аҳкомларига қарши мунтазам ҳужумлар натижасида кўплаб мусулмон зиёилари, ҳатто исломий ҳаётни қайта бошлашга чақирувчи шахслар ва гуруҳлар ҳам ушбу

босимларга чидай олмаяпти. Улар Ислом аҳкомлари – айниқса, тариқатга оид аҳкомлар – ўрнига таклиф қилинган кўплаб фикрларга бош эгишяпти. Масалан, «Ислом бошқарувнинг муфассал низомини келтирмаган, шунинг учун шўро ва адолатни таъминлайдиган ҳар қандай вазъий (инсон ўйлаб топган) бошқарув низомини қўлласак бўлади» деган тушунча тарқалди. Бу эса демократия тузумининг турли шакллари – республика, парламент, вазирлар маҳкамаси, конституцион монархия ва бошқаларни қабул қилишга йўл очиб берди. Шунингдек, «Жиҳод олдинги замонда халқаро шарт-шароит ва алоқа воситаларининг чеклангани сабабли қўлланган, ҳозир эса халқларнинг ўз тақдирини белгилаш ҳуқуқи мустаҳкамлангани ҳамда алоқа ва ахборот воситалари ривожлангани учун Ислом даъватини жиҳод орқали етказишга ҳеч қандай асос қолмади, шунинг учун жиҳод фақат душманни қайтариш учунгина мумкин» деган тушунча кенг тарқалди. Ислом давлатини барпо этиш учун фаолият олиб бораётганлар орасида ҳам «Ислом бизга давлат қуришда муайян тариқатни вожиб қилмаган, Росулulloҳ ﷺ давлат барпо қилиш учун қилган ишлари услублар, ижтиҳодлар ва инсоний тажрибалар бўлиб, уларни ушлаш вожиб эмас» деган фикр тарқалди. Бироқ улар Росулulloҳ ﷺ Аллоҳнинг буйруғи билан вожиб сифатида қилган ишлар билан шунчаки мубоҳ бўлган ишлар, яъни шаръий мақсадга олиб борадиган услуб ва воситаларнинг фарқини англай олишмади. Бунинг оқибатида Росулulloҳ ﷺнинг тариқатига зид бўлган йўлларга кириб кетишди. Баъзан ҳеч қандай қоидаларсиз қуролли ҳаракатларга қўл уришди, баъзан эса Аллоҳ нозил қилмаган қонунлар билан бошқарилаётган ҳукуматларга кириб, демократия ва ҳокимиятда иштирок этиш йўлини танлашди, яна баъзан хайрия ишлари орқали ўзларига тарафдор ва қўлловчиларни жалб қилишга уринишди. Баъзилар Ислом аҳкомларини Ислом давлатисиз ҳам ҳаётда татбиқ этиш мумкин деган хулосага келишди. Уларга кўра, ваъзу-иршодлар одамларни ибодатлар, фарзлар ва мустаҳабларни адо этишга руҳлантириш ҳамда ҳаром ва макруҳлардан қайтаришга етарли бўлади. Шахсий исломий муассасалар, мактаблар ва университетлар муслмонларга исломий сақофат ва илмларни ўргатиш учун етарли, вақфлар, хайрия жамғармалари ва ихтиёрий закот фондлари камбағалларнинг эҳтиёжини қондиришга кифоя, исломий молиявий муассасалар ва сармоя компаниялари моллар

ва иқтисодга оид исломий аҳкомларни амалга оширишга ҳамда муслмон инвесторларнинг муомалаларини таъминлашга етарли, шаръий қозиятлар эса ижтимоий муносабатларни Ислом аҳкомлари билан тартибга солиб туради. Муслмонлар ўртасида келишмовчилик бўлса, улар танлаган уламолар ёки фикҳий кенгашларга мурожаат қилишлари мумкин, замонавий ахборот ва алоқа воситалари – фазовий телеканаллар, интернет ва бошқалар – исломий даъватни бутун дунёга етказишга етарли деб ҳисоблашди. Айнан шу каби баҳоналар орқали улар Исломнинг Аллоҳ Таоло хоҳлаган ҳукмронлик табиатини инкор этишади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ ۚ وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ﴾

«У (Аллоҳ) Ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан – гарчи мушриклар хоҳламасалар-да – барча динлар устидан ғолиб қилиш учун юборган Зотдир» [Тавба 33]

Ҳадисда шундай дейилган:

«الإِسْلَامُ يَعْلُو وَلَا يُعْلَىٰ»

«Ислом олий бўлади ва ундан ҳеч нарса олий бўлолмади». Бу хомхаёл кимсалар воқеликдаги ҳақиқатни англашмаяпти ёки била туриб ўзларини билмасликка олишяпти. Ҳақиқат шуки, жамиятда ҳукмронлик қилаётган режимлар ижтимоий муносабатларни мажбурий равишда бошқаради ҳамда жамият қиёфаси ва ҳаёт тарзини белгилаб беради. Ҳатто шу хомхаёллар асос солаётган хайрия, таълим, молия ва ахборот муассасалари ҳам айнан шу режимлар руҳсати, уларнинг қонун-қоидалари ва ҳукмдорларнинг сиёсати доирасида фаолият олиб боради. Бу ҳукмдорлар эса катта давлатларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг сақофатини ва ҳаёт тарзини жамиятга сингдириш учун қўйилган. Бу хомхаёллар, шуни ҳам ё унутиб қўйишди ёки бундан кўз юмишди: жамият ва ҳаётда ҳар қандай тузум амалда татбиқ этилиши учун албатта салтанат ва ҳокимият бўлиши шарт, бир жамиятда бир вақтнинг ўзида икки хил тузум яшай олмайди, айниқса улардан бири Ислом бўлса. Шунинг билан биз шуни ёритиб беришимиз керак: Ислом – хоҳлаган одам жамиятдаги одамлар ҳаётига ҳукмрон бўлган тузумга эътибор бермаган ҳолда ўз ихтиёри билан амал қиладиган – руҳий, сулукий ва хулқий йўлланмалар эмас. Балки Ислом ҳаёт, жамият ва давлатнинг тўлиқ

тузумидир. У инсоннинг ҳаётий қуввати ва шу қувват тақозо қиладиган муносабатлар натижасида вужудга келадиган муаммоларга ечимларни ўз ичига олади. Шунингдек, у Ислом тузумига ишонганлар учун уни ҳаётда қандай жорий қилиш, тарқатиш ва сақлаш тариқатини ҳам кўрсатиб берган.

Хуллас калом, ақида инсонга дунё ҳаёти, ундан олдинги Вужуд ва ундан кейинги ҳаёт ҳақидаги, ҳамда дунё ҳаётининг ўзидан олдинги Вужудга ва ўзидан кейинги ҳаётга алоқадорлиги ҳақидаги куллий фикрни беради ва шу орқали унинг энг катта муаммосини ҳал қилади. Шаръий аҳкомлар эса, инсон ишларини тартибга солиб, унинг муаммоларига инсон муаммоси деган эътиборда ечим беради. Буларни биз фикрат аҳкомлари деймиз. Энди Ислом ушбу ечимларни ҳаёт ва жамиятда татбиқ этиш, дунёга тарқатиш, уларни муҳофаза ва ҳимоя қилиш йўли сифатида белгиланган аҳкомларни биз тариқат аҳкомлари деб атаймиз. Демак, инсондаги тадаюн ғаризасини қондирувчи ибодат аҳкомлари, оилавий муносабатлар, эркак ва аёл муносабатлари ва улардан келиб чиқадиган бошқа ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи аҳкомлар, мулк масалалари ва иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи аҳкомлар, озиқ-овқат, кийим-кечак, одоб-ахлоққа оид аҳкомлар – булар фикрат аҳкомларидир. Ислом давлати, унинг аппарати, бошқарув низоми ва давлатга алоқадор аҳкомлар, масалан, мактаблар ташкил этиш, байтул-мол, оммавий ахборот воситалари, суд тизимини ташкил этиш, жазо аҳкомлари (ҳад, қасос, таъзир), ташқи сиёсат ва жиҳод аҳкомлари – буларнинг барчаси тариқат аҳкомларидир. Худди шунингдек, сиёсий ҳизблар тузиш вожиблиги, уларнинг жамият тафаккури ва онгини назорат қилиш вазифаси, ҳукмдорларни муҳосаба қилиш, давлат ва ҳизблар амалга оширадиган Исломга даъват қилиш ишлари, маъруфга буюриб, мункардан қайтариш каби ишлар ҳам тариқат аҳкомларига киаради.

Фикрат ва тариқат аҳкомларини диққат билан ўргансак, улар орасида бирини иккинчисидан ажратиб турувчи фарқ мавжуд эканини кўраимиз. Фикрат аҳкомлари инсоннинг ишларини тартибга солиш учун белгилангани сабабли, уларга чекланиш ва уларнинг ўзига амал қилиш шаръан талаб этилади. Тариқат аҳкомлари эса фикрат аҳкомларини ҳаётда татбиқ қилиш, тарқатиш ва сақлаш йўли сифатида белгилангани сабабли уларга тариқат аҳкомлари бўлгани учун амал қилиш талаб этилмайди,

балки улар уларни қонунийлаштиришдан кўзланган мақсадга етиш учун бажарилади. Шунинг учун тариқат аҳкомларини уларнинг натижаларига эътибор бермай бажариш мумкин эмас. Балки бу аҳкомларга уларни қонунийлаштиришдан кўзланган мақсадни рўёбга чиқарадиган тарзда амал қилиш лозим. Бу мақсад эса, фикрат аҳкомларининг ҳаётда татбиқ қилинишидир, гарчи баъзи ҳолларда бу натижаларга етиш узоқиб кетиши мумкин бўлса ҳам.

Ислом давлати ўз зоти (яъни Ислом давлати бўлгани) учун талаб қилинмайди ва у мусулмонлар етиши лозим бўлган охирги чегара эмас. Балки у инсонлар ишларини бошқариш, яъни Исломни жамиятда татбиқ қилиш ва бутун дунёга рисолат сифатида етказишнинг тариқатидир. Шунинг учун давлатни барпо қилишда, унинг шариат белгилаб берган жиҳозларини ташкил этишда ва у юргизадиган сиёсатда Ислом тузумини чиройли татбиқ этишга ва Исломни дунёга рисолат сифатида тўғри етказишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Давлатнинг тўғри фаолият юритиши ва ўз вазифасини адо этишини таъминлаш учун шариат мусулмонларга шу давлатга насиҳат қилишни, ҳатто зарур бўлган пайтда давлатни муҳосаба қилиш ташаббусини кўтаришни вожиб қилган. Чунки бу давлат Исломни татбиқ қилиш ва унинг рисолатини етказишда Уммат номидан иш олиб борадиган вакилдир. Шариат давлатни муҳосаба қилишни ихтиёрий ёки якка шахс учун қилмади. Балки мусулмонларга маъруфга буюрадиган ва мункардан қайтарадиган камида битта сиёсий ҳизб тузишни фарз қилди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلْتَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

«Ораларингиздан яхшиликка (Исломга) даъват қиладиган, маъруфга буюрадиган ва мункардан қайтарадиган бир жамоат бўлсин, ана ўшалар нажот топгувчилардир»

[Оли Имрон 104]

Имом Ибн Касир ушбу оят тафсирида бундай деган: «Бу оятдан мақсад: Умматдан бир тоифа айнан шу ишга мутасадди бўлсин, гарчи ҳар бир кишига ҳолатига қараб фарз бўлса ҳам». Бу фарзнинг бошида ҳукмдорларни маъруфга буюриб, мункардан қайтариш туради. Чунки давлатнинг тўғри йўлдан юриши барча

учун яхшиликка, унинг йўлдан оғиши эса ёмонлик ва фасоднинг тарқалишига сабаб бўлади. Росулulloҳ ﷺ марҳамат қилганлар:

«أَفْضَلُ الْجِهَادِ كَلِمَةُ حَقٍّ عِنْدَ سُلْطَانٍ جَائِرٍ»

«Энг афзал жиҳод – золим султон олдида айтилган ҳақ сўзidir».

Демак, шариат Ислom ақидаси асосида тузилган сиёсий уюшмаларни улар ислomий уюшма бўлгани учун тузишга буюрган эмас, балки улар бошқа мақсад (Ислomга даъват, маъруфга буюриш ва мункардан қайтариш) учун қонунийлаштирилган тариқат ҳукмидир. Бунда Ислom давлатининг мавжуд бўлиш-бўлмаслигининг фарқи йўқ.

Ислom давлати соясида ислomий ҳаёт мавжуд бўлган вақтда бу уюшмаларнинг вазифаси ҳукмдорларни назорат қилиш, уларга насиҳат қилиш, бирор камчилик ёки нотўғри иш ёки зулм қилишса уларни муҳосаба қилишдан иборат бўлади. Шунингдек, ушбу уюшмалар жамиятнинг сақофати ва ҳиссиётини муҳофаза қилишдан жавобгар бўладилар, шу орқали жамиятнинг Ислom сақофати ва ислomий туйғулар билан шаклланишини таъминлайдилар, Ислomга зид бўлган ҳар қандай сақофий ва ҳазорий таъсирларнинг урфи омга, бунинг ортидан раъйи ом ва ижтимоий муносабатларга сездирмай кириб боришига йўл қўймайдилар. Ҳақиқатда, ислomий жамият Ислomга хилоф фикр ва туйғулардан қанчалик кўп таъсирланса, шунчалик унинг ислomий ҳаёти бузилади ва ундан узоқлашади. Бунга Ислom тарихи энг яхши гувоҳ.

Бугунги кундагидек ислomий ҳаёт йўқ бўлган вақтда ушбу уюшмаларнинг фикрий ва сиёсий фаолиятлари Ислom давлати барпо этиш орқали ислomий ҳаётни қайта бошлашнинг шаръий амалий тариқати бўлиши лозим. Шу сабабли, уюшма – уларни тузиш, ҳалқаларини ташкил этиш, аъзоларини сақофатлантириш, жамиятга хитоб қилиш, ғайриислomий фикрларга қарши кураш, ҳукмдорларга қарши сиёсий кураш, Ислom давлатини барпо қилиш учун нусрат талаб қилиш каби – шаръий далиллар далолат қилган тариқат аҳкомларини амалга ошираётган вақтда бу ишларнинг ўзи учун эмас, балки уларнинг ҳар бирини амалга ошираётган вақтда уларни қонунийлаштиришдан кўзланган мақсадга эътибор қаратиш вожиб. Агар бу ишлар аниқ мақсадга етишга эътибор қаратмасдан бажариладиган бўлса, у ҳолда бу ишлар ҳеч бир фойдасиз, юзаки, вақтни беҳуда кетказувчи ҳаракатлар бўлиб

қолади. Демак, уюшма номигагина эмас, ҳақиқий бўлиши лозим. Бу эса унинг ҳар бир аъзоси, ҳеч қандай истисносиз, табанний қилган ва амал қиладиган сақофат ва манҳажга асосланган бўлгандагина амалга ошади. Шунингдек, уни мақсадларни рўёбга чиқариш сари юришини белгилаб берадиган маъмурий тузилмага эга бўлиши керак. Ҳалқалар тузиш ва уларда сақофат тарқатиш ишларида улардан кўзланган мақсад ёдда тутилиши лозим. Бу мақсад исломий шахсияларни ва даъватни кўтариб чиқадиган холис даъватчиларни тайёрлаш. Оммавий мурожаатларда ҳам улардан кўзланган мақсадга аҳамият бериш керак. Бу мақсад урфи омни ўзгартириш ва уни исломий тушунчаларга мувофиқ ташкил этиш орқали исломий раъйи омни пайдо қилишга эришиш. Сиёсий курашда ҳам ундан кўзланган мақсадга эътибор қаратиш лозим. Бу мақсад мустамлакачиларнинг режаларини фош қилиш, ҳукмдорларнинг хиёрати ва шариатга қарши амалларини очиб бериш, уларнинг сохта қонунийлигини йўққа чиқаришдан иборат. Нусрат талаб қилишда ҳам ундан кўзланган мақсадга эътибор бериш лозим. Бу мақсад Исломни амалий равишда ҳаётда татбиқ қилиш, яъни Исломни бошқарув ва ҳокимиятга олиб чиқишдир.

Тариқат аҳкомларининг энг буюкларидан бири бўлган жиҳодни жиҳод бўлгани учун эмас, балки уни қонунийлаштиришдан кўзланган мақсадлар йўлида олиб бориш лозим. Бу мақсадлар қўйидагилардан иборат: кофир душманнинг исломий ерларга тажовузини даф қилиш; куфр диёрини фатҳ қилиб, уни Ислом диёрига айлантириш; душман хатаридан сақланиш ёки уни мағлуб этишга замин тайёрлаш учун унинг кучини синдириш; душманни Уммат ва унинг манфаатларига тажовуз қилишдан тийиб қўйиш учун қўрқитиш. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ وَمِنْ رِبَاطِ الْخَيْلِ تُرْهِبُونَ بِهِ عَدُوَّ اللَّهِ وَعَدُوَّكُمْ
وَالْآخِرِينَ مِنْ دُونِهِمْ لَا تَعْلَمُونَهُمُ اللَّهُ يَعْلَمُهُمْ﴾

«(Эй мўминлар) улар учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингизки, бу билан Аллоҳнинг ва ўзларингизнинг душманларингизни ҳамда улардан ташқари сизлар билмайдиган – Аллоҳ биладиган бошқа бировларни ҳам қўрқувга солурсиз» [Анфол 60]

﴿وَقَاتِلُوهُمْ حَتَّى لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ وَيَكُونَ الدِّينُ لِلَّهِ﴾

«То фитна тугаб, бутун дин Аллоҳ учун бўлгунга қадар уларга қарши жанг қилингиз» [Бақара 193]

﴿وَمَا لَكُمْ لَا تُقَاتِلُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالْمُسْتَضْعَفِينَ مِنَ الرِّجَالِ وَالنِّسَاءِ وَالْوِلْدَانِ الَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا أَخْرِجْنَا مِنْ هَذِهِ الْقَرْيَةِ الظَّالِمِ أَهْلُهَا وَاجْعَل لَّنَا مِنْ لَدُنْكَ نَصِيرًا﴾

«(Эй мўминлар) сизларга нима бўлдики, Аллоҳ йўлида ва «Раббано, бизни эгалари зolim бўлган бу шаҳардан озод қил ва бизга Ўз ҳузурингдан бир дўст бергин, бизга Ўз ҳузурингдан бир ёрдамчи қилгин», деяётган эркалар, аёллар ва болалардан иборат бечоралар(ни озод қилиш) йўлида жанг қилмаяпсизлар?!» [Нисо 75]

Ҳадлар, қасос ва бошқалар каби уқубот аҳкомлари шариатга хилоф иш қилганларни ва нафслари уларга жиноятларни чиройли қилиб кўрсатганларни тийиб қўйиш учун жорий қилинган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَكُمْ فِي الْقِصَاصِ حَيَوةٌ يَا أُولِيَ الْأَلْبَابِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ﴾

«Сизлар учун қасосда ҳаёт бор, эй аҳли донишлар! Шояд (жиноятлардан) сақлансангизлар» [Бақара 179]

﴿الزَّانِيَةُ وَالزَّانِي فَاجْلِدُوا كُلَّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا مِائَةً جَلْدَةً وَلَا تَأْخُذْكُمْ بِهِمَا رَأْفَةٌ فِي دِينِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلْيَشْهَدْ عَذَابُهُمَا طَائِفَةٌ مِّنَ الْمُؤْمِنِينَ﴾

«Зинокор аёл ва зинокор эркак – улардан ҳар бирини юз даррадан уринглар. Агар сизлар Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлсангиз, Аллоҳнинг (бу) ҳукмида (яъни зинокорларни дарралашда) сизларни уларга нисбатан раҳм-шафқат (туйғулари) тутмасин! Уларнинг азобланишига бир тоифа мўминлар гувоҳ бўлсинлар!» [Нур 2]

Аллоҳ Таоло уларнинг азобланишига мўминлардан бир гуруҳ гувоҳ бўлишини буюрмоқда. Бу билан ҳадни қонунийлаштиришдан кўзланган мақсад рўёбга чиқади, чунки жазоланаётган аёл ва эркак, нафслари фаҳш ишларга мойил бўлган бошқа кишилар учун ибрат бўлади.

Бироқ: «Ислом фикрат ва тариқатдан иборат, тариқат аҳкомлари ҳам амал қилиш лозим бўлган шаръий аҳкомлардир», деган сўзимиз – Ислом ҳар бир фикрат аҳкомининг бажариш тариқатини баён қилиш учун бир тафсилий ҳукми белгилаб

қўйган, дегани эмас. Балки, бу ердаги маъно шуки, Ислом белгиллаган тариқат аҳкомлари ҳам биз учун фикрат аҳкомлари каби мажбурийдир. Ушбу аҳкомларга «ўз зоти учун эмас, бошқа нарча учун қонунийлаштирилган», ёки «аҳкомлар замон ва маконга қараб ўзгаради» деган баҳоналар билан сусткашлик қилиш асло жоиз эмас.

Агар шариат қандайдир бир фикрат ҳукмини буюриб, уни амалга оширишнинг муфассал тариқатини белгиламаган бўлса, бундай ҳолда мусулмонлар ушбу ҳукмни талаб қилинганидек амалга ошириш учун мос восита ва услубларни танлаш ҳуқуқига эга бўлади. Шунинг учун тариқат билан восита ва услублар ўртасидаги фарқни аниқ ажратиб олиш жуда муҳимдир. Тариқат аҳкомларини шариат вожиб қилган ва шаръий далиллар уларга далолат қилади. Мусулмонлар бу аҳкомларга риоя қилишлари вожиб бўлиб, уларни қабул қилиш ёки рад этиш ихтиёрига эга эмаслар. Восита ва услублар эса мубоҳ нарсалар ва ишлар бўлиб, шаръий далил уларнинг вожиблигига эмас, мубоҳлигига далолат қилади. Мусулмонлар фикрат аҳкомларини рўёбга чиқариш учун улардан энг муносибини танлашлари мумкин.

Масалан, Ислом мол-мулки нисобга етганларга закот беришни фарз қилиб, давлатни закот тўплаш ва уни бериладиган тоифаларга сарфлаш тариқати қилди. Аллоҳ Таоло Росули ﷺга

﴿خُذْ مِنْ أَمْوَالِهِمْ صَدَقَةً تُطَهِّرُهُمْ وَتُزَكِّيهِمْ بِهَا﴾

«(Эй Муҳаммад) сиз уларнинг молларидан бир қисмини ўзларини поклаб тозалайдиган садақа-закот сифатида олинг»[Тавба 103]

дея, давлат раҳбари сифатида закот йиғишга буюрди, аммо бу йиғишнинг батафсил услубини кўрсатиб бермади. Демак, давлат закот йиғишда шариат рухсат берган ҳар қандай восита ва услублардан фойдаланиши мумкин. Шу сабабли, Росулulloҳ ﷺ давридан кейин ҳам закот йиғиш услублари ва воситалари ўзгариб, турли даврларга мослашган ва ривожланиб борган. Масалан, рошид халифа Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه томонидан давлатнинг махсус девони ташкил этилиши бу борада муҳим қадам бўлган.

Яна бир мисол: Ислом мусулмонларнинг раҳбари халифа тайинлаш тариқати сифатида байъатни белгилади. Байъат мусулмонлар учун амал қилиш мажбурий бўлган ягона шаръий тариқат бўлиб, улар билан бошқарувга байъат бериладиган шахс

ўртасида ўзаро розилик билан тузиладиган келишувдир. Унга кўра, ушбу шахс фуқароларнинг ички ва ташқи ишларини шариат асосида бошқаради. Шунинг учун бирор киши куч билан, мерос орқали ёки бошқа усуллар билан халифа бўлишга ҳаққи йўқ. Ислом халифа сайлашнинг тариқати қилиб белгилаган байъат салтанатни Умматга беради. Бироқ бу тариқатни қандай амалга ошириш кайфияти батафсил кўрсатилмаган. Шунинг учун ҳар бир рошид халифа даврида байъатнинг шакли ва услуби бир-биридан фарқ қилган, лекин саҳобалар уларнинг барчасига берилган байъатни шаръий деб ижмо қилганлар.

Ҳозирги замонда ҳам халифа сайлаш ва унга байъат бериш учун турли услуб ва воситалардан фойдаланиш мумкин. Масалан, бу иш Уммат номидан сайланадиган вакиллар – яъни аҳли ҳал вал ақд ёки Уммат мажлиси орқали амалга оширилиши мумкин. Ёки Уммат ўзи тўғридан тўғри сайлов орқали халифа танлаши мумкин. Шунингдек, бу жараён Уммат билан унинг вакиллари ўртасида тақсимланиши мумкин: аввал Уммат мажлиси халифаликка номзодларни белгилайди, кейин эса Уммат тўғридан тўғри сайлов орқали номзодлардан бирини танлайди.

Тариқат билан услуб ва восита ўртасидаги фарққа яна бир мисол:

Исломий ҳаётни қайта бошлаш учун фаолият олиб бораётган сиёсий уюшма жамиятга хитоб қилишга ва ҳукмдорлар билан сиёсий кураш олиб боришга буюрилган. Бу исломий ҳаётни қайта бошлаш йўлида фарз бўлган тариқат аҳкомларига киради ва айни фарзни Росулulloҳ ﷺ бажаргани Қуръон матнида келган. Бироқ шаръий далиллар жамиятга очик даъват қилиш ва сиёсий курашнинг муфассал кайфиятини баён қилмаган. Шунинг учун бу ишнинг рўёбга чиқишини таъминлайдиган ҳар қандай мубоҳ восита ва услубларни танлаш жоиз.

Масалан, Маккада Росулulloҳ ﷺ жамиятга хитоб қилишда турли усуллардан фойдаланганлар: тоғ устида одамларга даъват қилиш, Макка кўчаларида уюшган ҳолда юришлар ўтказиш, бозорларда одамларга хитоб қилиш, Каъба атрофида нидо йўллаш ва бошқалар. Бугунги кунда жамиятга хитоб қилиш ва сиёсий курашда қуйидаги каби восита ва услублардан фойдаланиш мумкин: хутбалар, йиғинлар, конференциялар ташкил қилиш, фазойий каналлар, радио ва интернет орқали чиқиш қилиш, китоблар, журналлар ва варақчалар тарқатиш, юришлар,

фестиваллар ва бошқа жамойй тадбирларни ўтказиш. Буларнинг барчаси жамиятга хитоб ва сиёсий курашда фойдаланиш мумкин бўлган муҳофизат ва услублардир.

Хулоса қилиб айтганда, Ислом фикрат ва тариқатдан иборат мабдадир. Фикрат – ақида ва унга тегишли барча фикрлар ва хабарлар ҳамда инсоннинг инсон сифатидаги ҳаёт тарзини тартибга солувчи ундан келиб чиққан аҳкомлардир.

Тариқат эса исломий ҳаёт кечирадиган жамият қуриш учун ана шу ечимларни ҳаётда қандай татбиқ қилишни баён қиладиган аҳкомлардир. Шунингдек, тариқат бутун инсониятни исломий жамиятга қўшиш учун мабдани дунёга ёйиш, мабдани муҳофизат қилиш, сақлаш ва ҳимоя қилиш йўлини баён қилади.

Восита ва услублар – шариат уларни татбиқ қилишнинг аниқ тартибини белгиламаган ҳукмларни бажаришда мусулмонлар қўллаши мумкин бўлган муҳофизат нарсалар ва амаллардир. Бунда муайян бир услуб ёки воситани танлаш шарт эмас. Аксинча, улар орасидан энг муносиб, энг осон ва энг тўғриси танлаб олиш мумкин. Бироқ бу восита ва услублар тариқат аҳкомларининг ўрнига қўлланилмайди ва уларнинг муҳофизат шаръий далиллари билан собит бўлиши шарт. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ

رَحِيمٌ﴾

«Айтинг (эй Муҳаммад): «Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Аллоҳ (гуноҳларни) мағфират қилгувчи, меҳрибондир»

[Оли Имрон 31] □

СИЁСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА СИЁСАТ ЮРИТИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН АСОСИЙ ШАРТЛАР (2)

(Сиёсий маълумотлар ва янгиликларни кузатиш)

Луқмон Ҳарзуллоҳ – Фаластин

Сиёсий таҳлил хаёл эмас, тушунчадир. Тушунча ҳосил бўлиши учун албатта маълумотлар тўплами бўлиши зарур. Сиёсий тушунча учун лозим бўлган маълумотлар икки турга бўлинади: биринчиси бугунги воқеаларга оид хабарлар, иккинчиси ушбу воқеаларга ва уларни ўраб турган шарт-шароитларга оид маълумотлар. Ушбу иккинчи қисм «сиёсий маълумотлар» деб аталади.

Сиёсий маълумотлар

Сиёсий маълумотлар – воқеага боғлиқ бўлган ва уни ўраб турган маълумотлардир. Масалан: тарихий жиҳат, сиёсий география, воқеа билан боғлиқ халқ, воқеага таъсир қилаётган давлатлар ва уларнинг ўзаро муносабатлари каби. Бу маълумотлар назарий жиҳатдан эмас, балки уларнинг сиёсий томонлари билан қўлланилади.

Воқеага боғлиқ сиёсий маълумотлар қуйидагича бўлади:

Биринчи: Сиёсий география. Юртнинг жойлашуви, географик хусусиятлари ва ресурслари унинг сиёсатига таъсир қилади, бинобарин, бу юртда содир бўлаётган сиёсий воқеаларни тушунишга ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, жаҳон савдо йўлларига яқин жойлашган давлат дунёнинг бошқа давлатлари билан алоқалар ўрнатиш имкониятига эга бўлади. Бунинг ўзиёқ унинг йирик давлатга айланишига замин яратади. Агар юртда бўғозлар, денгиз каналлари каби муҳим географик объектлар бўлса, у ўша ҳудуддан ўтаётганларга таъсир ўтказиши ва бойлик орттириши мумкин. Агар юртда нефть, олтин, ноёб ер қазилмалари ёки уран кабиларнинг катта ресурслари бўлса, унинг бойиш ва таъсир ўтказиш имконияти юқори бўлади. Шунингдек, тоғли ва оғир ўтиш жойлари унинг ўзини ҳимоя қилишини осонлаштиради...

Иккинчи: Тарих. Жаҳон муаммолари тарихий кўламга эга бўлиб, воқеаларга ўз соясини солади ёки улар тарихий хотирани жонлантириш орқали бошланади. Масалан, Европа ва Россия муносабатларига назар ташласак, уларнинг ўзаро алоқалари душманликка асосланганини кўрамиз. Бу душманликнинг илдизи тарихий бўлиб, Россия ўз ғарбий дарвозаларидан европаликлар томонидан уч маротаба босқинга учраган.

Учинчи: Халқларнинг хусусиятлари. Давлатнинг умумий сиёсий йўналиши ўз халқининг хусусиятларидан ажралмайди. Масалан, агар халқ бошқаларнинг масъулиятини зиммасига олиш хусусиятига эга бўлмаса, балки ўз ишлари билан чекланиш хусусияти бўлса, бундай давлатнинг сиёсати ҳужум ва кенгайишдан кўра кўпроқ ўзини ҳимоя қилишга қаратилган бўлади. Шунинг учун сиёсий таҳлилда халқларнинг хусусиятларига эътибор қаратиш зарур.

Тўртинчи: Халқаро вазият. Бу дунёдаги давлатлар ўртасидаги алоқалар тузилмасидир. Халқаро вазиятга таъсир кўрсата оладиган давлатлар – ташқи сиёсати орқали бошқа давлатларга таъсир ўтказа оладиган давлатлардир. Дунёда таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган бир ёки бир нечта куч пайдо бўлса, айнан шу куч ёки кучлар ушбу алоқалар тузилмасини, бинобарин, халқаро вазиятнинг қандай бўлишини ҳам белгилайди. Халқаро вазиятни белгилай оладиган давлат дунёдаги биринчи давлатдир. Шунинг учун бу давлатни билиш зарур. Гоҳида воқеа дунёдаги биринчи давлатда эмас, бошқа бир давлатда содир бўлиши мумкин. Шунинг учун, воқеа бевосита содир бўлган давлатнинг воқелигини, унинг дунёдаги биринчи давлат билан алоқасини ва бу алоқа табиатини билиш зарур. Агар халқаро вазият ҳисобга олинмаса ёки воқеаларга дунёдаги биринчи давлатдан ўзилган ҳолда қаралса, у ҳолда таҳлил тор доирада бўлиб, нотўғри тушунча пайдо бўлади ва натижада глобал воқеа маҳаллий воқеа сифатида баҳоланиб қолади.

Масалан, 2010 йил Нигерда тўнтариш бўлди. Маълумки, Нигер Францияга тобе давлат эди ва Франция у ерда уран қазиб оларди. Тўнтариш натижасида Франциянинг малайи бўлган Мухаммад Танжа ҳокимиятдан афдарилди. Нигер Франция каби йирик давлатга тобе эди, ўша пайтда дунёдаги биринчи давлат АҚШ эди. Америка Африкада Франциянинг тагига сув қуйишга уринаётганди. Агар америкаликлар берган баёнотларга қарасак, улар Мухаммад Танжани айблашганини, лекин уни ҳокимиятга қайтаришга ҳам, инқилобчилар билан афдарилган президент ўртасида музокара ўтказишга ҳам чақиришмаганини кўрамиз. Бу маълумотлар бизга тўнтариш ортида Америка турганини кўрсатади.

Бешинчи: Воқеа бевосита содир бўлган давлатга алоқадор сиёсий лойиҳалар. Масалан, 2023 йил Суданда қуролли тўқнашувлар содир бўлди, бу масалани тўлиқ тушуниш учун фақат

халқаро вазиятни ёки Суданнинг дунёдаги биринчи давлат билан алоқасини билишимизнинг ўзи етарли эмас. Балки Судан учун белгиланган сиёсий лойиҳаларни ҳам ўрганишимиз керак. Шунда хотирага британияликлар ҳукмронлиги давридан бошланадиган, уни бўлиб ташлашга қаратилган тарихий лойиҳа келади. Улар маъмурий бўлинишларни кейинчалик бўлишга қулай қилиб қўрган ва бу лойиҳа Ғарб давлатлари ўртасида келишилган эди. Шу билан бирга, Суданга оид янгича лойиҳа ҳам бор: Европа Суданни ўз таъсирига олиш учун ҳаракат қилмоқда. Бу фуқаролик ҳукумати лойиҳаси бўлиб, Европа Суданнинг Умар Баширга қарши инқилобидан фойдаланиб, уни амалга оширишга уринди. Шу боис, воқеаларни таҳлил қилаётганда бу каби лойиҳаларни четлаб ўтиш тўғри эмас. Агар ҳеч қандай сиёсий лойиҳа бўлмаса, таҳлил бошқа йўналишда кечади.

Олтинчи: Яқин шароитлар. Агар бирор давлат ёки минтақада воқеа содир бўлса ҳамда халқаро вазият ва воқеа содир бўлган давлатнинг дунёдаги биринчи давлат билан муносабати аниқ бўлса, шунингдек, бу давлатга оид тўғридан-тўғри лойиҳа мавжуд бўлмаса, у ҳолда яқин шароитлар таҳлил қилинади. Масалан, Америка 2017 йили Австралия, Ҳиндистон ва Япония билан тузган иттифоқни қайта тиклади. Биз Американинг бу давлатлардан ҳеч бирига оид махсус лойиҳаси йўқлигини биламиз. Бироқ ушбу иттифоқ Америка Хитойнинг таъсирини чеклаш лойиҳасини тайёрлаган ва у Дональд Трампнинг биринчи президентлик даврида бошланган бир вақтда қайта тикланди. Шунинг учун, мана шу шароитларни ҳисобга олиб, бу иттифоқни Хитойни чеклаш сиёсати доирасида тушуниш керак бўлади.

Еттинчи: Воқеаларни бевосита амалга оширувчи шахслар. Сиёсатни одамлар амалга оширади, шу эътибордан воқеаларни бошқараётган шахсларга эътибор қаратиш лозим. Воқеани бошқараётган кишининг қайси йўналишга мойил эканини билиш орқали воқеанинг ўзи қайси йўналишга қараб кетаётгани маълум бўлади. Масалан, 2023 йили Ғазога қарши уруш бошланганда, яҳудийлар бош вазири Биньямин Нетаняху эди. Биз халқаро вазиятни ва яқин шароитларни билиб турган ҳолда, Биньямин Нетаняхунинг кимлигини таҳлил қилишимиз зарур. У Америкадаги АІРАС ташкилоти билан алоқаси бор ва ундан қўллаб-қувватлов олади. Шунингдек, ўша пайтдаги Америка президенти Жо Байденнинг рақиби Дональд Трамп етакчилигидаги

Республикачилар билан ҳам алоқаси бор. Ўша йили Америкада сайлов йили эди. Бундан ташқари, Нетаняхунинг яҳудий вужуди учун алоҳида лойиҳаси бор, у Америка қўллаб-қувватлаётган «икки давлат» лойиҳасига зид лойиҳа. Нетаняху ғазони ғарбий соҳилдан ажратишни қатъий равишда давом эттиришга интилар ва унга нисбатан судда коррупция айбловлари ҳам бор эди. Мана шунда, нима учун яҳудий вужуди бош вазири Америка амалга оширишга уринган тинчлик шартномалари ва асирлар алмашуви келишувларини бузганини тушуниб оламиз. Агар ўша пайтда яҳудий вужудининг бош вазири Америка таъсиридаги бошқа бир шахс бўлганида, давлатнинг ҳаракатлари бошқача йўналишда бўлар эди.

Саккизинчи: Воқеадан манфаатдор томонлар. Улар ҳақида таҳлил юритиш фойдали, бироқ воқеанинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун қўшимча далиллар талаб этилади. Чунки воқеа содир бўлганда, ундан бир нечта томон манфаат кўриши мумкин. Айримлари унга режа тузган бўлади, бошқалар эса режалаштиришда иштирок этмаган бўлади. Агар маълумот фақат шу манфаатдорликка таяниб қолса, ундан чиқадиган хулоса беқарор бўлади ва унга суяниб бўлмайди.

Сиёсий тушунча учун зарур маълумотлар мана шулар. Биз уларнинг айримларини кейинроқ янада кенгроқ тарзда тушунтириб ўтамиз.

Янгиликларни кузатиш

Сиёсий таҳлил учун маълумотлар зарур эканини айтган эдик. Бу маълумотлар икки хил бўлади. Бири: жорий воқеалар янгиликларини кузатиш орқали олинадиган маълумотлар, иккинчиси: сиёсий маълумотлар. Янгиликларни кузатиш хабарларни шунчаки варақлаб ўтказиш эмас, балки уларни маълум бир мақсадда бир-бирига улаган ҳолда кузатиш, демакдир.

«التتبع» сўзи луғатда олдингини кейинги билан боғлашни англатади. Масалан, изидан юришда биринчи қадамни билиш лозим, сўнг кейинги қадамга ўтилади. Хабарларни изидан кузатиш ҳам шундай: аввалги маълумотни кейинги маълумот билан боғлаб бориш талаб этилади. Янгиликларни кузатиш эшитиш ва ўқиш орқали амалга оширилади. Бу жараёнда муҳим ва аҳамиятсиз барча янгиликлар кузатилади, зарур маълумотни топиш учун меҳнат қилинади. Чунки «аҳамиятсиз» хабар ҳам воқеага боғлиқ муҳим маълумотни ўз ичига олиши мумкин, ёки олмаслиги ҳам

мумкин. Аммо янгилик эшитаётган инсон қачон фойдали маълумот чиқишини олдиндан билмайди, шунинг учун у маълумотни топиш учун изланиши ва кузатиши зарур.

Янгиликларни кузатиб борувчи ё мавжуд бўлиши эҳтимоли кўпроқ бўлган маълумотни излайди ёки шунчаки маълумотни излайди. Мавжуд бўлиши эҳтимоли кўпроқ бўлган маълумот инсон зеҳнида маълум бир воқеага оид тасаввур тўлиқ бўлмаган ҳолатда юзага чиқади. Тасаввур тўлиқ бўлиши учун маълум бир жиҳат етишмайди ва изланиш айнан шу бўшлиқни тўлдиришга қаратилади. Агар зеҳндаги тасаввур юзаки бўлса ёки умуман мавжуд бўлмаса, у ҳолда ҳар қандай муҳим маълумот изланади. Бу маълумотнинг муҳимлиги унинг моҳиятидан билинади. Сиёсий маълумотлар воқеанинг ўзи ҳақида бўлиши мумкин ёки воқеа билан боғлиқ сиёсий масалалар, воқеани бошқараётган шахслар, воқеа билан боғлиқ сиёсий лойиҳалар, воқеага яқин шароитлар ҳақида бўлиши мумкин. Айнан мана шундай маълумотлар олинади. Аммо маълумотлар воқеага дахлдор бўлмаса, масалан телеканаллар уларни рейтинг учун тарқатаётган бўлса, улар олинмайди.

Тадқиқотчи кузатаётган хабарлар, асосан, уч хил бўлади: Воқеа ва унга боғлиқ маълумотлар ҳақидаги янгилик; воқеа ва унга боғлиқ маълумотларни тасвирлаб берувчи мақола; ёки воқеа ҳақида бирор муаллиф билдирган шахсий фикр. Шу ерда сиёсий тадқиқотчи бу хабарлардан олинadигани билан олинмайdиганини фарқлай билиши лозим. Яъни янгилик эшитилгандан сўнг, ушбу хабар олинadиган маълумотми ёки олинмайdиганми, ақлда дарҳол саралаб олиш керак. Воқеага алоқаси бор бўлган хабар олинади, воқеага дахли бўлмаган ҳар қандай маълумот, таҳлил ёки шахсий фикр тарк қилинади. Чунки сиёсий тадқиқотчи таҳлилни ўзи тайёрлаши лозим, бошқаларнинг таҳлиliga таяниши керак эмас. Сабаби фикр билдирган муаллиф билан сиёсий тадқиқотчининг сиёсий тушунчалари бир хил бўлмаслиги мумкин. Айрим таҳлилчиларда аниқ шаклланган қараш бўлмайди, улар кўпинча тахминлар, фаразлар, мантиқий мулоҳазаларга таянишади. Бундан ташқари, атайлаб адаштириш учун ёзадиганлар, воқеадаги бир томонни тарафини олган ҳолда баҳо берадиганлар ёки воқеага назар солганда ҳиссиётга берилиб кетадиганлар ҳам учрайди. Шунинг учун хабарлар ва мақолалар шахсий фикрлар билдирилган мақолаларга нисбатан анча

муҳимроқ ҳисобланади. Бироқ баъзи ҳолатларда фикр билдирилган мақолаларда ҳам муаллиф муҳим маълумот келтирган бўлиши мумкин. Шу сабабли, фикр билдирилган мақолаларни ҳам кузатиш керак, лекин улар бошқа турдаги хабарлардан кейин туради.

Сиёсатчи учун янгилик ва мақолаларни оладиган манбалар ишончли янгилик каналлари ва жиддий газеталар бўлиши керак. Яъни, ахборотни диққат билан аниқлаб, ҳужжатлаштиришга эътибор қаратадиган манбалар бўлиши лозим. Шунга қарамай, сиёсатчи бу манбалар берган маълумотларни тўлиқ қабул қилмаслиги керак. У ўзининг фойдали маълумот излаётганини ва бу маълумот айтиш шундай манбаларда бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкинлигини унутмаслиги лозим. Шунингдек, ушбу каналлар ва газеталарнинг сиёсий йўналишларига ҳам эътибор бериш зарур. Масалан, ўнг қанотдаги газеталардан маълумот олаётганда, уларнинг шу тарафга оғишини ҳисобга олиш керак. Чап қанот газеталарида ҳам худди шундай ҳолат мавжуд. Бир хил маълумот бўлса ҳам, ўнг тарафдаги газеталар уни бир усулда, чап тарафдагилар бошқача шаклда беришади. Шунинг учун кузатувчи шахс сўз ўйини тузоғига тушиб қолмаслиги лозим. Шунингдек, матбуотдаги мақолани ёзган муаллифга ҳам эътибор бериш муҳим, зеро, айрим ёзувчилар ва журналистлар воқеага ёки уни амалга оширган шахсларга бевосита боғланиб, маълумот аниқлигига катта аҳамият қаратадилар. Ана шундай одамларнинг мақолалари ва хабарлари бошқаларга нисбатан кўпроқ эътиборга лойиқдир.

Сиёсатчи, шунингдек, воқеани амалга оширган ёки унга муносабат билдирган тарафларнинг барча баёнотларини кузатиб туриши лозим. Масалан, Яқин Шарқда қандайдир воқеа бўй берган бўлса ва АҚШ давлат котиби шу муносабат билан матбуот анжумани ўтказса, уни албатта эшитиш керак. Шунингдек, АҚШ президенти, Миллий хавфсизлик кенгаши раиси, Оқ уй матбуот котиби ва воқеага дахлдор бошқа шахсларнинг баёнотларини ҳам эшитиш зарур. Чунки, ҳозирги вақтда Америка дунёдаги биринчи давлатдир ва у Яқин Шарқ устидан тўлиқ ҳукмронлик қилмоқда.

Биз кўп ҳолларда расмийлар берган баёнотларда, ёки баёнотлар билан амалий ишлар орасида ўзаро зиддиятлар борлигига дуч келамиз. Бу муаммо тўғри хабарни адаштирувчи баёнотдан ажратиш олиш билан ечилади. Бунинг йўли баёнот

берилган шароитга эътибор беришдан иборат. Масалан, АҚШ президенти икки бир-бирига зид баёнот бериши мумкин: улардан бири ички аудиторияга қаратилган бўлади, иккинчиси эса ташқи масала ёки халқаро воқеликка қаратилган бўлади. Агар ҳар бир баёнотни ўзининг оқимида кўриб чиқсак, қайси баёнот ҳақиқат, қайси бири адаштириш эканини аниқлаш осон бўлади. Шунингдек, баёнотни воқеа майдонидаги амалий ҳаракатлар, воқеа ҳақидаги мавжуд маълумотлар ва ушбу баёнотни берган давлатнинг мазкур воқеа ёки минтақа учун белгиланган мақсадлари билан таққослаш зарур. Агар баёнот белгиланган сиёсий лойиҳага мувофиқ келса, аммо амалий ҳаракатлар унга зид бўлса, бундай ҳолатда баёнот ҳақиқатни ифода этган, ҳаракат эса адаштиришга хизмат қилаётган бўлади. Агар тескарисини бўлса, унда тескари хулоса чиқарилади. Демак, хабарни умумий вазиятдан, яъни тўлиқ манзарадан ажратиб, яқка ҳолда баҳолаб бўлмайди.

Адаштириш амалда ҳам, баёнотда ҳам учраши мумкин. Бу сиёсатчи учун муҳим жиҳат. Кофир сиёсатчи одамларни адаштириш учун ёлғон гапиради. Аммо мусулмон сиёсатчи ёлғон айтмайди, балки киноя усулида гапиради. Бу сўзлар яқин маънони англатса-да, сиёсатчи асосан узоқроқ маънони назарда тутди. Шунинг учун Росулulloҳ ﷺ қўшинни ҳақиқий мақсадидан бошқа томонга юборар эдилар, шунда душман ўзини хавфсиз деб ўйлаб қолар, кейин қўшин йўналишни ўзгартириб, ҳақиқий мақсадга етиб борар эди. Бу усул ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий ишларда ишлатилади.

Янгиликни кузатиш, тўғри ва фойдали хабарларни ажратиб олиш – то малака шаклланиб, иш анча енгиллашгунича – кўп куч талаб этадиган ишдир.

(Давоми бор) □

ИСЛОМДАГИ МОЛИЯВИЙ ФИКРНИ КАПИТАЛИСТИК ВА СОЦИАЛИСТИК МОЛИЯВИЙ ФИКР БИЛАН ҚИЁСЛАШ (1)

Аҳмад Амин – Ироқ

Иқтисодий молиявий тузум давлатнинг фалсафасини, яъни давлат ишонадиган мабдани ифодалайди. Дунё икки асосий мабдани танийди: капитализм ва социализм. Айрим давлатлар социалистик фикрни, бошқалари эса капиталистик фикрни қабул қилди. Натижада, ҳар бир давлат шу икки фикрнинг биридан келиб чиққан ўзининг молиявий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тузумига эга бўлди. Маълумки, бу мафкураларнинг мақсади инсон ҳаётидаги муаммоларга, жумладан иқтисодий ва молиявий муаммоларга ечим бериш, шу орқали жамиятларнинг фаровонлиги ва ривожини таъминлашдир. Бу борада ҳар бири ўз тариқати асосида юради.

Капиталистик ечимнинг энг асосий белгиси – шахсий мулкчилик, шахсий эркинлик ва эркин бозор тизимига амал қилишдир. Капитализм бир неча босқичларни бошдан кечирди ва оғир қийинчиликларга дуч келди, масалан, 1929 йилдаги «Буюк депрессия» деб номланган молиявий инқироз. Бу воқеа ўша вақтда давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашмасликка асосланган анъанавий назариясига таянадиган тузум асосларини издан чиқарди. Натижада анъанавий молиявий фикр давлатнинг иқтисодга аралашувини назарда тутувчи янги назарияга айланди. Социалистик тузум эса ишлаб чиқариш воситаларининг умумий мулклиги, давлатнинг кенг қўламда аралашуви ва марказлашган режалаштириш тизимини қўллаш билан тавсифланади. Бу тузум татбиқ этила бошлагандан 70 йилдан кейин 1989-1991 йилларда социалистик лагер ва Совет Иттифоқининг парчаланиши билан барбод бўлди.

Молиявий фикрнинг ривожланиши

Давлатнинг молия тизими унинг таянадиган сиёсий фалсафасини ҳамда уни ўраб турган иқтисодий ва ижтимоий фалсафаларни акс эттиради. Давлатнинг фалсафаси инсон ҳаётига нисбатан маълум бир муносабат асосига қурилади, шу муносабатдан келиб чиқиб, давлат жамиятнинг фаолият юритиш қоидаларини, турмуш тарзи, ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий соҳалардаги чекловларини белгилайди.

Молия тизими давлатнинг сиёсий, иқтисодий ёки ижтимоий мақсадларига эришиш воситаларидан бири ҳисобланади. Шу

сабабли, молия тизими ёки давлат молияси бир давлатда иккинчи давлатдан фарқ қилади, ҳатто бир давлатнинг ўзида ҳам турли даврларда, унинг иқтисодий аҳволига қараб, ўзгариб туради. Молиявий фикр иқтисодий фикр билан ўзвий боғлиқ бўлиб, унинг бир қисми ҳисобланади. Шу маънода, молиявий фикр ҳам иқтисодий фикр каби бир хил ривожланиш босқичларидан ўтади. Ҳар бир босқич давлатнинг ривожланиш босқичига мувофиқ келади ва унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий фалсафасини акс эттиради. Ушбу босқичлар қуйидагилардан иборат:

1 – Анъанавий молиявий фикр ёки давлатнинг нейтрал ёки қўриқчи назарияси.

2 – Замонавий молиявий фикр.

Биринчи қисм

Анъанавий молиявий фикр – давлатнинг нейтрал ёки қўриқчи назарияси

Молиявий фикр ҳақида сўз юритишдан олдин, унинг ифодаси бўлган анъанавий иқтисодий назария ҳақида гапириш зарур.

Анъанавий назария тўлиқ мулк эркинлиги, ишлаб чиқариш ва истеъмол эркинлиги ҳамда нархлар механизмнинг таклиф ва талаб ўртасида мувозанат ўрнатишига асосланади¹.

Шахслар истеъмол товарлари ва ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш ҳамда шу мулкдан хоҳлагандай фойдаланиш ҳуқуқига эга. Капитал эгалари ўз маблағларини сармоя қилиш, товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, зарур асбоб-ускуналар ёки хом ашёни қандай шартларда сотиб олишда тўлиқ эркинликка эга. Ишлаб чиқариш эркинлигига истеъмол эркинлиги мос келади. Ҳеч бир шахс ўз даромадини хоҳлагандай сарфлашдан ёки даромади сарфланадиган товар турини танлашдан қайтарилмайди. Шахслар моддий фойда орттириш мақсадида ўзаро рақобат қилишади: ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, сифатини яхшилаш, энг самарали ишлаб чиқариш усуллариини ихтиро қилиш ва бозорларни қўлга киритиш учун рақобат қилишади, истеъмолчилар эса ўзларига керакли товарларни қўлга киритиш учун рақобат қилишади².

⁽¹⁾ Др. Абдулжалил Хувайдий, Ислом шариатидаги жамоат молиясининг асослари: давлат харажатлари бўйича киёсий тадқиқот, Дорул Фикр Арабий нашриёти, Қоҳира, нашр санаси кўрсатилмаган, 28-саҳифа.

⁽²⁾ Др. Ҳусайн Умар, Иқтисодий билимлар асослари, 1-нашр, Затус Саласил нашриёти, Кувейт, 1989 йил, 572-саҳифа.

Шахслар ўз шахсий манфаатларига мувофиқ равишда меҳнат қилиш, истаган касб билан шуғулланиш, хоҳлаган жойга кўчиб ўтиш ва мол-мулкни хоҳлагандай тасарруф этиш эркинлигига эга бўлиши керак. Давлат эса уларнинг фаолиятига тўсиқ қўймаслиги ва ёрдам ҳам бермаслиги лозим. Бу шахс ҳуқуқларининг табиий қонуни ҳисобланади. Бу Адам Смитнинг Сэй қонуни деб аталувчи «қўй ишласин, қўй ўтсин – дунё ўз йўлида боради» деган фикрининг айнан ўзидир¹. Анъанавий назария тўлиқ бандлик ҳукмрон бўлган бир дунёни назарда тутати ва икки асосий устунга таянади:

Биринчи: таклиф талабни пайдо қилади. Яъни, ҳар бир таклиф ўзига тенг талабга эга бўлади. Бозорга чиқарилган ҳар бир товарнинг ўзига хос талаби мавжуд, бозорда пайдо бўлган ҳар бир талаб эса унга зарур бўлган таклифни яратади.

Таклиф доимо талабга тенг бўлади. Куллий таклиф билан куллий талаб ўртасидаги тенглик шундаки, истеъмол молларини сотиб олишга сарфланмаган даромад албатта инвестиция молларини сотиб олишга йўналтирилади². Бошқача айтганда, ҳар қандай жамғарма албатта сармояга айланади, яъни жамғарма тўлалигича автоматик тарзда сармоя харажатига айланади ва куллий талабнинг камайишига сабаб бўлмайди. Бу назарияда дунё ҳаракатда бўлади, пул эса иқтисодий жараёнда автоматик равишда иштирок этмайди, балки фақат айирбошлаш воситаси ҳисобланади. Умумий нархлар даражаси пасаяди, пул қадрининг ўзгаришидан келиб чиқадиган умумий хатарлар мавжуд эмас деб ҳисобланади. Натижада, нақд пулни йиғишга интилиш (нақд пул йиғиш тенденцияси) кузатилмайди ва ҳар қандай йиғилган маблағ сармояга айланади³.

Иккинчи: Анъанавий назария тўлиқ бандлик ҳолатига ишонади, чунки таклиф тўлиқ бандликка йўналади. Ишчилар орасида ишсизлик уларга бўлган талабдан ортиқча ишчи кучи таклифи пайдо бўлганда рўй беради, бу эса улар орасида рақобатни кучайтиради, натижада ҳақиқий иш ҳақи пасаяди ва ишлаб

⁽¹⁾ Жорж Сол, Буюк иқтисодчилар ғоялари, доктор Рошид Барауий таржимаси, 4-нашр, Франкин нашриёти, Қоҳира, 1965 йил, 58-саҳифа.

⁽²⁾ Др. Мухаммад Абдулмуни Абдулкодир Афар, Ислом иқтисодий тизими, Дорул Мажма Илмий нашриёти, Жидда, 1979 йил, 171-саҳифа.

⁽³⁾ Др. Одил Фолих Али, Жамоат молияси иқтисодиёти. 1-китоб: Жамоат молияси ва давлат харажатларига кириш, Дорул Кутуб нашриёти, 1988 йил, 45-саҳифа.

чиқарувчиларнинг фойдаси ортади. Бу ўсиш эса ишчиларга бўлган талабнинг ортишига ва ишлаб чиқарувчиларнинг уларни қўлга киритишда ўзаро рақобат қилишларига олиб келади.

Шундай қилиб, иқтисодий фаолият барча ишчиларни қамраб олади. Бу назарияга кўра, ишсизлик вақтинчалик ва тасодифий бўлиб, ҳақиқий иш ҳақининг тушиши орқали тезда бартараф этилади¹. Тўлиқ бандлик даражасида эса миллий иқтисодиётда мувозанат ўз-ўзидан таъминланади².

Классик ёки анъанавий иқтисодий назариянинг хулосаси қуйидагича:

1 – Агар хусусий сектор иқтисодий тараққиётни таъминлашга қодир бўлса, давлат иқтисодий ҳаётга аралашмаслиги керак. Чунки давлатнинг аралашуви иқтисодий мувозанатга зиён етказди.

2 – «Қўриқчи давлат» шароитида давлатнинг роли фақат ташқи хавфсизликни таъминлаш, ички хавфсизликни таъминлаш ҳамда хусусий сектор амалга оширишга қодир бўлмаган лойиҳалар ва ишлар билан чекланади.

3 – Иш ҳақлари ва нархларнинг, жумладан, рибо (яъни фоиз) ставкаларининг мослашувчанлигини таъминлаш зарур. Чунки бу жамиятда жамғарма ва сармоя ўртасидаги мувозанатни таъминлайди.

Агар сақлашлар ортиб кетса, иқтисодий кучлар фоиз ставкаларини пасайтиради ва бу маблағни сақлашга бўлган қизиқишни камайтиради. Чунки классик назарияда фоиз жамғарманинг бир қисми деб қаралади. Шунингдек, давлат ёки анъанавий ташкилотлар аралашмасдан иш ҳақи мослашувчанлигини таъминлаш ишсизлик мавжуд бўлган ҳолларда иш ҳақи даражасини пасайтириш орқали ишсизликни чеклашга хизмат қилади³.

Анъанавий молиявий фикрнинг асослари, давлат харажатлари соҳасида:

Анъанавий фикрда давлат молияси доираси фақат молиявий мақсад билан, яъни давлат харажатларини қоплаш учун давлат даромадларини йиғиш билан чекланган. Бу давлат харажатлари

(1) Др. Хусайн Умар, аввалги асар, 573-саҳифа.

(2) Др. Абдулкарим Содиқ Баракот ва др. Ҳамид Абдулмажид Драз, Умумий иқтисод асослари, Шабобул Жомиа нашриёти, Александрия, 1972 йил, 210-саҳифа.

(3) Др. Одил Фолих Али, аввалги асар, 47-саҳифа.

аҳоли ўртасида юкни адолатли тақсимлаш орқали қопланиши керак¹. Яъни шундай тақсимланиши лозимки, ҳар бир шахснинг қурбонлиги бошқалардан талаб қилинадиган қурбонликка тенг бўлсин. Анъанавий фикр умумий юк (солиқ юки) тушунчасини давлат шахсларга кафолатлайдиган хавфсизликнинг «нархи» сифатида изоҳлаган. Давлат харажатлари энг тор доирада бўлиши зарур, чунки давлат ёмон бошқарувчи, бунинг акси ўлароқ шахс хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришда ундан кўра қобилиятлироқдир. Анъанавий фикр баҳолаш ва тасдиқлаш жараёнида давлат харажатларига давлат даромадларидан кўра харажатларини биринчи ўринга қўйган. Яъни давлат харажатлари унинг даромадларини белгилайди. Бу принципнинг амалга ошишига давлатнинг даромадларни йиғишдаги кенг ваколатлари ҳамда унинг ички ва ташқи хавфсизликка чекланган ролидан келиб чиқиб, харажатларнинг камлиги ёрдам беради. Шунингдек, давлат шахслар амалга ошира олмайдиган ёки амалга оширишдан тийиладиган айрим лойиҳаларни бажаради².

Бюджет мувозанати принципи:

Анъанавий молиявий фикрда бу принцип давлат харажатларининг унинг одатий даромадларига тенг бўлишини англатади. Мувозанатга давлат харажатларини солиқлар тушумлари билан мунтазам ва даврий тарзда тенглаштириш орқали эришилади. Бу принцип ҳар қандай шароитда эришилиши лозим бўлган мақсад бўлиб, давлат маблағларини очиқ ва шаффоф бошқариш воситаси сифатида қаралади. Шу билан бирга, у давлат фаолиятининг кенгайишига ва аҳоли юкининг ортишига чек қўяди, давлат молиясида мувозанат ва ишончни сақлашга, иқтисодий ва пул-кредит барқарорлигини таъминлашга ҳамда ишлаб чиқаришни оширишга хизмат қилади³.

Янги пул чиқаришга келсак, анъанавий молиявий фикр унга қарши чиқади, чунки бу инфляцияга олиб келади. Сабаби, у истеъмол харажатларини молиялаштириш учун ишлатилади ва бозорга қўшимча пул массасини киритади. Бироқ, бу қўшимча пулга мос равишда товар ва хизматлар кўпаймайди. Натижада,

⁽¹⁾ Др. Абдулкарим Содик Баракот ва др. Ҳамид Абдулмажид Драз, аввалги асар (Умумий иқтисод асослари), 437-саҳифа.

⁽²⁾ Др. Одил Фолих Али, аввалги асар, 49-саҳифа.

⁽³⁾ Др. Одил Фолих Али, аввалги асар, 51-саҳифа.

нархлар инфляцион ўсишга дучор бўлади¹. Шунинг учун анъанавийлар бюджет тақчиллигини ва уни қарз олиш ёки янги пул чиқариш орқали молиялаштиришни рад этган. Улар бюджетда даромад харажатдан ортиб кетишига, яъни профицитга ҳам қарши чиқишган. Чунки бу маблағларнинг табиий айланиш йўлидан оғишини, уларнинг тўсилиши ва фаолиятсиз қолишини англатади. Бундай ҳолда уларни аҳоли қўлида қолдириш, шу тариқа уларни ишлаб чиқариш ва жамият фаровонлигини оширадиган тарзда инвестиция қилиш маъқулроқ. Шунинг учун давлат мувозанат принципига риоя қилиши ва уни ҳар қандай нарх эвазига таъминлаши шарт.

Анъанавий фикрда солиқлар:

Анъанавийлар солиқнинг жамғармага таъсир қилмаслиги, аксинча уни оширишга хизмат қилиши зарурлигини таъкидлашган. Шу боис, солиқ ставкаси паст бўлиши лозим. Шунинг учун анъанавий молиявий фикр истеъмолга қўйиладиган солиқларни афзал кўради, чунки улар жамғармаларнинг кўпайишига олиб келади².

Солиқларнинг энг ёмони объекти даромад ёки капитал бўлган солиқлардир. Чунки капиталга солиқ солиш унинг босқичма-босқич камайишига олиб келади. Анъанавий молиявий фикрда солиқ фақат молиявий восита сифатида кўрилади, яъни давлат харажатлари юкини фуқаролар ўртасида тақсимлаш учун хизмат қилади, унда иқтисодий ёки ижтимоий мақсад кўзланмайди.

Шунинг учун бу назария тўғридан-тўғри солиқлар, яъни жамғармага солинадиган солиқлардан истеъмол солиқларини афзал кўради³. Солиқнинг мақсади давлат харажатларини молиялаштириш учун имкон қадар кам миқдорда даромад йиғиш бўлиши керак ва унинг жорий этилиши бозорнинг табиий жараёнига аралашишга, яъни бозор қувватлари асосида шаклланган тўловчилар мавқеини ўзгартиришга олиб келмаслиги шарт. Бу солиқ нейтраллиги принципи деб аталади⁴. Ушбу принцип «қўриқчи давлат»нинг роли билан ўзвий боғлиқ. Анъанавий фикр давлатнинг вазифаларини аниқ чегаралаган ва бу чегарадан чиқиш

(1) Др. Абдулжалил Хувайдий, аввалги асар (Ислом шариатидаги жамоат молияси...), 28-саҳифа.

(2) Др. Одил Фолих Али, аввалги асар, 52-саҳифа.

(3) Др. Одил Фолих Али, аввалги асар, 52-саҳифа.

(4) Абдулкарим Содик Баракот, аввалги асар, 62-саҳифа.

мумкин эмас. Агар чиқса, бу унинг нейтраллигини бузиш, ўзига тегишли бўлмаган ишга аралашиш ва умумий манфаатга зарар етказиш ҳисобланади.

Анъанавий назария бўйича хулоса:

Анъанавий молия назарияси анъанавий иқтисодий назариянинг ифодасидир. Бу назария давлатнинг жамият иқтисодий ҳаётидаги ҳар қандай ролини рад этади. Натижада, давлат бюджети ҳеч қандай иқтисодий ёки ижтимоий аҳамият касб этмайди, балки унинг мақсади фақат молиявий жиҳат билан чекланади.

Шу боис, анъанавий назарияда давлат харажатлари давлат даромадларига нисбатан устувор ҳисобланади, бюджетни қисқартириш ва уни мувозанатда сақлаш зарурлиги таъкидланади. Шунингдек, жамғармага солинадиган солиқларга нисбатан истеъмолга солинадиган солиқлар афзал кўрилади ва солиқ нейтраллиги принципига қатъий амал қилинади.

Анъанавий капитализм жиддий синовларга дуч келди. XVIII, XIX ва XX асрларда капиталистик дунё кўплаб иқтисодий инқирозларни бошдан кечирди. Масалан, Британияда 1788, 1793, 1810, 1819 ва 1825 йилларда жиддий инқирозлар юз берган. Шунингдек, АҚШ, Германия, Франция ва бошқа Европа давлатларида ҳам шундай иқтисодий қийинчиликлар кузатилган. Кейинроқ 1857, 1859, 1866 ва 1873 йилларда ҳам иқтисодий қийинчиликлар давом этди. Бироқ анъанавий капитализм учун энг катта синов – 1929 йилдаги жаҳон молиявий инқироzi бўлди. Бу инқироз Биринчи жаҳон уруши оқибатида юзага келиб, капиталистик иқтисодиётни қаттиқ силкитди, ишлаб чиқариш воситаларини издан чиқарди ва оммавий ишсизликни келтириб чиқарди. АҚШда бошланган ушбу инқироз Россия ва Япониядан ташқари барча капиталистик давлатларга тарқалди. Чунки бу пайтда Совет Иттифоқида социалистлар 1928-1932 йилларга мўлжалланган биринчи беш йиллик режани амалга ошириш орқали иқтисодиётни барқарор ва тез ривожланиш йўлига йўналтираётган эди¹.

Ушбу инқироз дунё миқёсида нархларнинг пасайишига, ишлаб чиқаришнинг тўхташига, оммавий ишсизликка, корхоналарнинг банкрот бўлишига ва пул қийматининг түшиб кетишига олиб

⁽¹⁾ Др. Маҳмуд Муҳаммад Ҳабиб, Кейнс назарияси, Басра университетининг «Ҳуқуқ ва иқтисод» журнали асосида тайёрланган илмий мақола, Дарут Тибаа Ҳадиса нашриёти, Басра, 1970 йил, 64-саҳифа.

келди. У ишлаб чиқариш ва товар айирбошлаш тизимига чуқур таъсир кўрсатди. Бу фақат ортиқча ишлаб чиқариш билан боғлиқ оддий босқичли инқироз ёки ҳар етти-ўн йилда кузатиладиган вақтинчалик «хўжум» эмас эди. Аксинча, у анъанавий капитализм тузумининг асосларига ва унинг бошланғич принципларига зарба берган тизимли инқироз эди¹.

Шу сабабдан капиталистик тузумнинг қулашига йўл қўймаслик учун давлатнинг иқтисодиётга аралашуви зарурлиги ҳақида фикрлар пайдо бўла бошлади. Бу фикрлар молия ва иқтисодий сиёсатнинг йўналишини ўзгартириб, давлат ролининг кучайишига олиб келди ҳамда давлат молиясининг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти мустаҳкамланди.

Ушбу жаҳон инқирозининг натижаси сифатида унинг оғир оқибатларига қарши кураш ва капиталистик тузумни тўлиқ қулашдан сақлаб қолиш учун давлат аралашувини талаб қилувчи чақириқлар кучайди. Давлатнинг ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишга мажбур бўлишига бир неча сабаблар бор эди: иқтисодиёт ўз ҳолича қолдирилса беқарорликка мойил бўлади; эркин рақобат тартибга солинмаса, у ўз-ўзидан самарали ишлай олмайди². Шунингдек, анъанавий мактаб қонунлари даромад ва бойликларни адолатли тақсимлашга олиб бормайди. Капиталистик ўсиш усули эса жамиятда катта ижтимоий тафовутларга сабаб бўлади.

Шунингдек, давлат харажатларининг ҳажми ошиши ва мазмуни ўзгариши янги молиявий манбаларни излашга туртки берди. Урушлар харажатларнинг ортишига, шу билан бирга солиқлар ва қарзларнинг кўпайишига олиб келди. Уруш харажатлари даромад ва меросга прогрессив солиқ солишни кенг қўллашни тақозо қилди ҳамда солиқ ва қарзлардан ижтимоий мақсадларда фойдаланиш учун йўл очди³.

Анъанавий назария бу инқирозни енгийишда муваффақиятсизликка учради ва XX асрнинг иккинчи ўн йиллигида капиталистик тузумни қамраб олган иқтисодий инқироздан чиқиш учун ечимлар бера олмади. Натижада, 1930-йилларда янги

(1) Жозеф Лажуи, Иқтисодий тизимлар, Ғассон Шадид таржимаси, Маншуротул Арабия нашриёти, нашр санаси кўрсатилмаган, 62-78-саҳифалар.

(2) Жон Стретчи, Замонавий капитализм, Умар Дирауий таржимаси, 1-нашр, Дорут Талия нашриёти, Байрут, 1964 йил, 37-саҳифа.

(3) Др. Рифъат Махжуб, Иқтисодий асослар, 37-саҳифа; др. Одил Фолих Али асаридан олинган.

назария – Кейнс назарияси пайдо бўлди. Бу назария давлатнинг иқтисодий ҳаётда фаол иштирокини, унинг ролини кучайтиришни ва бетарафлик (нейтраллик)дан воз кечишни илгари сурди. Шу тариқа янги босқич – замонавий молиявий фикр ёки «аралашувчи давлат» назарияси даври бошланди. Бу масала иккинчи қисмда муҳокама қилинади.

Иккинчи қисм

Замонавий капиталистик фикр, аралашувчи давлат назарияси

Замонавий молиявий назарияга кўра, давлатнинг иқтисодиётга аралашishi, унинг ролини кучайтириш ва 1929 йилга қадар анъанавий назария асосида амал қилиб келган нейтраллик ҳолатини тугатиш зарур. Чунки иқтисодий мувозанат ўз-ўзидан юзага келмайди. Замонавий иқтисодчилар давлат аралашувининг зарурлигини тан олган бўлишса-да, бу аралашув қай даражада бўлиши кераклиги борасида фикрлари турлича. Айримлар, жумладан Кейнс, давлат муайян соҳаларга аралашishi лозим, деган фикрни илгари сурдилар, бу эса давлат молиявий ва иқтисодий воситаларга эгалиги туфайли қолган фаолиятларга йўналиш берувчи йўлбошчи ролини бажариши учун зарур, деб ҳисобланди. Бошқалар эса молиявий режалаштириш ва давлат ролини кенгайтириш тарафдори бўлиб, давлат ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси бўлиши ва миллий иқтисодиётни тўлиқ – ишлаб чиқаришдан тортиб истеъмолгача – назорат қилиши лозим деб ҳисоблашган. Булар социализм тарафдорлари¹.

Шунинг учун, биз аввал замонавий Кейнс назарияси ҳақида, сўнгра социалистик тузумдаги молиявий фикр ҳақида сўз юритамиз.

Биринчи: Кейнс назарияси:

Жон Мейнард Кейнс (1883–1946) капитализм ўзининг сўнги босқичига кирганида, у аввалги рақобатчи табиатини йўқотганини ва энди ўз-ўзидан тартибга солинувчи тузум бўла олмаслигини кўрсатиб берди. Шунинг учун, Кейнс уни назорат қилиш ва онгли равишда бошқариш зарур деб ҳисоблади². Кейнс «кўринмас қўл» ғоясини инкор қилди ва иқтисодий мувозанатни таъминлаш учун

(1) Ҳишом Муҳаммад Сафват Умарий, Жамоат молияси иқтисодиёти ва молиявий сиёсат, 2-жилд, 2-нашр, Университет нашриёти, Бағдод, 1988 йил, 442-саҳифа.

(2) Жон Стретчи, аввалги асар (Замонавий капитализм), 303-саҳифа.

давлатнинг иқтисодиётга аралашуви шарт эканини қатъий таъкидлади.

Кейнс назариясининг молиявий асосларини англаш учун унинг асосий гипотезаларини кўриб чиқиш зарур.

Кейнс анъанавий назариянинг қуйидаги учта асосига қарши чиққан¹:

1 – Иқтисодий мувозанат ўз-ўзидан, давлатнинг иқтисодий фаолиятга аралашувисиз вужудга келади.

2 – Таклиф автоматик тарзда ишлаб чиқариш омилларининг барчасини тўлиқ иш билан таъминлайди ва юқори даражадаги мувозанатни яратади.

3 – Пул иқтисодий жараёнларда нейтрал омил бўлиб, ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Кейнснинг иқтисодий назарияси капиталистик иқтисодий фикр дунёсида катта инқилоб яратиб, 1929 йилги инқирозга қарши курашда муҳим роль ўйнаган. У мазкур инқирозга ечим бера олмаган анъанавий назарияни рад этди.

Замонавий молиявий фикрнинг ёки «аралашувчи» молия назариясининг асослари қуйидагилардан иборат:

Биринчи асос: давлатнинг иқтисодий фаолиятдаги роли

Анъанавий ва замонавий иқтисодий назариялар ўртасидаги фарқлар туфайли молиявий фикр ҳам тубдан ўзгарди. Анъанавий назариянинг муваффақиятсизлиги ва ожизлиги давлатнинг иқтисодиётга аралашувини талаб қилди. Шу билан бирга, давлат бюджети ва унинг воситалари – яъни даромад ва харажатлар – катта аҳамият касб эта бошлади. Давлат барча иқтисодий соҳаларда фаол рол ўйнай бошлади. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш энди фақат хусусий ташаббусга боғлиқ бўлиб қолмади. Ҳукуматлар иқтисодиётга босқичма-босқич аралашаверди, улар фақат меҳнат шартларини тартибга солиш билан чекланиб қолмасдан, нархларни, фоиз ставкаларини, хомашёни тақсимлашни ва ишлаб чиқаришни ҳам назорат қилишга киришишди. Давлатлар баъзи иқтисодий хизматлар ва асосий соҳаларни бошқариш мақсадида хусусий ташаббусни тўлиқ алмаштиришдан ҳам тортинмади². Бозор механизми ва нарх тизими ресурсларни тўлиқ бандлик мақсадига йўналтиришда

(1) Др. Маҳмуд Муҳаммад Ҳабиб, аввалги асар, 3-саҳифа.

(2) Жозеф Лажуи, аввалги асар, 63-саҳифа.

етарли самара бермаганидан сўнг, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг шахсий қарорлари бу мақсадга етишиш учун етарли бўлмай қолганидан кейин, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви зарур бўлиб қолди. Давлат ўзининг молиявий сиёсатини қўллаш орқали реал талабни иқтисодий вазиятга қараб ошириш ёки камайтириш йўли билан иқтисодиётга таъсир ўтказишига эҳтиёж пайдо бўлди¹.

Чунки давлат харажат ва солиқ сиёсати орқали реал талабда юзага келган номутаносибликларни бартараф этиб, иқтисодий мувозанатни таъминлай олади. Агар реал талаб пасайиб кетса, давлат бу пасайишни давлат харажатларини кўпайтириш ва солиқларни камайтириш орқали қоплайди. Бундай чоралар талабни тўлиқ бандлик даражасигача оширишга қаратилган бўлади. Агар реал талаб тўлиқ бандлик даражасидан ошиб кетса (яъни инфляциян ҳолат юзага келса), унда давлат ўз харажатларини қисқартиради ва солиқларни кўпайтиради². Шу сабабли, давлатнинг нейтрал ҳолатда қолиши – анъанавий назария тасаввур қилганидек – энди мумкин бўлмай қолди. Айнан мана шу тарзда «аралашувчи капитализм» анъанавий капитализмнинг ўрнини эгаллади.

Иккинчи асос: давлат бюджети мувозанатини эмас, балки умумий иқтисодий мувозанатни таъминлаш

Анъанавий назария ҳисоб жиҳатидан давлат бюджети мувозанатига, яъни давлат даромадлари билан харажатларининг тенг бўлишига асосий эътиборни қаратган. У молиявий масалаларни жамиятнинг иқтисодий ҳаётидан алоҳида ҳолда кўриб чиққан ва бюджет мувозанатини молия сиёсатидаги асосий мақсад сифатида белгилаган. Давлат нейтрал ҳолда қолиши керак деб ҳисоблангани боис, қарз олиш ёки янги пул чиқариш каби чоралар инкор этилган³. Бироқ иқтисодий инқирозлар юзага келиши ва шу шароитда анъанавий назариянинг самарасизлиги маълум бўлиши натижасида, иқтисодий мувозанат ўз-ўзидан вужудга келмаслиги аён бўлди. Натижада, умумий миллий иқтисодий мувозанат ва молиявий барқарорлик давлатнинг

(1) Др. Одил Фолих Али, аввалги асар, 66-саҳифа.

(2) Др. Муҳаммад Абдулмуним Абдулқодир Афар, аввалги асар (Ислом иқтисодий тизими), 177-саҳифа.

(3) Др. Абдулкарим Содик Баракот, аввалги асар (Умумий иқтисод асослари), 372–373-саҳифалар.

асосий мақсадларидан бирига айланди. Кейнснинг тажрибаси кўрсатганидек, молия сиёсати – иқтисодий мувозанатни таъминлашда қўлланиладиган самарали воситадир. Чунки иқтисодиёт ҳар доим тўлиқ бандлик даражасида мувозанатда туравермайди, баъзи ҳолатларда талаб пасайиб кетади (масалан, рецессия ёки иқтисодий сустлик шароитида). Шу боисдан, давлат бюджет мувозанати ғоясидан воз кечиб, киримдан кўра харажатни ошириш орқали атайлаб бюджет тақчиллигини яратиши, бу тақчилликни эса давлат қарз олиш ёки янги пул чиқариш воситасида қоплаши ва шу йўл билан тўлиқ бандлик мувозанатига эришишга интилиши керак бўлади. Бу усул – иқтисодий пасайиш ҳолатида қўлланиладиган чора-тадбирдир.

Энди инфляция шароитида, яъни реал талаб тўлиқ бандлик даражасидан ошиб кетган ҳолда, давлат бюджетда профицит юзага келиши учун даромадларни оширади ёки харажатларни камайтиради ёки ҳар иккаласини биргаликда қўллайди. Бунинг асосий мақсади иқтисодий мувозанатни тиклаш¹. Иқтисодиёт яна тўлиқ фаоллашиб, яъни тўлиқ бандлик даражасига қайтганда, солиқ тушумларининг ортиши ёки давлат харажатларининг қисқариши орқали бюджет мувозанати қайта тикланишига замин яратилади. Шу орқали бюджет ва унинг воситалари – солиқ ва харажатлар – энди фақат харажатларни қоплаш учун даромад тўплаш воситаси бўлибгина қолмай, балки қўшимча вазифаларни ҳам ўз зиммасига олади:

Иқтисодий жиҳатдан: тўлиқ иш билан таъминлаш мувозанатини таъминлаш

Ижтимоий жиҳатдан: ижтимоий барқарорлик ва адолатни таъминлаш;

Даромадларни тақсимлаш орқали кам таъминланган қатламларнинг ҳаёт даражасини ошириш.

Иккинчи: социалистик тузумдаги молиявий фикр

Молиявий фикрнинг ривожланиши жамият иқтисодий фикрининг ривожига қараб шаклланади. Шу сабабли, молия тизими ҳам иқтисодий ва ижтимоий тузумларга мувофиқ равишда ўзгариб боради. Маълумки, молиявий фикрнинг бундай ривожланиши давлат ролининг «қўриқчи давлат» моделидан «аралашувчи давлат» моделига ўтиши натижасидир. Аммо бу

⁽¹⁾ Др. Одил Фолих Али, аввалги асар, 66-саҳифа.

ривожланиш шу билан тўхтаб қолмади. Давлатнинг роли фақат иқтисодий ва ижтимоий мувозанатни сақлайдиган аралашувчи функция билан чекланиб қолмасдан, у энди ишлаб чиқарувчи ва тақсимловчи функцияни ҳам ўз зиммасига олди.

Молия тизимида капитализм билан социализм ўртасидаги асосий фарқлар юртдаги иқтисодий ва сиёсий тузумлар фарқидан келиб чиқади. Шунингдек, социалистик давлат ва капиталистик давлатнинг табиати ҳамда ундаги сиёсий-иқтисодий функциялардан ҳам келиб чиқади. Социалистик иқтисодий тузум икки асосий устунга таянади¹:

1 – Ишлаб чиқариш воситаларининг умумий мулклиги

Социалистик иқтисодий тузум ишлаб чиқариш воситаларининг умумий мулк эканлиги асосига қурилади. Бу – хусусий мулкчиликни бекор қилиш ва ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилувчи синфнинг ҳукмронлигини тугатиш орқали амалга оширилади. Умумий мулк меҳнаткаш халқ қатламлари, яъни, ишчи синф ҳукмронлигининг иқтисодий пойдевори ҳисобланади. Бунинг асосий мақсади – ҳеч ким бошқани эксплуатация қилмайдиган, янги ижтимоий муносабатлар ҳукмронлик қиладиган иқтисодий тузумни шакллантиришдир. Социалистик тузумда мулк шакллари турлича бўлади: давлат мулки (давлат сектори); кооператив мулк; шахсий мулк. Бу ҳолат натижасида миллий иқтисодиётнинг асосий бошқарув калитлари давлат қўлида жамланади. Социалистик давлат умумий ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнларини халқнинг умумий эҳтиёжларини қондириш мақсадида режалаштириб, бошқаради. Давлат ўзининг иқтисодий функцияларини ишлаб чиқариш воситаларининг умумий мулклиги асосида амалга оширади ҳамда миллий иқтисодиётни ўзининг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий мақсадларига мувофиқ равишда мувофиқлаштиради. Бунинг барчаси аҳолининг барча қатламларига фаровон ҳаёт шароитини яратишга қаратилган².

2 – Миллий иқтисодиётни ташкил этиш ва марказлашган режалаштириш

Социалистик давлатларда миллий иқтисодиёт умумлаштирилган иқтисодий режалар асосида бошқарилади. Бу режалар ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ривожланиш

(1) Др. Абдулкарим Содик Баракот, аввалги асар, 450-саҳифа.

(2) Др. Аҳмад Мурод, Социалистик мамлакатларда молиявий тизим, Маданият вазирлиги нашриёти, Дамашқ, 1973 йил, 20-саҳифа.

йўналишларини белгилайди. Режалаштириш мамлакатдаги иқтисодий ва ижтимоий фаолиятнинг барча соҳаларини қамраб олади ҳамда барча иқтисодий ва бошқарув органларига тааллуқли бўлади. Ҳар бир иқтисодий ва маъмурий бўлим бўйича ресурслар ва уларнинг фойдаланилиши олдиндан режалаштирилади. Давлат миқёсида умуммиллий иқтисодий режалар бўлгани каби, вилоят миқёсидаги маҳаллий режалар ва бошқа идоралар учун тармоқ режалари ҳам мавжуд бўлади¹.

Бу – жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олувчи ва марказдан бошқариладиган режалаштиришдир. Марказлашган режалаштириш капиталнинг йиғилиш даражалари ва иқтисодий ўсиш йўналишларини белгилайдиган умумий тамойилларни давлат томонидан марказлашган ҳолда назорат қилиш ва йўналтириш демакдир². Бу маълум бир муддат ичида жамиятнинг барча ресурсларини тўлиқ ишга солган ҳолда белгиланган мақсадларга эришиш учун иқтисодий фаолиятни ташкил қилиш усулидир. Социалистик давлатлар ушбу марказлашган режалаштириш усули орқали иқтисодий ва ижтимоий тузилмаларда узоқ муддатли зарур ўзгаришларни амалга оширишни, даромадларни адолатли тақсимлашни, аҳолига тенг ҳуқуқли имкониятлар яратишни, капитални иқтисодий куч сифатидаги ва давлат сиёсатини бошқарувчи восита сифатидаги ролини чеклашни мақсад қилиб қўйишади.

Ишлаб чиқариш воситаларининг умумий мулклиги, марказлашган режалаштириш ҳамда давлатнинг миллий режалар асосида ишлаб чиқариш ва тақсимлашни бевосита амалга ошириши давлат молиясини иқтисодиёт билан узвий боғлаган. Социалистик давлатда молия тизими ишлаб чиқариш ва тақсимлаш муносабатларида, иқтисодий жараёнларда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шундай қилиб, социалистик давлатда давлатнинг вазифаси фақат иқтисодий ва ижтимоий мувозанатни сақлаш билан чекланиб қолмай, балки ишлаб чиқариш ва тақсимлашни бевосита ташкил этиш ва бошқаришга айланган. Мана шу асосда, социалистик давлатнинг молия тизими ҳам ўзига хос ва фарқли хусусиятларга эга бўлиб шаклланган.

(Давоми бор...) □

(1) Др. Аҳмад Мурод, аввалги асар, 37-саҳифа.

(2) Др. Одил Фолих Али, аввалги асар, 71-саҳифа.

ИСЛОМ АСОСИДА ҲУКМ ЮРИТИШ – УММАТНИНГ ЯГОНА ТАНЛОВИДИР

Муҳандис Боҳир Солиҳ – Фаластин

Исломий Халифалик қулатилиши хотирасида биз, албатта ушбу воқеа ўзагида турган масалани, яъни Ислом асосида ҳукм юритиш масаласини муҳокама қилишимиз зарур. Бу масала фарз эканлиги, унинг амалий қоидалари ва юзага келадиган тўсиқлар нуқтаи назаридан атрофлича таҳлил қилиниши лозим. Айниқса, бугунги кунда Шом заминида Уммат айнан шу масала юзасидан сиёсий, фикрий ва қўзғолонга оид кураш олиб бормоқда.

Айниқки, Аллоҳнинг фазлу карами билан қўзғолончилар солим ва қонхўр Башар Асадни тор-мор этиб, уни хор ва мағлуб ҳолда қочишга мажбур қилган кундан бўён, Шомдаги азиз халқимиз ва улар билан бирга бутун Ислом Уммати талаб қилинаётган муқобил тузумнинг қандай бўлиши лозимлиги хусусида ўзлуксиз сиёсий ҳаракат ва фикрий мунозара олиб бормоқда.

Ҳатто Башар ва унинг режими ҳали қуламасидан олдиноқ, қўзғолончилар ва Шом аҳлининг мутлақ кўпчилиги фақат Исломга юз тутишлари очиқ-ойдин ва кутилган ҳолат эди. Чунки улар Ислом шиорини қўзғолоннинг илк кунлариданоқ кўтариб чиққанлар. Уларнинг кўтарган шиор ва нидолари бутун Ислом оламида рамзга айланган эди. Жумладан: «Бу Аллоҳ учун, Аллоҳ учун; на ҳокимият, на мансаб учун», «Етакчимиз то абад, саййидимиз Муҳаммад ﷺ дир», «Исломий, Исломий, сен хоҳламасанг ҳам, эй Обама!», «Аллоҳдан ўзгага ҳаргиз тиз чўкмаймиз» ва шу каби бошқа кўплаб шиорлар.

Шу сабабли, у ҳақиқатда исломий юртлар тан олган энг пок қўзғолон бўлди. Шунинг учун Ғарб ва барча мустамлакачи кучлар уни итдек қопишди. Америка қўзғолонни бостириш учун ўз иттифоқчилари ва душманларини чақирди. Улар азбаройи Башарнинг қўзғолонни бостириш ва тугатишга муваффақ бўлиши, ҳокимиятда қолиши учун, уни зулм ва ваҳшийлик воситалари билан таъминлашди. Айнан шу ҳаракатлар Башарга ўтган ўн уч йил давомида ҳокимиятда сақланиб туриш имконини берди.

Сурия қўзғолонининг исломий қўзғолонлиги бошиданоқ яққол намоён бўлган. Шунинг учун ҳам Асад тузуми қулаши биланоқ, дўсту душманлар, узоғу яқиндагилар, барчаси қўзғолончиларни Исломни татбиқ этиш ва Исломий давлатни барпо этиш сари йўналади деб кутишди.

Шунинг учун Ғарб Суриядаги умумий бошқарув раҳбари билан учрашиш мақсадида, зудлик билан Шомга ўзининг вазирлари, элчилари ва агентларини жўнатди. Уларнинг ҳар бири ё секуляр давлат қуришни тарғиб этиш ёки унинг исломий тус олишига қарши огоҳлантириш ва таҳдид қилиш учун келишди. Бу йўлда, албатта, «озчиликлар манфаати», «аёллар ва инсон ҳуқуқлари», «адолатни таъминлаш» каби баҳоналар ниқоб сифатида қўлланилади. Улар «сурияликлар», «суриялик аёллар», «суриялик болалар» ва «суриядаги турли тоифалар» учун кўз ёши тўка бошлашди. Ҳолбуки, айнан шу кимсалар ўтган ўн уч йил давомида Башар Асаднинг ҳомийлари бўлиб, унга кимёвий қуруллар ва портловчи бочкалар орқали қирғинлар ва ваҳшийликларни амалга ошириш имкониятини яратиб беришган. Айнан шулар сабабли оқибатда Шом аҳолисининг ярми юртларидан ҳайдалди ва тахминан икки миллион одам қирилиб, бадани парчаланиб, портлатиб юборилди.

Бу масалада – яъни Ислом асосида ҳукм юритиш ёки юритмаслик масаласида – аниқ нарсаси шуки, Ғарб бу шиорлардан ва мазлумалар деган даъволардан фақат ўзининг заҳарли ғоялари ва зўравон шартларини сингдириш учун ниқоб сифатида фойдаланмоқда, бошқа мақсадда эмас. Чунки у қўзғолончилардан ҳам, Шом аҳолидан ҳам Исломни тарқатиш ва илмонийликни қабул қилишдан бошқа нарсани қабул қилмайди.

Биринчидан: бу Қуръонда зикр қилинган ҳақиқатдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَنْ تَرْضَىٰ عَنْكَ الْيَهُودُ وَلَا النَّصَارَىٰ حَتَّىٰ تَتَّبِعَ مِلَّتَهُمْ ۚ قُلْ إِنَّ هُدَىٰ اللَّهِ هُوَ الْهُدَىٰ ۗ وَلَئِنَّ آتَيْتُكُمْ بِشَيْءٍ مُّبِينٍ﴾
 ﴿اتَّبَعْتُ أَهْوَاءَهُمْ بَعْدَ الَّذِي جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ ۚ مَا لَكَ مِنَ اللَّهِ مِن وَلِيٍّ وَلَا نَصِيرٍ﴾

«Яҳудий ва насронийлар уларнинг динига кирмагунингизча ҳаргиз сиздан рози бўлишмайди. Айтинг: «Аллоҳнинг йўлигина ҳақиқий йўлдир». Қасамки, агар сизга келган ҳақиқий билимдан кейин уларнинг нафс-ҳаволарига эргашсангиз, Аллоҳ тарафидан сизга на бир дўст ва на бир ёрдамчи бўлмайди» [Бақара 120]

Аллоҳ Таоло бу ерда биз ҳар қанча уларга ён берсак ҳам, улар билан ҳар қанча ҳамкорлик қилсак ҳам – то динимизни тарқатиб, уларнинг динини қабул қилмагунча – биздан ҳеч қачон рози бўлишмаслигини билдирмоқда.

Иккинчидан: бу ҳақиқат қадимий ва замонавий тарихда ҳам ўз исботини топган. Узоққа бормай, Тунис ва Миср моделларига

назар ташлайлик. Бу икки моделда Ғарб билан тўқнашмай, «юмшоқ исломлаштириш» йўлидан боришга уринилган.

Тунисдаги Наҳза ҳаракати – Исломий ҳаракат деб танилган бўлса-да – илмонийлик ва Ғарб талаблари олдида рангини ўзгартириб, мойиллик кўрсатди ва ғоят бўшашиш ва мослашувни намоён қилди. Оқибатда наҳзачилар шундай ҳолга тушишдики, парламентда ароқдан олинадиган солиқ масаласини муҳокама қилиб, пешин намози учун сессияни тўхтатишар, намоздан сўнг эса яна шу муҳокамани давом эттиришар эди. Бу фақат битта мисол, холос. Зеро, бундан кўра каттароқ масала Ислом билан илмонийлик ўртасидаги зиддиятдир. Лекин бу ҳолатдан наҳзачиларнинг куфрга, илмонийликка ва мустамлакачиларнинг талабларига нисбатан нақадар юмшоқлик кўрсатишаётгани очиқ кўриниб турибди. Хўш, кейин нима бўлди?!

Ғарб сабр қилди ва кўчалар тинчиб, оммавий ғазаб кайфияти босилгунча уларга бир неча йил қўйиб берди, кейин уларни бутунлай сиёсий саҳнадан четлатди, ҳатто қамоқ ва таъқиблар билан уларнинг изига тушди. Ниҳоят, уларнинг ҳолига ачинадиган ҳеч ким қолмади.

Мисрда ҳам худди шундай. Ғарб исломчиларнинг ҳокимиятга келишини аввалда қабул қилди. Кейин исломчилар мойил бўлиш, мослашиш ва илмоний тузум билан уйғунлашиш йўлидан юра бошладилар. Муҳаммад Мурсий бошчилигидаги «Ихвон» ҳаракати ҳеч кимни, ҳатто аввалги режимнинг қолдиқларини ҳам ғазаблантирмасликка ҳаракат қилди. Шунинг учун улар юртдаги илмоний бошқарув тузумини, капиталистик давлат тузилишини ва мустамлакачи Ғарб билан бўлган алоқаларни сақлаб қолдилар. Бу билан улар мувозанатни сақладик ва «асонинг ўртасини ушладик» деб ўйладилар. Аммо кўп ўтмай уларнинг ўзига қарши тўнтариш қилинди. Улар майдонларда ўлдирилди, қамоқларга ташланди, аъзолари ва етакчилари кўчаларда, уйларда, ҳатто халқаро даражада таъқиб қилинди. Оқибатда, уларнинг ҳолига ачинадиган ҳеч ким қолмади.

Шундай экан, Ғарб Исломдан воз кечиб, муртад бўлишдан камига ҳеч қачон рози бўлмайди. Эҳтимол у баъзи ён бериш ва мойилликни кўрганда бироз тинчигандек туюлиши мумкин. Лекин бу тинчиш юзига маккорлик ва найранг қопланган. Чунки у ўз мақсадига етиш учун ошкора ва махфий тарзда ҳаракатини албатта давом эттиради.

Унинг мусулмон юртларига оид мақсади икки асосий йўналишда намоён бўлади: биринчиси – Исломнинг қайта ҳокимиятга келмаслигини кафолатлаш; иккинчиси – юртларимизда мустамлакачи сифатида қолиб, бойликларимизни талашни кафолатлаш.

Чунки Ғарбнинг менталитети мустамлакачилик менталитетидир. У ўзининг сарқит ва бузуқ фикри ҳамда ҳазоратини юртларимизда тарғиб қилар экан, аслида шуни кўзлайди. Чунки айнан шу йўл уни биз ва юртларимиз устидан мустамлакачи ва васий сифатида қабул қилишга йўл очади.

Фаразан, қўзғолончилар, бошқа мусулмон ҳукмдорлари каби, давлатнинг илмоний табиатига рози бўлдилар ҳамда демократия ва капитализмни қабул қилдилар дейлик. Бироқ Ғарб шу билангина рози бўлиб қолмайди, балки давлатимизнинг шундай шаклда қурилишини шарт қиладики, унга мустамлака сифатида тобе бўлиб қолсин, у эса бойликларимизни талашда, қарорларимизни чиқаришда давом этаверсин, биз Ғарб учун хизматчи ва режаларининг воситасига айланайлик. Унинг нияти шу.

Мана, Туркиядаги Эрдоган моделини олинг. Эрдоган ўзи ашаддий илмоний бўлиб, илмонийликни қадрлайди ва уни қаттиқ ҳимоя қилади. У Туркияни илмоний республика сифатида сақлаб қолиб, давлат институтларини айнан шу асосда қурди. Шунга қарамай, Америка ундан рози бўлмади. Балки Эрдоганни минтақадаги ўз лойиҳаларининг асосий ижрочисига айлантирди. Энди у Американинг режаларига хизмат қияпти, уларни тарғиб қияпти ва мусулмон аскарларни Америка истаган жойга юборяпти. Америка уларни НАТО ичида ўз итоати остида жанг қилишга мослаштиряпти. Эрдоган Халифаликнинг собиқ пойтахтида жойлашган Инжирликдаги Америка ҳарбий базасига ҳомийлик қилмоқда, шу билан бирга, исломчиларни, ҳаракат ва фракцияларни Америкага бўйсундиришда ва уларни Америка истаган ишларига тиз чўктиришда давом этмоқда. Туркиядаги аҳлимизни мустамлакачилик, капитализм ва илмонийлик оловида куйишларига қўйиб бермоқда, турмуш машаққатларини енгиб ўтиш учун оғир шароитларда яшашга мажбур қилмоқда. Ҳатто бир оилада эркак, аёл, ўғил ва қиз ҳаммаси биргаликда, узоқ соатлар давомида меҳнат қилмасалар, кундалик ҳаёт харажатларини кўтара олмайдиган даражага тушиб қолишган.

Миср, Иордания, Ироқ, Жазоир, Тунис, Марокаш, Ливия, Индонезия, Малайзия, Марказий Осиё ўлкалари каби қолган

мусулмон юртларида ҳам худди шу аҳвол, ундан бир оз енгил ёки оғир бўлиши мумкин. Чунки бу юртларнинг барчасини илмоний бошқарув тузумига айлантиришди, аҳолисини қашшоқликка маҳкум қилишди ҳамда уларни мустамлакачи ва унинг манфаатлари учун эркин майдонга айлантириб қўйишди.

Хулоса қилиб айтганда, Ғарб фақат бизни мустамлакада ушлаб туриш, юртларимизни Исломга қарши курашадиган, Умматнинг ўз ҳазорати ва ўзлигидан воз кечадиган илмоний давлатларга айлантириш билангина рози бўлади.

Шундай экан, шунга тўлиқ ишонишимиз лозимки, юз йилдан ортиқ вақтдан бери малай ҳукмдорлар қўлида азоб чеккан Уммат аслида мустамлакачи Ғарбнинг ўзи томонидан куйдирилмоқда. Чунки бу ҳукмдорлар фақат бизни гарданимиздан ушлаб туриш учун Ғарб томонидан восита қилиб тайинланган унинг қўл остидаги асбобларидир. Жиноятчи ҳукмдорлар – диктатор бўладими, демократ бўладими – уларнинг барчаси мустамлакачиликнинг маҳсули ва унинг садоқатли хизматкорларидир.

Мусулмонлар ва Уммат учун нажот йўли бўлган ягона альтернатива пок, холис Исломдир. Исломдан бошқа ҳеч нарса нажот бермайди.

Зеро, мусулмонларни азиз қила оладиган ҳам, уларнинг шаъни, юрти ва мустақиллигини сақлайдиган ҳам фақат Исломдир. Дахлсиз нарсаларни муҳофаза қилувчи ҳам, озчиликларни ҳимоя қилувчи ҳам, жамиятда адолат ва хотиржамликни қарор топтирадиган ҳам айнан Исломдир.

Жоҳилият даврида араблар пароканда ва ўзаро душман қабилалар эди, Рум, Форс ва бошқаларга тобе ҳолда яшар эдилар. Кейин эса улар Форс ва Румни бўйсундирган, дунёнинг ҳукмдорларига айланган бир Умматга айланди. Улардан бири Рум подшоҳи Никифорни «Рум кўппаги», деб атаган! Яна бири булутга қараб «қайси томонга ёғсанг ҳам, хирожинг мусулмонлар хазинасига қайтиб келади» деган. Арабларни ана шундай ҳукмдорларга айлантирган айнан Ислом бўлди.

Жоҳилият ва саҳро аҳлини азиз қилган Ислом бугун ҳам бизга иззат бағишлашга, бизни яна етакчилик, шараф ва қадр-қиммат мақомларига қайтаришга қодир Исломдир.

Фақат Ислом – мусулмон бўлсин, ғайримусулмон бўлсин – барча фуқаролар учун адолатни таъминлашга кафилдир. Чунки Ислом аҳкомлари инсонларнинг шарафи, мол-мулки, номуси ва

ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва бу борада на араб билан ажам, на кучли билан заиф, на оқ билан қора ўртасини ажратмайди.

Ислом ғайримусулмон фуқароларга ҳам мусулмонлар каби тўлиқ ҳуқуқларни берган. Росулulloҳ ﷺ зиммийга озор етказганни мусулмонга озор етказган билан баробар деб билганлар. У зот турли дин эгаларини, уларнинг ибодат ва ақидаларини ўз ҳолича қолдирганлар, зеро динда мажбурлаш йўқ. Ислом уларни давлат ва қонун олдида мусулмонлар билан тенг қилган. Улар ҳам мусулмонлар каби ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Бу шунчаки назария эмас, балки Ислом давлати тарихи давомида зиммийлар ҳақиқатда бошдан кечирган ҳаётий воқеликдир. Бундай муносабат сабабли улар ўз ихтиёрлари билан мусулмонлар сафида ўз диндошларига қарши туришни ўзларига бурч деб билишган. Шу боис, салибчилар исломий ерларга ҳужум қилганида, зиммийлар уларга қарши мусулмонлар билан бирга жанг қилишди. Инсофли кофирлар гувоҳлик берганки, улар Ислом давлати соясида кечирган инсонпарвар ва мукаррам ҳаётни бугунги илмоний кўфр тузумлар ҳукмрон бўлган замонда умуман кўришмаган.

Ислом ва унинг тузуми моҳияти мана шу. Ушбу адолат, раҳм-шафқат ва нур тузуми барча бандаларни торлик, қийинчилик ва азобдан кенглик, хотиржамлик ва адолатга олиб чиқиш учун келган.

Айнан Ислом мустамлакачиликнинг илдизига болта уриб, уни юртларимиздан бутунлай қуришиб ташлашга қодир. Чунки фақатгина Ислом икки миллиардлик буюк Умматни ягона давлат остида бирлаштира олади. Уммат Исломдан бошқасига бўйсунмайди ва уни бирлаштиришга ҳам Исломдан ўзга ҳеч қандай тузум қодир эмас. Агар Уммат бирлашса, у миллиардлаб сондаги халқларга айланади; ўшанда бошқа барча давлатларни енгадиган қудратли армияларга, барча фуқароларини бой қилишга етарли бойликларга ва дунёни бошқара оладиган салоҳиятли инсонларга эга бўлади. Ғарб айнан мана шундан қўрқяпти ва уни рўёбга чиқишига йўл қўймаслик учун бор кучи билан курашяпти.

Биз Ислом ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳукмронлик соҳасидаги ўзига хос, бетакрор тузум – унинг шакли, тузилиши ва асосий қоидалари ҳақида гапиряпмиз.

Демак, сўзимиз бошқарув ёки давлатнинг ташқи кўринишини исломлаштириб қўйиш ҳақида кетмаяпти, билъакс, Ислом – эътиқоддан тортиб ташқи алоқалар, бошқарув ва сиёсатгача инсон

жаётини тартибга солувчи мукаммал мабда, эътиқод ва тузум экани ҳақида сўз юритдик.

Ислоннинг ҳукмронликка оид ўзига хос, бетакрор тузуми бор. Бу тузум демократик, капиталистик, республика, монархия, миллий, ватанпарварлик, федерация ва шу каби ҳозирги ёки олдинги бошқарув шакллариининг ҳеч бирига ўхшамайди ва улар билан уйғунлашмайди.

Бу яхлитликка асосланган тузум бўлиб, унинг асосида ўзгармас ва мустаҳкам қоидалар ётади. Бу қоидалар инсоннинг ҳавоий-хоҳиши ва ақлига бўйсунмайдиган раббоний қоидалардир.

Ислондаги бошқарув тузуми тўртта асосий қоидага таянади. У фақат шу қоидалар билангина мавжуд бўлиши мумкин. Агар улардан бири йўқолса, Ислоний бошқарув, яъни Ислон ҳоқимияти ҳам йўқолади. Ушбу қоидалар қўйидагилардан иборат: суверенитет (қонун ишлаб чиқиш... ҳуқуқи) халқники эмас, шариатники, салтанат умматники, битта халифани тайинлаш муслмонлар учун фарз, шаръий аҳкомларни табанний қилиш ва татбиқ этиш ҳуқуқи фақат халифага тегишли. Халифа дастур ва барча қонунларни тасдиқлайди. Бу қоидалар, табиийки, кўплаб шаръий далилларни обдан ўрганиб текшириш орқали олинган. Албатта, ҳозир буларни кенг шарҳлашнинг ўрни эмас.

Қачон мазкур тўртта асосий қоида тўлиқ амалга ошса, демак, Ислонда ҳукм юритиш йўлидаги илк ва энг катта тўсиқни ортда қолдирган бўламиз. Шундан кейин давлат тузумига оид қолган барча устунлар ва тафсилотларга ўтамиз, жумладан, давлатнинг маъмурий ва бошқарув органларидан тортиб иқтисодий ва ижтимоий низомлар, таълим ва ахборот сиёсати, жамоатчилик билан алоқалар, фуқаро ишларини бошқариш, Уммат мажлиси ва шўро мажлисигача. Бу масалаларнинг барчаси Ислонда мавжуд ва уларнинг барчаси татбиқ учун тайёр турибди, атиги сиёсий ирода керак, холос.

Шунинг учун Ислон асосида ҳукм юритиш биз муслмонлар учун ихтиёрий танлов эмас, балки бутун олам Роббиси томонидан буюрилган фарздир. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло шундай деган:

﴿وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا مُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَىٰ اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ ۗ وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا مُّبِينًا﴾

«Аллоҳ ва Росули бир ишни ҳукм қилган-буюрган вақтида бирон мўмин ва мўмина учун (Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб) ўз ишларидан

ихтиёр қилиш жоиз эмас. Ким Аллоҳ ва Росулига осий бўлса, бас у очиқ йўлдан озиш билан йўлдан озибди» [Аҳзоб 36]

Шунинг учун бизнинг наздимизда Ислом билан ҳукм юритиш масаласи шариат нуқтаи назаридан ўзил-кесил ҳал қилинган. Бунга Аллоҳ Таолонинг қуйидаги оятлари далил:

﴿إِنِ احْكُمُوا إِلَٰهَ اللَّهِ أَمَرَ إِلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ ذَلِكَ الدِّينُ الْقَيِّمُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Ҳукм фақат Аллоҳникидир, У Зот сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюрган, энг тўғри дин мана шудир, лекин одамларнинг кўплари (бун) билмайдилар» [Юсуф 40]

﴿وَأَنِ احْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَاحْذَرْهُمْ أَنْ يَفْتِنُوكَ عَنْ بَعْضِ مَا أَنزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ﴾

«Улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг ва Аллоҳ сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг!» [Моида 49]

﴿وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ﴾

«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм юритмас экан, бас, улар кофирлардир» [Моида 44]

Бундан ташқари, яна кўплаб оятлар борки, улар бизга Аллоҳ нозил қилган дин, яъни Ислом билан ҳукм юритиш вазифасини юклайди.

Росулulloҳ ﷺ бизга кўрсатиб берган Исломдаги бошқарув шакли Халифаликдир. Халифалик дунёдаги барча мусулмонлар учун умумий раҳбарлик бўлиб, Ислом шариати аҳкомларини татбиқ этиш ва Ислом даъватини оламга етказиш учун таъсис этилган. Бу тузум имомат деб ҳам юритилади ва улар битта маънони англатади.

Халифалик, яъни исломий бошқарув тузуми давлатда Ислом аҳкомларидан бошқа ҳеч қандай қонун бўлмаслигини, халқаро ва ташқи муносабатлардан тортиб, фуқароларни бошқариш ва давлатга оид ҳар қандай масалалар барчаси Ислом аҳкомларига мувофиқ бўлишини тақозо этади.

Биринчидан, Аллоҳнинг розилигини таъминлайдиган ягона йўл мана шу, зеро, биз бу дунё ҳаётида фақат Унинг розилигига эришиш учун ҳаракат қиламиз. Иккинчидан, мана шу йўл бизга нусрат, ғолиблик ва азизликни таъминлайди.

Хулоса сифатида шуни таъкидламоқчиманки, Ислом билан ҳукм юритиш масаласи ҳаёт-мамот масаласи сифатида қаралиши лозим

бўлган тақдирий масаладир. Бу масала ҳеч қандай мурсо ёки келишувга асосланмаслиги керак. Ғарбнинг Ислонни қабул қилиш ва Ислон билан ҳукм юритиш оқибатидан қўрқитишларига қарамаслигимиз лозим. Аллоҳ Таоло бундай айтади:

﴿إِنَّمَا ذَٰلِكُمُ الشَّيْطَانُ يُخَوِّفُ أَوْلِيَآءَهُ فَلَا تَخَافُوهُمْ وَخَافُوا مِنِّي إِن كُنتُمْ مُّؤْمِنِينَ﴾

«Албатта ўша (сизларни васвасага солмоқчи бўлган) шайтоннинг ўзидир, у сизларни ўзининг дўстларидан (кофирлардан) қўрқитмоқчи бўлади, бас, агар мўмин бўлсангизлар, улардан қўрқмангиз, Мендан қўрқингиз!»

[Оли Имрон 175]

Шунингдек, шайтоннинг малай ҳукмдорлардан иборат золим дўстларига сўянмаслигимиз керак. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَا تَرْكَبُوا إِلَى الَّذِينَ ظَلَمُوا فَتَمَسَّكُمُ النَّارُ وَمَا لَكُم مِّن دُونِ اللَّهِ مِن أَوْلِيَآءَ ثُمَّ لَا تُنصَرُونَ﴾

«Зулм йўлини тутган кимсаларга берилиб кетманглар (эргашманглар). Акс ҳолда сизларга дўзах ўти етар. Сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст йўқдир. Кейин (яъни золимларга эргашсангиз) сизларга ёрдам берилмас» [Ҳуд 113]

Аллоҳ Таоло кофирлар хоҳишларига мойиллик қилишдан қайтариб, бундай деган:

﴿وَدُّوا لَوْ تُدْهِنُ فَيُدْهِنُونَ﴾

«Улар сизнинг (ўзларига) кўнгилчанлик-мурсо қилишингизни усташади, шунда улар ҳам (сизга) кўнгилчанлик қилишади»

[Қалам 9]

Қачон биз Аллоҳнинг Ислон тўзуми бўлмиш Халифалик билан ҳукм юритишга берган буйруғини қабул қилсак, ана шунда Аллоҳ бизга нусрат беради. Зеро, нусрат фақат Унинг қўлидадир. Ана шунда Умнат Халифалик атрофида, худди Авс ва Хазраж Росулulloҳ ﷺ атрофида жамланганидек жамланади. Ана шунда биз яна азиз ва қудратли Умнатга айланамиз. Қайси ерга қадам қўйсак, ўша ерда Аллоҳ бизга ғалаба ва устунликни насиб қилади, бунга Унинг ўшбу каломи далилдир:

﴿إِنَّا لَنَنْصُرُ رُسُلَنَا وَالَّذِينَ ءَامَنُوا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ يَقُومُ ٱلْأَشْهُدُ﴾

«Албатта Биз пайғамбарларимизга ва иймон келтирган зотларга ҳаёти дунёда ҳам, гувоҳлар (ҳозир бўлиб) турадиган кунда ҳам ёрдам берурмиз»

[Ғофир 51] □

ИСЛОМНИ ДАРАЖАМА-ДАРАЖА ТАТБИҚ ЭТИШ

Форис Мансур – Ироқ

Исломни даражама-даража татбиқ этиш фикри жуда хавфли фикрлардан ҳисобланади, чунки у Ислом учун фаолият қилаётганларнинг ғайратини синдиради ва уларни шариатнинг ўзгармас асосларидан узоқлаштиради. Исломни даражама-даража татбиқ этишга бўлган даъват – бугунги кунда мусулмонлар юртларидаги мавжуд давлатлар исломий давлатлардир, уларни ислоҳ қилиш керак, холос деган маънони англатади. Лекин воқеликда бу давлатларда куфр тузуми татбиқ этиляпти, шу боис уларни илдизи билан қўпориб ташлаш лозим, у ерларда Исломни даражама-даража татбиқ этишга даъват қилмаслик керак, чунки бу куфр тузумининг умрини узайтиради. Сир эмаски, Исломни даражама-даража татбиқ этиш даъватининг пайдо бўлишига сабаб, кофир ғарб ва унинг мусулмонлар елкасига миндириб қўйган малай ҳукмдорларининг ҳукмронлиги даврида даъватчилар Исломнинг барча аҳкомларини тўлиқ татбиқ этиш қийин эканини ҳис қилишаётганидир.

Бу мавзунинг аҳамиятини инобатга олган ҳолда, кўпчилик бу ҳақда гапириб, мақолалар ёзган. Лекин мен ўзим муҳим деб ҳисоблаган айрим нуқталарни келтирмоқчиман:

Биринчи: التَّدرُّجُ термини шариат аҳкомларини босқичма-босқич татбиқ қилишни англатади, яъни барчасига бир вақтнинг ўзида эмас, вақт ўтиши билан биттама-битта амал қилиш демакдир. Шунинг учун унга босқичма-босқич атамаси ҳам қўлланади. Худди, мусулмон ўзича шаръий ҳукмга яқин деб билган бир ношаръий ҳукмни татбиқ этиб, сўнг талаб қилинган шаръий ҳукмга даражама-даража етиб бориши каби. Масалан, муслима аёл тиззасидан бир оз тушиб турадиган кўйлак кийиб юради ва талаб қилинган шаръий либос кийиш ҳукмига кейинроқ босқичма-босқич амал қилади. Шунинг эътибордан қочирмаслик керакки, татбиқ этиш босқичларининг аниқ сони белгиланган эмас, ҳар бир ҳукмни амалга ошириш битта ёки иккита босқичдан, ёки ундан кўпроқдан иборат бўлиши мумкин. Даражама-даража амалга ошириш шарт-шароитларга ва мавжуд вазиятларга боғлиқ.

Иккинчи: Даражама-даража татбиқ этишга даъват қилувчилар келтирган далиллар истинботнинг тўғри тариқатига асосланмаган. Чунки улар шаръий далилларни ўрганиб чиққандан кейин даражама-даражаликнинг жоизлигини истинбот қилишмади,

балки уни зарур деб билишди ва шундан кейингина далилларни излай бошлашди. Бу, уларнинг баъзи ояти карималарни далил қилиб келтиришларидан аён бўлади:

а) Судхўрлик билан боғлиқ оятлар: Улар судхўрликка оид оятларнинг мужмали (тафсилотига берилмаган маъноси)дан келиб чиқиб, бундай дейишади: «Аллоҳ Таоло судхўрликни бирданига ҳаром қилмаган, балки унинг ҳаром қилиниши Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَمَا آتَيْتُم مِّن رَّبًّا لَّيْرُبُوا فِي أَمْوَالِ النَّاسِ فَلَا يَرْبُوا عِنْدَ اللَّهِ وَمَا آتَيْتُم مِّن زَكَاةٍ تُرِيدُونَ جَهَنَّمَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُضْعِفُونَ﴾

«Сизлар одамларнинг моллари ичида зиёда бўлиб (қайтиши) учун берган судхўрлик бўлган пулларингиз Аллоҳ наздида зиёда (савоб) олишингизга сабаб бўлмайди, Аллоҳнинг юзини-розилигини истаб ато этган закотдан иборат бўлган нарсаларингиз, бас ана ўша (закот бергувчи кишилар ўз ажру-савобларини) бир неча баробар қилиб олгувчилардир» [Рум 39] деган оятига биноан аввал мубоҳ эди, сўнг Аллоҳ Таоло судхўрликнинг озини эмас, кўпини ҳаром қилиб бундай деди:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَأْكُلُوا الرِّبَا أَضْعَافًا مُّضَاعَفَةً وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾

«Эй мўминлар, (берган қарзларингизни) бир неча баробар қилиб олиш билан судхўрлик қилмангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! (Шунда) шояд нажот топгайсиз» [Оли Имрон 130]

Охири:

﴿وَاحْلَ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا﴾

«Аллоҳ савдо-сотиқни ҳалол қилди, судхўрликни ҳаром қилди» [Бақара 275]

деган оят нозил бўлгач, судхўрлик мутлақ ҳаром бўлди».

Биз бунга раддия сифатида бундай деймиз: Судхўрлик Аллоҳ Таолонинг

﴿وَاحْلَ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا﴾

(Аллоҳ савдо-сотиқни ҳалол қилди, судхўрликни ҳаром қилди), ояти билан бошдаёқ ҳаром қилинган. Чунки, муфассиларнинг таъкидлашича, Бақара сураси – судхўрлик ҳаром қилинган сура – Мадинада нозил бўлган биринчи сурадир. Демак, судхўрлик босқичма-босқич ҳаром қилинганига оид ҳеч қандай далил мавжуд эмас. Бу мавзуда келган оятларнинг кўплиги фақат муайян

воқеаларга боғлиқдир ва уларда даражама-даража татбиқ этишга ишора қилувчи ҳеч бир далил йўқ. Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَمَا آتَيْتُمْ مِّن رَّبًّا لَّيْرُبُوا فِي أَمْوَالِ النَّاسِ فَلَا يَرْبُوا عِنْدَ اللَّهِ وَمَا آتَيْتُمْ مِّن زَكَاةٍ تُرِيدُونَ جَهَنَّمَ فَالْوَلَايَةُ هُمُ الْمُضَعِفُونَ﴾

«Сизлар одамларнинг моллари ичида зиёда бўлиб (қайтиши) учун берган судхўрлик бўлган пулларингиз Аллоҳ наздида зиёда (савоб) олишингизга сабаб бўлмайди, Аллоҳнинг юзини-розилигини истаб ато этган закотдан иборат бўлган нарсаларингиз, бас ана ўша (закот бергувчи кишилар ўз ажру-савобларини) бир неча баробар қилиб олгувчилардир» [Рум 39]

оятининг судхўрликка алоқаси йўқ. Унинг маъноси агар кимдир бировга ҳадя ёки совға бериб, эвазига кўпроқ нарса олишни ёки ундан қандайдир манфаат кўришни истаса, у ҳолда бу иши учун Аллоҳ ҳузурида ҳеч қандай савоб берилмайди, деган маънодадир. Бунини Қуртубий ва Ибн Касир иккиси Ибн Аббос, Мужоҳид, Заҳҳок, Қатода, Икрийма, Муҳаммад ибн Каъб ва Шаъбийдан ривоят қилиб келтирганлар. Аллоҳ Таолонинг

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَ الْبَرِّ أَصْعَفًا مُّضَعَفَةً وَآتُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾

«Эй мўминлар, (берган қарзларингизни) бир неча баробар қилиб олиш билан судхўрлик қилмангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! (Шунда) шояд нажот топгайсиз» [Оли Имрон 130]

деган ояти ҳам улар айтган даражама-даражаликка далолат қилмайди. Бу оят жоҳилият даврида одат тусига кирган бир неча баробар қилиб судхўрлик олишдан қайтариш учун нозил қилинган, унда судхўрлик фақат бир неча баробар қилиб олгандагина ҳаром деган чекловга ҳеч қандай ишора йўқ.

б) **Ароққа оид оятлар:** Даражама-даражалик тарафдорлари ушбу оятларнинг мужмалидан келиб чиқиб, бундай дейишади: Аввалда ароқ мубоҳ бўлган, чунки бунга Аллоҳ Таолонинг:

﴿يَسْأَلُونَكَ عَنِ الْخَمْرِ وَالْمَيْسِرِ قُلْ فِيهِمَا إِثْمٌ كَبِيرٌ وَمَنْ تَبَغَّى لِلنَّاسِ وَإِثْمُهُمَا أَكْبَرُ مِنْ نَّفْسِهِمَا﴾

«Сиздан ароқ ва қимор ҳақида сўрашади. Айтинг: буларда катта гуноҳ ва одамлар учун фойдалар бор. Буларнинг гуноҳи фойдасидан каттароқдир» [Бақара 219]

деган ояти далил. Кейин бу мубоҳлик Аллоҳ Таолонинг ушбу каломи билан чекланган:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَقْرُبُوا الصَّلَاةَ وَأَنْتُمْ سُكَرَىٰ حَتَّىٰ تَعْلَمُوا مَا تَقُولُونَ﴾

«Эй мўминлар, токи гапираётган гапларингизни билишингиз учун маст ҳолингизда намозга яқин келманг» [Нисо 43]

Бу чекловдан кейин Аллоҳ Таоло:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّمَا الْحُمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَمُ رِجْسٌ مِّنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ

فَاجْتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٦٠﴾ إِنَّمَا يُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُوقِعَ بَيْنَكُمْ الْعَدَاةَ وَالْبَغْضَاءَ فِي

الْحُمْرِ وَالْمَيْسِرِ وَيُضْذَكِّمَ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ وَعَنِ الصَّلَاةِ فَهَلْ أَنْتُمْ مُنْتَهُونَ﴾

«Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиш), қимор (ўйнаш), бутлар (яъни уларга сиғиниш) ва чўплар (яъни чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узоқ бўлинг! Ичкилик, қимор сабабли шайтон ўрталарингизга нафрат-адоват солишни ҳамда сизларни Аллоҳни зикр қилишдан ва намоздан тўсишни истайди, энди тўхтарсизлар!»

[Моида 90-91]

деб ароқдан бутунлай қайтарган».

Биз уларга бундай деймиз: Бу оятлар ароқнинг даражама-даража ҳаром қилинганини англатмайди. Чунки ароқ ҳаром бўлмади, балки нарсалардаги асл мубоҳлик деган ҳолатда турди. Ва ниҳоят, Аллоҳ Таолонинг ушбу каломи нозил бўлди:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّمَا الْحُمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَمُ رِجْسٌ مِّنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ

فَاجْتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٦٠﴾ إِنَّمَا يُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُوقِعَ بَيْنَكُمْ الْعَدَاةَ وَالْبَغْضَاءَ فِي

الْحُمْرِ وَالْمَيْسِرِ وَيُضْذَكِّمَ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ وَعَنِ الصَّلَاةِ فَهَلْ أَنْتُمْ مُنْتَهُونَ﴾

«Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиш), қимор (ўйнаш), бутлар (яъни уларга сиғиниш) ва чўплар (яъни чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узоқ бўлинг! Ичкилик, қимор сабабли шайтон ўрталарингизга нафрат-адоват солишни ҳамда сизларни Аллоҳни зикр қилишдан ва намоздан тўсишни истайди, энди тўхтарсизлар!»

[Моида 90-91]

Кимда-ким Аллоҳ Таолонинг:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَقْرُبُوا الصَّلَاةَ وَأَنْتُمْ سُكَرَىٰ حَتَّىٰ تَعْلَمُوا مَا تَقُولُونَ﴾

деган каломига диққат қилса, бу оят муслмонларни ароқ ичган ҳолда намоз ўқишдан қайтармаганини, балки киши ҳушини тўплаб, айтган сўзини тушуниб етмагунча, маст ҳолатда намозга яқинлашишдан қайтарганини кўради. Агар ушбу оят нозил бўлгандан кейин муслмон ақлини йўқотмаган даражада ароқ ичгани боис баданидан ароқ ҳиди келиб турса ва шу ҳолда намоз ўқиган бўлса, унга ҳеч қандай маломат йўқ эди. Шу билан бирга, ҳеч ким ароқ ҳаром қилинганидан кейин уни ҳалол деб билган эмас – на Росулulloҳ ﷺ замонида, на саҳобалар даврида, на тобеин ва тобеинларнинг изидан борганлар орасида. Ва бу ҳукм қиёматга қадар шундайлигича қолади.

Учинчи: Росулulloҳ ﷺ янги бир шаръий ҳукм нозил бўлса дарҳол уни етказар ва унга амал қилишни амр этиб, нозил бўлган ҳукмни татбиқ этишда даражама-даражаликка йўл қўймас эдилар. Ҳаром қилинган нарсага рухсат бермас, мансух бўлган аҳкомларга амал қилмасдилар. Росулulloҳ ﷺ баъзи аҳкомларнинг татбиқини кечиктирганлари ёки саҳобаларига баъзи аҳкомларга амал қилишни буюриб, қолганларини кечиктиришга рухсат берганлари тўғрисида ҳеч қандай далил ёки тасдиқ мавжуд эмас. Шунинг учун бу ҳолатдан у зот даражама-даражаликка амал қилган деган хулосани чиқариш мутлақо нотўғри бўлади. Аксинча, Росулulloҳ ﷺ ҳаётларига назар ташласак, у зот Қурайш раҳбарларининг Аллоҳ аҳкомларидан бир оз қисмидан ён бериш ҳамда ҳокимиятни навбат билан бошқариш ҳақидаги таклифини қатъиян рад этганларини гувоҳи бўламиз. Шунингдек, Росулulloҳ ﷺ даъватга ёрдам ўта зарур бўлган пайтда, Бану Омир ибн Саъсаа қабиласининг: «Сиздан кейин раҳбарлик бизнинг қавмимизда бўлсин», деган шартини рад этдилар ва

﴿الْأَمْرُ إِلَى اللَّهِ يُضَعُّ حَيْثُ يَشَاءُ﴾

«Бу иш Аллоҳга тегишли, уни Ўзи истаган ерига қўяди», деб жавоб бердилар. Шунингдек, Росулulloҳ ﷺнинг Бану Шайбон қабиласи билан бўлган учрашувларига назар солайлик: улар келиб, «эй Мухаммад, бизда кўплаб болалар, жуда кўп мол-дунё ва тоғдек жасорат бор, биз сизни арабларга қарши қўллаб-қувватлаймиз, аммо Форс ва Румга қарши кураша олмаймиз», дейишди. Шунда Росулulloҳ ﷺ

«وَإِنَّ دِينَ اللَّهِ تَعَالَى لَنْ يَنْصُرَهُ إِلَّا مَنْ أَحَاطَهُ مِنْ جَمِيعِ جَوَانِبِهِ»

«Албатта, Аллоҳ Таолонинг динига фақат уни ҳар томонлама мукамал қабул қилганларгина нусрат бера олади», дедилар. Росулulloҳ ﷺнинг Сақиф қабиласига нисбатан тутган мавқелари ҳам шунга мисолдир. Ибн Ҳишом Сийратида ривоят қилади: Сақиф элчилари Росулulloҳ ﷺ ҳузурига келиб, музокара қилишди ва «биз учун Лот бутини уч йилгача бўзмай қўйиб беринг», деб сўрашди. Аммо Росулulloҳ ﷺ бундай талабни қатъиян рад этдилар. Улар бир йиллик муҳлат сўраб тинимсиз илтимос қилишди, аммо бу илтимосларини ҳам рад этдилар. Шунда улар «ҳеч бўлмаса шу келган вақтимиздан бошлаб бизга бир ой муддат беринг», дейишди. Аммо Росулulloҳ ﷺ уларнинг ҳеч қандай муддат талабини қабул қилмадилар. У зотдан сўнг келган халифалар ҳам Ислом аҳкомларини фатҳ қилинган ўлкаларда айнан шу тарзда татбиқ қилдилар. Халифа лар Ислом аҳкомларини кечиктириш ёки даражама-даража эмас, балки бирданига, тўлиқ татбиқ қилганлар.

Тўртинчи: Мавжуд воқеликка назар ташласак, Исломни даражама-даража татбиқ этиш фикридан фақат ёмонлик ва зарар келганини кўрамиз. Бунга мисоллар жуда кўп. Масалан, Мисрда «Ихвонул Муслимин» ҳокимиятга келди, аммо натижа нима бўлди?! Улар динни барпо эта олмадилар. Суданда давлат парчаланди, халқ эса қашшоқлик ва етишмовчилик азобида яшамоқда. Кўпчилик томонидан ибрат олинадиган бошқарув намунаси деб ҳисобланадиган Туркиянинг ҳақиқати эса шундан иборатки, у илмонийликнинг ўчоғи ва Ғарбга тобе мамлакатдир. Иорданияда, уларнинг энг катта ғами сайлов қонунини ўзгартириш бўлиб, иложи борица кўпроқ одамни парламентга киритишга уринишяпти. Тунисда ҳолат шунга етиб келдики, Қуръони Каримдаги далолати қатъий бўлган ҳукмларга зид қонунлар қабул қилинмоқда, масалан, эркак ва аёл ўртасида меросни тенг тақсимлаш ва кўп хотинлиликни жиноят деб баҳолаш каби. Ҳозирги кунда Сурияда Ҳайъати Таҳрируш Шом гуруҳи ўз йўлининг охирига етиб келди, яъни тузумни афдариш мақсадига. Улар ҳозир ҳокимият тепасида турибди, лекин ўзларини бошқа давлатлар бағрига ташлаб, ўз мустақилликларини гаровга қўйган ҳолда, Аллоҳнинг ҳукмини жорий этишга эътибор ҳам қаратишмади. Барча мусулмон юртлари ғазодаги муҳожидларни ёлғиз қолдирди,

ҳатто баъзилари – ўзларини «ИсломиЙ давлат» деб аташларига қарамай – уларга қарши душман билан тил бириктирди.

Хуллас калом, биз шунИ ҳар доим айтиб келганмиз ва ҳануз айтмоқдамиз: Ислом Уммати, улуғ ва шарафли, беҳисоб яхшиликларга бой Умматдир. У Исломни ҳаётда татбиқ этилишни интиқлик билан кутмоқда. Ҳақиқий ўзгариш эса, кенг қамровли ва мукаммал туб ўзгариш орқалигина амалга ошади. Бундай ўзгариш фақат Халифалик тузуми соясида рўёбга чиқади. Халифалик Исломни ҳаёт низоми ва дастури сифатида тўлиқ татбиқ этади. Ҳизб ут-Таҳрир бу йўлда Уммат билан бир сафда, кунларини тунларга улаб фаолият қилмоқда. Бу йўлда ўз тайёргарлигини кўриб қўйди, жумладан, давлатнинг мукаммал манҳажИ бўлган Халифалик давлатининг конституцияси лойиҳасИ. Ушбу лойиҳа Аллоҳнинг Китоби ва Росули ﷺнинг суннатидан далилнинг қуввати билан истинбот қилинган.

Биз Аллоҳ Таолодан шу буюк Халифаликни барпо этиш, унда яшаш ва унинг аскарлари сифатида хизмат қилиш шарафига муяссар этишини сўраб қоламиз.

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْاَرْضِ كَمَا اَسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِى ارْتَضَى لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُم مِّن بَعْدِ خَوْفِهِمْ اَمْنًا يَعْبُدُونَنِى لَا يُشْرِكُونَ بِى شَيْئًا وَمَن كَفَرَ بَعْدَ ذٰلِكَ فَاُولٰٓئِكَ هُمُ الْفٰسِقُونَ﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган (иймон-эътиқодли) зотларни халифа қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислом) динини ғолиб қилишни ҳамда уларнинг (аҳволини) хавфу-хатарларидан сўнг, тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар фосиқ кимсалардир»

[Нур 55] □

АБУ УБАЙДА ОМИР ИБН АБДУЛЛОҲ ИБН ЖАРРОҲ – АМИНУЛ УММА

Абдулмаҳмуд Омирий – Яман

Абу Убайда Омир ибн Абдуллоҳ ибн Жарроҳ Фихрий Қурайший (ҳижратдан 40 йил олдин, милодий 584 йилда туғилган, ҳижрий 18 йил, милодий 639 йилда вафот этган) саҳобий ва мусулмон лашкарбоши, жаннатийлиги башорат қилинган ўн кишидан бири ҳамда Исломни энг аввал қабул қилган собиқинлардан эди. Расулуллоҳ ﷺ унга Аминул Умма (Умматнинг ишончли кишиси) деб тахаллус қўйганлар. Дарҳақиқат, бу ҳақда

«إِنَّ لِكُلِّ أُمَّةٍ أَمِينًا، وَإِنْ أَمِينَنَا أَتَيْتَهَا الْأُمَّةُ: أَبُو عُبَيْدَةَ بْنُ الْجَرَّاحِ»

«Ҳар бир Умматнинг амини бор. Эй Умматим, бизнинг аминимиз Абу Убайда ибн Жарроҳдир», деганлар.

Исломдаги ўрни:

Абу Убайда Ислом тарихидаги энг улуғ зотлардан бири ва мусулмонлар орасида улуғ эҳтиром ва юксак мақомга эга саҳобий ҳисобланади. Шомда исломий қўшин лашкарбошиларида бири бўлиб, Шомнинг фатҳ этилишида беқиёс ўрин тутган. Ҳукм чиқаришда доно-ҳаким, Шомда мусулмонлар орасида ғоят ҳурматли ва суюкли зот эди. Зоҳид, тақводор, эзгу ишларга мойил, инсонларга қўлидан келганича ёрдам беришни севган зот эди. Абу Убайда Шомда вабо касаллигидан вафот этган ва унинг вафоти мусулмонлар учун чуқур қайғу бўлган. У Ислом тарихида ҳикмат, зуҳд (дунёдан юз ўгириш) ва тақводорлик рамзи сифатида танилган.

Абу Убайданинг Исломни қабул қилиши:

Абу Убайда исломий даъватнинг дастлабки кунларидаёқ Исломни қабул қилди. Аввал Ҳабашистонга, кейин Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилди. Расулуллоҳ ﷺ билан бирга Бадр жангида ва бошқа барча жангларда

қатнашди. Уҳуд кунда мушрикларнинг қутилмаган ҳужуми пайтида ҳам сабр қилиб, собитқадам турган саҳобалардан бири бўлди.

Исломни энг аввал қабул қилган саҳобалардан бири бўлган Абу Убайда رضي الله عنه Абу Бакр Сиддиқ رضي الله عنه қўлида мусулмон бўлган. Абу Бакр ақл-заковати етилган, доно инсонларни танлаб, уларни Исломга даъват қилиб юрар эди. Абу Убайда ҳам ана шу кишилар қаторига кирган. Абу Бакр унинг қалбидаги поклик ва ақлий етукликни кўриб, уни Исломга даъват этди ва Абу Убайда бу даъватни дарҳол қабул қилиб, Исломга кирди. Шундан сўнг у Абу Бакр Сиддиқ, Абдурраҳмон ибн Авф, Усмон ибн Мазъун ва бошқалар билан бирга Росулulloҳ ﷺ ҳузурларига бориб, Ислом ҳақида эшитдилар ва барчалари бир пайтда мусулмон бўлдилар. Бу пайтда Росулulloҳ ﷺ ҳали Арқам ибн Абу Арқамнинг ҳовлисига кирмаган эдилар. Ўшанда Абу Убайда 25 ёшда эди, яъни ақл-заковат тўлиқ етиладиган, етукликка етган ёшда эди.

Абу Убайда ибн Жарроҳ رضي الله عنه ҳам бошқа мусулмонлар каби даъватнинг бошида кўп тўсиқ ва зулмларга дучор бўлди. Ҳабашистонга иккинчи ҳижратда саҳобалар билан бирга ҳижрат қилди. Росулulloҳ ﷺ ансорлардан байъат олганларини эшитгач, Маккага қайтди. Кейин Росулulloҳ ﷺ ва саҳобалар билан бирга Мадинага ҳижрат қилди. Мадинада Кулсум ибн Ҳадмнинг уйига жойлашди. Росулulloҳ ﷺ уни Муҳаммад ибн Маслама رضي الله عنه билан биродар қилиб қўйдилар.

Абу Убайданинг жиҳоди ва шижоати:

Абу Убайда رضي الله عنه шижоати ва жиҳодга бўлган муҳаббати билан машҳур. Росулulloҳ ﷺ уни «кучли ва ишончли» деб таърифлаганлар. У Росулulloҳ ﷺ билан бирга барча ғазотларда қатнашди ва ҳеч бирини қолдирмади. Росулulloҳ ﷺ уни ҳарбий зийраклиги ва муваффақиятли қўмондонлиги сабабли сарийя (Росулulloҳ иштирок этмаган кичик ҳарбий юриш)ларга лашкарбоши қилиб тайинлар эдилар.

Абу Убайда  ўзининг қаҳрамонлиги ва жангдаги матонатини Халифалик даврида ҳам давом эттирди. У ридда (диндан қайтганларга қарши) урушларда ва каззоб Мусайламага қарши жангда иштирок этди. Шунингдек, Шомни фатҳ қилиш учун жўнаб кетган исломий қўшинларнинг асосий лашкарбошиларида бири бўлган. У Ажнодийн, Сомова ва Маржус Сафар жангида қатнашди. Халифа Умар ибн Хаттоб  Дамашқни фатҳ этиш учун Холид ибн Валиднинг ўрнига Абу Убайдани лашкарбоши қилиб тайинлаган. Бу жангда мусулмонлар Аллоҳнинг инояти билан нусрат кучганлар. Ўшанда Абу Убайда шаҳар аҳолиси билан, уларнинг мол-мўлки ва черковларининг ярмини мусулмонларга ўтказиш шарти билан сулҳ тузган.

Уҳуд жангида Росулulloҳ  нинг юзига санчилиб қолган темир ҳалқаларни тишлари билан суғуриб олиши:

Ривоят қилинишича, Уҳуд жангида Росулulloҳ  йиқилиб тушганлар ва у зотнинг муборак юзларига зирҳли мағфара (юзни ҳимоя қилувчи темир шлем)нинг икки ҳалқаси кириб кетган. Абу Убайда  ҳам ўша ерда эди, чунки у жангда охиригача собит турган саҳобалардан бири эди. У дарҳол Росулulloҳ  нинг юзларига санчилиб қолган икки темир ҳалқани тишлари билан суғуриб чиқаради, ўзининг икки олд тиши синади ва ўшандан бошлаб «аҳтам» (камшик) бўлиб қолади. Лекин бу ҳол уни янада гўзал ва нурли қилиб қўяди, Абу Убайда  дан гўзалроқ камшик киши бўлмайди.

Абу Убайданинг тақвоси ва камтарлиги:

Абу Убайда  жуда ҳам камтар инсон эди. Раҳбарлик ва лашкарбошилиқ уни ҳеч қачон кибрга ёки ўзини бошқалардан ўстун кўришга ундаган эмас. Унинг бундай дегани ривоят қилинади: «Эй инсонлар! Мен ҳам қўрайшлиқ бир инсонман. Орангизда мендан тақволироқ қизил танли ёки қора танли бирор киши бўлса, мен унинг танасидан бўлишни орзу қиламан». Абу Убайданинг камтарлигига яна бир мисол: Абу Бакр  Шом қамали пайтида унга ёрдам сифатида қўшимча қўшин юборади ва

кўшинга Холид ибн Валидни ﷺ лашкарбоши қилиб тайинлайди. Абу Убайда уни хурсандлик билан қарши олади, ҳатто Холидни ўз мақомига кўтариб, тавозеъ кўрсатади.

Абу Убайданинг саҳобаларга етакчилиги, донишмандлиги ва Росулulloҳ ﷺ га итоати:

Ривоятларда келишича, Росулulloҳ ﷺ замонида мусулмонлар Шом остонасида Зотус Салосил ғазотини бошладилар. Ғазотга лашкарбоши этиб тайинланган Амр ибн Ос ﷺ Росулulloҳ ﷺ га мадад қўшини сўраб одам юборди. Росулulloҳ ﷺ бу вазифа учун Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб ﷺ каби катта саҳобаларни ҳамда бошқа муҳожирларни саралаб танладилар ва уларнинг барчасига Абу Убайда ибн Жарроҳ ﷺ ни амир этиб тайинладилар. Бу эса Росулulloҳ ﷺ унинг ушбу ўринни эгаллашида бир ҳикматни кўрганини билдиради. Абу Убайда Росулulloҳ ﷺ га тўла итоат қилди.

Абу Бакр Сиддиқ ﷺ нинг халифалиги даврида:

Абу Бакр ﷺ Шом юртларини фатҳ қилиш вазифасини топширган тўрт лашкарбошининг бири Абу Убайда эди. Кейин Абу Бакр ﷺ Холид ибн Валид ﷺ га Ироқдан Шомга ўтиб, мусулмон қўшинларига бошчилик қилишни буюрди. Умар ибн Хаттоб ﷺ халифаликка келгач, Холид ибн Валидни вазифасидан бўшатиб, ўрнига Абу Убайдани тайинлади. Ўшанда Холид ибн Валид «Сизларга Умматнинг амини раҳбар қилиб тайинланди», деган. Абу Убайда Дамашқ ҳамда Шомнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларини фатҳ қилишга эришди. Ҳижрий 18 йил (милодий 639 йил)да Амвос вабоси сабабли Урдун водийсида вафот этди ва ўша ерга дафн қилинди.

Онаси:

Абу Убайданинг онаси Умайма бинт Ғанм ибн Жобир. Унинг насабини Ибн Ҳазм Андалусий «Араб насаблари тўплами» номли китобида қуйидагича келтиради: Умайма бинт Усмон ибн Жобир ибн Абдулуззо ибн Омира ибн

Умайра ибн Вадиа ибн Ҳорис ибн Фиҳр. Ибн Ҳажар нақл қилишича, Абу Убайданинг онаси Исломни қабул қилган.

Абу Убайданинг жоҳилият давридаги ҳаёти ҳақида тарихий манбаларда маълумот йўқ. Унинг тарихи Исломни қабул қилган кундан бошланган. Ибн Ҳишом ва бошқалар ривоят қилганидек, Абу Убайда Исломни қабул қилганида Росулulloҳ ﷺ ҳали Арқам ибн Абу Арқамнинг ҳовлисига кирмаган эдилар.

Имом Бухорий ва Муслим Анас ибн Молик رضي الله عنه дан ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай марҳамат қилганлар:

«إِنَّ لِكُلِّ أُمَّةٍ أَمِينًا، وَإِنَّ أَمِينَنَا أَيْتُهَا الْأُمَّةُ: أَبُو عُبَيْدَةَ بْنُ الْجَرَّاحِ»

«Ҳар бир умматнинг амини бор. Эй Умматим, бизнинг аминимиз Абу Убайда ибн Жарроҳдир». Ибн Ҳажар Асқалоний бундай дейди: «الأمين – ундан рози бўлинган ишончли маъносини англатади. Бу сифат бошқа саҳобаларда ҳам мавжуд бўлган, лекин гапнинг оқими Абу Убайда бу сифатда алоҳида устунликка эга эканини билдиради. Чунки Росулulloҳ ﷺ ҳар бир буюк саҳобани ўзига хос бир фазилати билан сифатлаганлар. Масалан, Усмонга ҳаёлилик, Алийга қозилик каби сифатларни хос қилиб берганлар. Бу эса, ўша фазилатда улар бошқалардан устун эканини кўрсатади». Ушбу амин таҳаллуси билан боғлиқ воқеа ҳақида имом Бухорийнинг бундай ривояти келган: «Бир куни Нажрон насронийларининг Оқиб ва Саййид деб аталган икки раҳбари Росулulloҳ ﷺ нинг олдига келишди. Уларнинг мақсади у зотга «агар Пайғамбар бўлсанг, менга лаънат ёғилсин», дейиш эди. Аммо улардан бири: «Бундай қилма, Аллоҳга қасам, агар у ҳақиқатда пайғамбар бўлиб чиқса-ю, ўзимизни лаънатлаб қўйсак, на ўзимизга яхши бўлади, на биздан кейинги авлодга», деди. Росулulloҳ ﷺ га: «Биз билан бирга амин (ишончли) бир кишини юборсангиз», дейишди. Росулulloҳ ﷺ:

«لَأَبْعَثَنَّ مَعَكُمْ رَجُلًا أَمِينًا حَقَّ أَمِينٍ»

«Албатта мен сизлар билан ҳақиқий ишончли, амин инсонни юбораман!», дедилар. Саҳобаларнинг барчаси бу сўзларни эшитиб, ушбу инсон бўлишга умид қилиб кута бошладилар. Шунда Росулulloҳ ﷺ:

«قُمْ يَا أَبَا عُبَيْدَةَ بْنِ الْجَرَّاحِ»

«Туринг, эй Абу Убайда ибн Жарроҳ!», дедилар. Абу Убайда ўрнидан турганди Росулulloҳ ﷺ:

«هَذَا أَمِينُ هَذِهِ الْأُمَّةِ»

«Бу ушбу Умматнинг аминидир», дедилар. Имом Муслим Анас ибн Молик رضي الله عنه дан бундай ривоят қилган: «Яманликлар Росулulloҳ ﷺ ҳузурларига келиб, «биз билан бирга бизга суннатни ва Исломни ўргатадиган кишини юборинг», деб сўрашди. Шунда Росулulloҳ ﷺ Абу Убайданинг қўлидан ушлаб:

«هَذَا أَمِينُ هَذِهِ الْأُمَّةِ»

«Бу ушбу Умматнинг аминидир», дедилар».

Унинг зоҳидлиги (дунёни севмаслиги):

Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه: «Эй Абу Убайда, бу дунё сиздан бошқа ҳаммамизни ўзгартирди», деган.

Бир гурӯҳ ровийлар айтади: Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه Шомга келганида, уни амирлар ва улуғ зотлар қарши олдилар. Умар «Биродарим Абу Убайда қани?», деб сўради. Улар «ҳозир келади», дедилар. Бироздан сўнг, Абу Убайда арқон билан нўхталанган туяга миниб келди. У Умарга салом бериб: «эй одамлар, тарқалинглар», деди. Умар у билан бирга унинг уйига борди. Уйига кирганда, Умар унинг хонадонда бир дона қилич, қалқон ва бир дона чопондан бошқа ҳеч нарсани кўрмади. «Ҳеч бўлмаса бирор нарса олсангиз бўларди-ку?» ёки шунга ўхшаш бир нарса деди. Абу Убайда رضي الله عنه унга: «Эй мўминлар амири, охиратга етишиш учун шулар кифоя қилади», деб жавоб берди.

Бошқа бир ривоятда бундай келган: Умар رضي الله عنه Шомга келганида «Юринг, уйингизга борайлик», деди. Абу

Убайда: «Эй мўминлар амири, менинг уйимда нима қиласиз? Сиз фақат мен учун кўз ёши тўкишни хоҳлаяпсиз, деди. Умар «анжомларингиз қаерда, бу ерда мен жундан тўкилган бир ётоқ, бир идиш ва сув қуйиладиган эски тери идишдан бошқа нарса кўрмаяпман, ахир, сиз Шомнинг бошқарувчиси эмасмисиз, ҳатто еб-ичадиган овқатингиз ҳам йўқми?», деб сўради. Абу Убайда رضي الله عنه идишнинг ёнига бориб, ундан бир неча бўлак қаттиқ нон олди. Умар бу ҳолдан йиғлаб юборди. Шунда Абу Убайда унга бундай деган: «Эй мўминлар амири, мен сизга «мени кўриб кўз ёшингизни тутиб туролмайсиз», демаганмидим! Бизга бу дунёда охиратдаги манзилимизга етиб олишимиз учун шуларнинг ўзи кифоя», деди. Абу Убайданинг бу дунёга эътиборсиз қарашини, оддий ва камтарлигини кўриб, Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه «Бу дунё сиздан бошқа ҳаммамизни ўзгартирди, эй Абу Убайда!», деди. Имом Заҳабий бундай деган: «Бу ривоятни Абу Довуд сунанида келтирган ва қуйидагича изоҳ берган: «Аллоҳга қасам, холисона зоҳидлик мана шу. Йўқчиликдан муҳтож бўлган одам зоҳид эмас».

Ибн Саъд Моликдан ривоят қилади: Умар رضي الله عنه Абу Убайдага тўрт минг ёки тўрт юз динор юбориб, элчидан «У бу маблағни қандай сарфлашини кузатиб келинг», деб буюради. Абу Убайда رضي الله عنه маблағни тўлиқ эҳтиёжмандларга тарқатади. Шундан сўнг, худди шу миқдордаги маблағни Муоз ибн Жабалга юборади. Муоз ҳам уни бўлиб тарқатади, бироқ хотини унга: «Биз ҳам муҳтожмиз», деб бир қисмини олиб қолади. Умар ибн Хаттоб رضي الله عنهнинг одами буларни хабар қилганида «Исломда бундай амал қилувчи инсонларни чиқариб қўйган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин», деди.

Абу Убайданинг ҳадис ривоят қилиши:

Абу Убайда ибн Жарроҳ رضي الله عنه Росулulloҳ ﷺ даъватни бошлаган дастлабки йиллардаёқ Исломни қабул қилган саҳобалардан бўлиб, Қуръон ва Суннат илмларини яхши билган. Шунга қарамай, ҳадис манбаларда ундан келган


ривоятлар сони жуда оз. Масалан, Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ» тўпламида санади Абу Убайдага борган ҳадис йўқ. Имом Муслим ва имом Термизий ундан фақат бирдан ҳадис ривоят қилганлар. Имом Аҳмаднинг «Муснад» тўпламида Абу Убайдадан 12 та ҳадис ривоят қилинган бўлиб, улардан такрорланганлари чиқариб ташланса, етти ҳадис қолади. Абу Яълонинг «Муснад» тўпламида Абу Убайдадан тўққиз ҳадис ривоят қилинган. Улардан олтитаси имом Аҳмад келтирган ҳадислар билан бир хил, қолган учтаси эса бир ҳадис ичида жамланган. Шундай қилиб, Абу Убайдадан умумий ҳисобда саккизта ҳадис ривоят қилинган. Бу ҳадислар орасида мурсал ва муттасил ривоятлар мавжуд. Муттасил ҳадислардан баъзиларининг санадлари саҳиҳ, баъзилари эса заиф. Уламолар Абу Убайда ва бошқа буюк саҳобалардан ҳадис ривоятлари оз келишининг сабабини тушунтирганлар. Ибн Саъд Муҳаммад ибн Умар Асламийнинг сўзларини ривоят қилган: «Росулulloҳ ﷺнинг катта саҳобаларидан ривоятлар оз келишининг сабаби шундаки, улар фикҳий эҳтиёж пайдо бўлишидан олдин вафот этганлар. Умар ибн Хаттоб ва Али ибн Абу Толиб каби саҳобалар эса кўпроқ ривоят қилганлар. Чунки улар халифалик қилганлар, одамлар улардан масалалар сўраган ва улар халқ ичида фатво бериб турганлар». Росулulloҳ ﷺнинг барча саҳобалари Исломда намунавий имомлар бўлганлар. Уларнинг қилган ишлари сақланиб қолган, одамлар масала сўраганда жавоб берганлар, эшитган ҳадисларини бошқаларга етказганлар. Катта саҳобалар – масалан, Абу Бакр, Усмон, Талха, Зубайр, Абу Убайда ибн Жарроҳ ва улар кабилар – бошқа саҳобаларга қараганда камроқ ҳадис ривоят қилганлар. Чунки Жобир ибн Абдуллоҳ, Абу Саид Худрий, Абу Ҳурайра каби саҳобалар узоқ умр кўрганлар. Улардан одамлар кўпроқ сўрашган ва уларнинг ривоятларига эҳтиёж ортиб борган».

Абу Убайданинг вафоти:

Абу Убайда ибн Жарроҳ  халифа Умар ибн Хаттоб  даврида вабо касалига чалинди. Бу хабар Умарга етиб келганда, у қаттиқ хавотирга тушиб, унга бир муҳим иш юклатилишини баҳона қилиб, уни ўз ёнига чақириб хат жўнатди. Умар Абу Убайданинг касалидан қўрқиб, уни даволатишни шу йўл билан ҳаёти сақланишини истади. Чунки Умар  Росулўллоҳ  уни жуда яхши кўрганини билган ва унинг вафотидан қаттиқ қўрққан эди. Бироқ Абу Убайда Умар  нинг ниятини англади ва жавоб хатида унинг таклифини рад этиб, ўзр сўради. У Росулўллоҳ  нинг қачон бир ерда вабо тарқалса, у ернинг аҳолиси ташқарига чиқмаслиги тўғрисидаги тавсиясига амал қилди. Абу Убайда – Аллоҳ уни раҳматига олсин – вабо касалидан вафот этди. Унинг вафоти Иорданиянинг Бийсон минтақасида бўлди. Унга саҳоба Муоз ибн Жабал  жаноза ўқиди. Бу воқеа ҳижрий 18 йилда, Абу Убайданинг 58 ёшида юз берди.

Фарзандлари:

Ибн Саъд бундай дейди: «Абу Убайданинг фарзандлари Язид ва Умайрдир. Уларнинг онаси Ҳинд бинт Жобир ибн Ваҳб ибн Зибоб ибн Ҳужайр ибн Абд ибн Муайс ибн Омир ибн Луай бўлган. Аммо Абу Убайданинг фарзандлари болалигида вафот этган, шунинг учун унинг насли тўхтаган». Мусъаб Зубайрий «Қурайш насаби» китобида бундай дейди: «Абу Убайда ибн Жарроҳ ва унинг ака-укаларидан ҳеч қандай насл қолмаган». □



ҚУРЪОНИ ҚАРИМ СУҲБАТИДА

МЎМИННИНГ МАТОНАТГА ЭҲТИЁЖИ

Халифа Муҳаммад – Иордания

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يُثَبِّتُ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا بِالْقَوْلِ الثَّابِتِ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَفِي الْآخِرَةِ وَيُضِلُّ اللَّهُ
الظَّالِمِينَ وَيَفْعَلُ اللَّهُ مَا يَشَاءُ﴾

«Аллоҳ иймон келтирганларни бу дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам собит сўз (иймон калимаси) билан собит қилади. Золимларни эса Аллоҳ (ҳақ) йўлдан адаштиради. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишни қилади» [Иброҳим 27]

Ушбу оят уч жумлани ўз ичига олган. Маълумки, араб тилида жумла муайян маънони ўз ичига олган ва муайян маънони билдирган сўзлар йиғиндисидир. Яъни жумла муайян фикрни англатади. Фикр воқеликка берилган ҳукмдир. Агар инсон шу фикрнинг воқелигини тушуниб, уни тасдиқласа, ушбу фикр ундаги тушунчага айланади. Демак, ушбу оятда мусулмон қабул қилиши лозим бўлган учта асосий тушунча мавжуд: Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло дунёда ҳам, охиратда ҳам мўминларни собит сўз билан собит қилади; Аллоҳ Таоло золимларни йўлдан адаштиради; Аллоҳ Таоло Ўзи хоҳлаган ишни қилади.

Биринчи тушунча ҳақида Ибн Ошур бундай деган:

«الْقَوْلُ сўз демакдир, الثَّابِتُ эса ҳеч шубҳа бўлмаган ҳақиқатдир. Булардан мурод Қуръон сўзларидир, чунки уларнинг маънолари ҳақ ва далиллари очиқ-ойдин. الْقَوْلُ сўзидаги алиф-лом маърифа учун келиб, барча собит сўзларни қамраб олувчи маънога эга. بِالْقَوْلِ даги бо ҳарфи сабабият маъносини билдиради. Мўминларни собит сўз билан саботли қилиш – Аллоҳ Таоло уларга илоҳий сўзларни ўз маъноларида англашни, уларнинг далилларини тўғри идрок этишни осонлаштириб беради. Натижада уларнинг қалблари хотиржам бўлади, бу ҳақда ҳеч қандай шубҳа пайдо бўлмайди. Шу тарзда улар иймонларида собит турадилар, тебранмайдилар ва уни амалга оширишда иккиланмайдилар. Бу собитлик дунё ҳаётида

очиқ-ойдин кўринади. Охиратда эса, улар дунёда охират ҳолатларини қандай деб билган бўлсалар, худди шундай ҳолатни топадилар, шунинг учун уларга ҳеч қандай қайғу ёки надомат етмайди». Ҳар бир ақл эгасига маълумки, мўмин киши дунёда ҳам, қабрда ҳам, охиратда ҳам собит туриши зарур ва у бунга эришиш учун Аллоҳ Таолонинг собит қилиб қўйишига муҳтождир. Чунки бу дунё синов ва фитна дунёси. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَبَلَّوْكُمْ بِالشَّرِّ وَالْخَيْرِ فِتْنَةً وَإِلَيْنَا تُرْجَعُونَ﴾

«Биз сизларни ёмонлик ва яхшилик билан фитнага солиб синаймиз. (Охирида) биззагина қайтариласизлар» [Анбиё 35]

﴿أَحْسِبِ النَّاسُ أَنْ يُتْرَكُوا أَنْ يَقُولُوا ءَامَنَّا وَهُمْ لَا يُفْتَنُونَ﴾

«Одамлар «иймон келтирдик», дейишлари билангина, имтиҳон қилинмаган ҳолларида, қўйиб қўйилишларини ўйладиларми?!» [Анкабут 2]

Ҳар бир мусулмон вақти-вақти билан турли синовларга дучор бўлади. Бунини қўйидаги ҳадис ҳам тасдиқлайди. Ҳузайфа ибн Ямон رضي الله عنه ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«تُعْرَضُ الْفِتْنُ عَلَى الْقُلُوبِ عَرْضَ الْحَصِيرِ عُوْدًا عُوْدًا، فَأَيُّ قَلْبٍ أَشْرَبَهَا نُكِنَتْ فِيهِ نُكْتَةٌ سَوْدَاءٌ، وَأَيُّ قَلْبٍ أَنْكَرَهَا نُكِنَتْ فِيهِ نُكْتَةٌ بَيضَاءٌ، حَتَّى يَصِيرَ الْقَلْبُ أَيْضًا مِثْلَ الصَّفَا، لَا تَضُرُّهُ فِتْنَةٌ مَا دَامَتِ السَّمَاوَاتُ وَالْأَرْضُ، وَالْآخِرُ أَسْوَدُ مُرَبِّدًا كَالْكُوزِ مُجْحَيًّا، لَا يَعْرِفُ مَعْرُوفًا، وَلَا يُنْكِرُ مُنْكَرًا، إِلَّا مَا أَشْرَبَ مِنْ هَوَاهُ»

«Фитна-синовлар қалбларга ипга терилган шода марвариддек кўрсатилади... Қайси бир қалб уларга қизиқиб кетса, унга қора доғ босади. Қайси қалб улардан юз ўгирса, унга оқ доғ тушади. Ана шунда қалб тўлиқ оқ, сайқалланган тошдек бўлади, бундай қалбга осмонлар ва ер тургунча (қиёмат кунигача) ҳеч қандай фитна зиён етказа олмайди. Нариги қалб эса, қорайган, синган қора кўзадек бўлиб қолади: на маъруфга интилади, на мункардан қайтади. Уни фақат ўз ҳавойи-нафсига ёққан нарсасига қизиқтиради». (Саҳиҳул Жоме). Ҳатто Аллоҳ Таоло Росули ﷺга марҳамат қилиб, кофирларга нисбатан озгина бўлса ҳам мойиллик ҳис қилмасин учун у зотни собитқадам қилган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَوْلَا أَنْ تُبَيِّنَنَّكَ لَقَدْ كِدْتَ تَرْكَنُ إِلَيْهِمْ شَيْئًا قَلِيلًا﴾

«Агар Биз сизни (ҳақ йўлда) собит қилмаганимизда, сиз уларга бир қадар мойил бўлишингизга оз қолди» [Исро 74]

Собит сўз, Ибн Аббос айтганидек, тавҳид калимаси (Ла илаҳа иллаллоҳ)ни ҳам, Ибн Ошур айтганидек, Қуръон сўзларини ҳам, Ислом ақидасидан келиб чиққан барча аҳкомлар ва унга асосланган барча тушунчаларни ҳам ўз ичига олади. Чунки Ислом ақидаси ҳар бир сўз ва амал учун мезон бўлиб хизмат қилади. Бу сўзнинг собит деб сифатланиши унинг қалбда мустаҳкам ўрнашишини ва бардавом бўлишини англатади. Бунинг натижасида Аллоҳ Таоло Росули ﷺ га ва мўминларга буюрган ҳидоят йўлида маҳкам туриш келиб чиқади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَاسْتَقِمْ كَمَا أُمِرْتَ وَمَنْ تَابَ مَعَكَ﴾

«(Эй Муҳаммад), сиз ва сиз билан бирга тавба қилган зотлар ўзингизга буюрилган янглиғ Тўғри йўлда бўлинг!» [Ҳуд 112]

Демак, Аллоҳ Таолонинг мўминларни собит қилиши бу дунёда ҳам, охиратда ҳам содир бўлади.

Оятдаги иккинчи тушунча – Аллоҳнинг золимларни йўлдан адаштириши – ҳақида Ибн Ошур бундай дейди: «Оятдаги золимлардан мурод мушриклардир. Яъни Аллоҳ мушрикларни бу дунёда ҳам, охиратда ҳам ҳайрон ва кўр қилиб қўяди. Залолат бу бошбошдоқлик ва адашиш демакдир. Золимлар эса мушриклардир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ الشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ﴾

«Албатта ширк келтириш катта зулмдир» [Луқмон 13]

Энди Аллоҳ Таоло уларни адаштиргани ҳақидаги маънога келсак, бу мажбурлаш эмас, балки уларга муҳлат бериш, имконият яратиш ва аста-секин залолатга бошлашдир. Чунки Аллоҳ Таоло одамларни ўзлари ҳукмронлик қилган доирадаги амаллари учун ҳисоб-китоб қилади: агар амали яхши бўлса яхшиликка, ёмон бўлса ёмонликка эришади. Бунга Аллоҳ Таолонинг қўйидаги ояти далил бўлади:

﴿فَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ ۖ وَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ شَرًّا يَرَهُ﴾

«Ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) зарра мисқоличалик яхшилик қилса, (қиёмат кунда) ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса, уни ҳам кўрур!» [Залзала 7-8]

Аллоҳ Таолонинг золимларга муҳлат бериши, имконият яратиши ва аста-секин залолатга бошлашига қуйидаги оят ҳам далолат қилади:

﴿قُلْ مَنْ كَانَ فِي الضَّلَالَةِ فَلْيَمْدُدْ لَهُ الرَّحْمَنُ مَدًّا﴾

«(Эй Муҳаммад), айтинг: «ким залолатда бўлса, бас, Раҳмон унга муддат-вақт берсин» [Марям 75]

Аллоҳ Таолонинг адаштириши зулм сифатига эга бўлган кимсаларга хосдир. Бунинг далили, ҳукмнинг муштаққа (ўзакдан келиб чиққан сўзга) боғланганидир. Золимлар сўзи эса, ўзак (зулм) сўзидан олинган исми фоил (феълнинг бажарувчиси)дир. Усул илмида ҳукмни муштаққа боғлаш ўзакнинг (бу ерда зулм) иллат эканини билдиради. Демак, модомики банда золим бўлар экан – то зулмидан қайтмагунча ва Аллоҳга тавба қилмагунча – адашишга лойиқ бўлади.

Зулм сўзини умумий маънода тушуниш тўғрироқ бўлади. Шунда унга ширк ҳам, кўфр ҳам, ўз нафсига зулм қилиш ҳам, ҳар қандай гуноҳ ҳам киради. Чунки зулмни фақат ширкка хослаган хословчи йўқ. Энди Аллоҳ Таолонинг:

﴿إِنَّ الشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ﴾

«Албатта ширк келтириш катта зулмдир» [Луқмон 13]

деган сўзи ширкнинг зулм деб сифатланишига ва унинг катта зулм эканига далолат қилади, зулмни фақат ширкка хосламайди. Бу араб тилининг наҳв (синтаксис) қоидаларига тўлиқ мос келади. Шунинг учун кимда зулмнинг қайси бир сифати бўлса, то ундан қайтмагунча адаштиришга ва унга зулмида узоқ вақт берилишига лойиқ бўлади. Бу зулм ширк ёки кўфр, ёмон амал ёки ўз жонига зулм қилиш бўлсин, фарқи йўқ. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿قُلْ لِلَّذِينَ كَفَرُوا إِنْ يَنْتَهُوا يُغْفَرْ لَهُمْ مَا قَدْ سَلَفَ﴾

«(Эй Муҳаммад), кофирларга айтинг агар (кофирликдан) тўхташса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинур» [Анфол 38]

﴿وَمَنْ يَعْمَلْ سُوءًا أَوْ يَظْلِمْ نَفْسَهُ ثُمَّ يَسْتَغْفِرِ اللَّهَ يَجِدِ اللَّهَ غَفُورًا رَحِيمًا﴾

«Ким бирон бир ёмон иш қилса ёки ўз жонига зулм қилса, сўнгра Аллоҳдан мағфират сўраса, Аллоҳни мағфират қилгувчи ва меҳрибон эканини топар» [Нисо 110]

Оятдаги учинчи тушунча «Аллоҳ Таоло Ўзи хоҳлаган ишни қилади», деган тушунчадир. Аллоҳ Таоло ҳар бир нарсаса қодир, Унинг ҳукмини ҳеч ким таъқиб қила олмайди ва Унинг амрини ҳеч ким қайтаролмайди. У Ўз яратгани устида хоҳлаганини қилади. Бу тушунча аввалги икки тушунчани мустаҳкамлаш мақсадида келган: Аллоҳ хоҳласа собит қилади, хоҳласа адаштириб қўяди. У қилган нарсаси ҳақида сўралмайди, балки одамлар сўралади.

Бу оятда балоғатга оид услуб мавжуд. Ундаги учала жумла – *يُذَيِّبُ اللَّهُ، يُضِلُّ اللَّهُ، وَيَفْعَلُ اللَّهُ* – (Аллоҳ собит қилади, Аллоҳ адаштиради ва Аллоҳ ... қилади) барчасида фоил (бажарувчи) Аллоҳнинг исми билан очиқ айтилган. Ибн Ошур бун шундай изоҳлайди: «*يُضِلُّ اللَّهُ الظَّالِمِينَ*» (Аллоҳ золимларни адаштиради) ва *يَفْعَلُ اللَّهُ مَا يَشَاءُ* (Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишни қилади) жумлаларида Аллоҳнинг исмини очиқ келтиришдан мақсад ҳар бир жумланинг мустақил маъно касб этиши ва бунинг натижасида ҳар бир жумла зарбул масалга айланишидир». Шу билан бирга бу ишларни бажарувчиси Азза ва Жалланинг аҳамияти ва Унинг хоҳлаган нарсаса қодир эканлиги таъкидланган.

Айтиш лозимки, Табарий, Қуртубий ва бошқа баъзи муфассирлар ушбу оятни қабрда икки фариштанing маййитни сўроқ қилиши билан боғлаган. Лекин оят маъносини фақат шу воқеага чеклаб бўлмайди. Усулда қарор топган қоида бор: «Ибрат сабабнинг хослигидан эмас, лафзнинг умумийлигидан олинади». Демак, Аллоҳнинг мўминларни собит қилиши бу дунёда ҳам, охиратда ҳам бўлади. Аллоҳнинг золимларни адаштириши эса – модомики уларда зулм сифати мавжуд экан – давом этади. Аллоҳ Таоло хоҳлаган ишини қилади, бунга мавсула *لَا*нинг умумийлиги далолат қилади.

Биз Аллоҳ Таолодан бизни ва барча мусулмонларни ҳақ йўлга ҳидоят қилишини, шу йўлда – то Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолога У биздан рози бўлган ҳолатда йўлиққунимизча – собит қилишини сўраб қоламиз. □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Трамп Нетаняхудан «ҳужумни дарҳол тўхтатиш»ни талаб қилди		
«Исроил»нинг Jerusalem Post газетаси хабардор манбага таяниб билдиришича, Дональд Трампнинг Биньямин Нетаняху билан Эронга қарши ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги суҳбати оғир кечган. Манбага кўра, Трамп телефон суҳбати чоғида овозини кўтариб, Нетаняхудан Эронга қарши ҳужумни тўхтатишни талаб қилган. Манбанинг маълумотига кўра, Трамп жуда кескин кайфиятда бўлган ва Нетаняхудан «ҳужумни дарҳол тўхтатиш»ни талаб қилган, Нетаняху эса бирор сўз айта олмай, фақат Америка президентига миннатдорчилик билдириш билан чекланган. Шу билан бирга, Британиянинг The Telegraph газетаси Трампнинг Нетаняху билан мулоқотда ғайриоддий даражада қатъий ва тўғридан-тўғри бўлганини қайд этди. Ал-Ваъй: Бу воқеа «яхудий вужудининг АҚШда ҳал қилувчи сўзга эга, у хоҳлаган ишини Оқ уйдан мустақил амалга оширади ва АҚШ уни тийиб қўйишга қодир эмас» деган даъвонинг асоссиз эканини яна бир бор исботлайди.		
CNN: Разведка маълумотига кўра АҚШ зарбалари Эроннинг ядровий дастурини вайрон қилмади		
CNN телеканали хабарига кўра, дастлабки разведка баҳолари АҚШ томонидан якшанба куни тонгда Эрондаги учта ядровий объектга берилган зарбалар Эроннинг ядро дастурининг асосий қисмларини йўқ қилмаганини кўрсатмоқда. Эҳтимол, бу зарбалар дастурни фақат бир неча ойга ортга суриши мумкин, холос. CNN қайд этганидек, мазкур ҳисобот учта манбадан олинган ва илк бор эълон қилинган маълумот бўлиб, АҚШ мудофаа вазирлиги таркибидаги ҳарбий разведка агентлиги томонидан тайёрланган. У АҚШ марказий қўмондонлиги зарбалардан сўнг ўтказган баҳолашга асосланган. Иккита манбанинг таъкидлашича, Эроннинг бойитилган уран захиралари йўқ қилинмаган, яна бир манба Эрон центрифугалари деярли зарар кўрмаганини билдирган. «Шунинг учун агентликнинг баҳолаши шундан иборатки, АҚШ уларни энг кўпи билан бир неча ойга кечиктира олган, холос», дейилган хабарда.		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Ал-Ваъй: Агар бу хабар тўғри бўлса, бу АҚШнинг Эронга зарбалари аслида ядро дастурини йўқ қилишни мақсад қилмаганини тасдиқлайди. Балки бу зарбалар намойишкорона ҳаракат бўлиб, Эронга қарши урушга киришиб қолган яҳудий давлатини «тепадан тушириш», яъни урушдан чиқиш учун сценарий яратишга қаратилган. Чунки Эрон ракеталаридан азият чеккан, аммо урушдан амалий самарадор мақсадларга эриша олмаган яҳудий давлати энди чиқиш йўлига муҳтож эди.		
Ҳизбуллоҳ: Биз бетараф эмасмиз ва муносиб кўрганимиздек ҳаракат қиламиз		
Яҳудий вужуди ва Эрон ўртасидаги тўқнашув бошланганига бир ҳафта тўлган бир пайтда, Ливандаги Эрон партияси бош котиби Наим Қосим пайшанба куни партиянинг позициясини эълон қилди. Унинг таъкидлашича, Ҳизбуллоҳ жорий воқеаларда ўзи муносиб кўргандек ҳаракат қилади.		
Қосим ўз баёнотида бу можарода «бетараф эмасмиз» деб таъкидлаб, шундай деди: «Биз бу «Исроил»-Америка тажовузига қарши ўзимиз муносиб кўргандек ҳаракат қиламиз».		
Бу позиция Американинг Сурия бўйича махсус вакили Томас Барак Байрутдан огоҳлантириш берганидан кейин эълон қилинди. Унга кўра, партиянинг Эрон-Исроил урушига қўшилиши «жуда ёмон қарор» бўлади.		
Шу билан бирга, бир АҚШ ҳисоботида кўра, Эроннинг энг кучли иттифоқчиларидан бири сифатида кўрилган бу ҳаракат Исроил ҳужумидан бери бирорта ҳам ракета учирмаган.		
Ал-Ваъй: Ҳизбуллоҳ дунёсини ҳам, охиратини ҳам йўқотди. У Сурияда қўлини мусулмонларнинг қонига ботириб охиратини йўқотди, сўнгра ҳарбий ва сиёсий қаноти йўқ қилингунга қадар жасоратсизлик қилиб ўтириб дунёсини йўқотди.		
Душман ахборот воситалари: мудофаа харажатларининг кескин ўсиши умумий бюджетга оғирлик қилди		
«Исроил» ахборот воситалари хабар беришича, босқинчи тузум Эрон объектларига берган ҳаво зарбалари ҳукуматга тахминан 1,5 миллиард долларга тушган. Бу ҳолат мамлакатда молиявий босимлар кучайиб бораётган ва мудофаа бюджети		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
кризисга дуч келган бир пайтга тўғри келмоқда. Ҳисоботларда таъкидланишича, мудофаа харажатларининг кескин ўсиши умумий давлат бюджетига оғир юк бўлган, натижада ҳукумат 2025 йил учун белгиланган бюджет чегарасини бузишга мажбур бўлган. Бу чегара 2024 йил тўрт марта бузилганини инobatга олсак, хавфсизлик вазиятининг кескинлашгани шароитида молиявий барқарорлик заифлашгани яққол кўринмоқда. Ал-Ваъй: Иқтисодий кўрсаткичлар ҳар қандай режим ва ҳукуматнинг сақланиб қолиши ёки қулашида энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Бу омил яҳудий вужуди учун янада кучли таъсирга эга. Бу борада айтилиши мумкин бўлган энг балоғатли сўз Аллоҳ Таолонинг ушбу каломи бўлса ажаб эмас: ﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ لِيَصُدَّوْا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ فَسَيَنْفِقُونَهَا ثُمَّ تَكُونُ عَلَيْهِمْ حَسْرَةً ثُمَّ يُغْلَبُونَ وَالَّذِينَ كَفَرُوا إِلَىٰ جَهَنَّمَ يُحْشَرُونَ﴾ «Албатта, кофир бўлган кимсалар мол дунёларини Аллоҳнинг йўлидан тўсиш учун ишлатишур. Бас, уни сарфлашадию, сўнгра ўша (моллари) ўзларига ҳасрат бўлур, сўнгра мағлуб бўлишур. Кофир бўлган кимсалар жаҳаннамга тўпланур» [Анфол 36]		
Ливан армияси қўшинлари Байрут четидаги ҳудудга кириб, бир бинода тинтув ўтказди		
Отишмани тўхтатиш келишувини назорат қилиш учун ташкил этилган бешлик қўмитасининг олдинги талабига биноан Ливан армиясининг бир қисми чоршанба кuni Байрутнинг жанубий қисмида жойлашган «Сент-Терез» ҳудудига кириб, у ердаги бир бинода тинтув ўтказди. Ал-Арабия-Ҳадас мухбири хабар беришича, бу бинога бир кун олдин ҳам киришган, лекин бу сафар улар қазиш ишлари учун экскаватор олиб келишган. Ливанлик бир ҳарбий масъулнинг маълум қилишича, армия кеча Байрутнинг жанубий қисмида, аҳоли гавжум ва «Ҳизбуллоҳ»нинг асосий таянчи ҳисобланган ҳудуддаги бинода тинтув бошлаган. Бу ҳаракат Ливандаги отишмани тўхтатиш келишувини назорат қилаётган бешлик қўмитасининг талаби билан амалга оширилган.		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Ал-Ваъй: Эрон партияси (Ҳизбуллоҳ) нафақат ўз кафанини тайёрлаб қўйиш билан чекланмади, балки ўз қабрини ҳам қазиб, унинг устидаги «сўнги рақс саҳнаси»ни тайёрлади. Энди эса «бешлик қўмитаси» унга буйруқ беряпти, тақиқлаяпти. Бу «бешлик қўмитаси» кимлардан иборат? Ливан армияси - ижрочи, Босқинчи вужуд армияси - буйруқ берувчи, АҚШ - тақиқловчи, Франция ва ЮНИФИЛ (БМТнинг Ливандаги тинчликпарвар кучлари) - кузатувчилар.		
Салом: Ливанни урушга тортилишини олдини олдик... ва (Исроил)ни жанубдан чиқаришга интилмоқдамиз		
Ливан бош вазири Навоф Салом Қатарда мамлакат амири шайх Тамим ибн Ҳамад Оли Соний билан учрашув чоғида ҳукуматининг «давлат ҳокимиятини ўз кучлари билан бутун ҳудудга ёйиш қарорини устувор вазифа» деб таъкидлади. У шундай деди: «Биз Ливаннинг (Тель-Авив ва Техрон ўртасидаги урушга) тортилишини олдини олдик ва (Исроил)ни чиқариш учун босим ўтказишга интиляпмиз».		
Салом ҳукумати Тоиф келишувини бажаришга содиқлигини қайд этди ва «давлат ҳокимиятини ўз кучлари билан бутун ҳудудга ёйиш» асосий устувор йўналиш эканини билдирди. Шунингдек, у «(Исроил) Ливаннинг ишғол қилинган ҳудудларидан, айниқса, машҳур беш нуқтадан чиқиб кетмагунча, Ливан тўлиқ барқарорликка эриша олмайди», деб урғу берди.		
У яна шундай қўшимча қилди: «Биз (Исроил)ни чиқишга мажбурлаш учун араб ва халқаро қўлловни жалб қилишга ҳаракат қиляпмиз. Бу икки ойдан ортиқ давом этаётган кундалик ҳаракатимизнинг бир қисмидир». Салом, шунингдек, ўтган йил ноябр ойида (Исроил) билан имзоланган отишмаларни тўхтатиш келишувига бу давлат амал қилмаганини таъкидлаб, уни қайта жонлантириш ва амалга оширилиши учун босим ўтказишга чақирди.		
Ал-Ваъй: Бу баёнот бир-бирига қарши маънони ўз ичига олган. Агар сен босқинчи вужуд (яхудий вужуди)ни чиқариш учун дунё давлатларидан ёрдам сўрасанг, унда «мен		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
ҳокимиятни ўз кучларим билан бутун ҳудудга ёйдим» деб айта олмайсан.		
«Кўрфаз давлатлари вазирлар кенгаши» Эрон ракеталари ҳужумларини муҳокама қилиш учун Давҳада фавқулодда йиғилиш ўтказди		
Кўрфаз Ҳамкорлик Кенгаши (GCC) давлатлари вазирлар кенгаши Эрон томонидан Қатар ҳудудидаги «Удайд» базасига қилинган ракеталар ҳужумидан сўнг Қатар пойтахти Давҳада фавқулодда йиғилиш ўтказди.		
GCC бош котиби Жосим Муҳаммад Будаивий таъкидлаганидек, бу учрашув Қатардаги биродарлар билан бир сафда туришни тасдиқлаш ҳамда Қатар хавфсизлиги ва барқарорлиги кенгашга аъзо давлатлар хавфсизлиги ва барқарорлигининг ажралмас қисми эканини қайта таъкидлаш мақсадида ўтказилди.		
Ал-Ваъй: Кўрфаз давлатлари масъулларининг баёнотлари ва учрашувлари яҳудий вужуди билан Эрон ўртасидаги урушни тугатиш саҳнасининг сўнгги манзараси бўлди. Улар гўёки ўзлари мустақил қарор чиқара оладигандек кўринмоқчи бўлишди. Агар бу ердаги Аллоҳнинг неъматлари – улар совурган ва Оқ уй императорига ҳадя қилган Уммат бойликлари – бўлмаганида, улар ўз курсиларини, нуфузини ва хавфсизлигини ҳам сақлаб қололмас эди. □		

КАЛИФОРНИЯДАГИ ТЎҚНАШУВЛАР: ТАСОДИФИЙ ҲОДИСАМИ ЁКИ ЖАМИЯТНИНГ БЎЛИНИШИ?

М. Боҳир Солиҳ – Фаластин

Шу йил 6 июнда АҚШнинг Калифорния штатидаги Лос-Анжелес шаҳрида президент Дональд Трампнинг муҳожирик қонунларини қатъий қўллаш ва ноқонуний муҳожирларни депортация қилиш сиёсатига қарши норозилик намойишлари ва тўқнашувлар юз берди. Федерал ҳукумат Лос-Анжелеснинг турли ҳудудларида ноқонуний муҳожирларни ҳибсга олиб, уларни чиқариб юбориш мақсадида махсус операциялар ўтказгач, намойишлар хавфсизлик кучлари билан тўқнашувга айланди. Бироқ, фуқаролик норозилиги сифатида бошланган ушбу воқеа тез орада Трамп билан Калифорния штати ўртасида конституцион инқирозга айланди. Калифорния штати Трампнинг иккинчи президентлик мuddати бошланиши биланоқ унинг маъмуриятига қарши турли фронтларда, хусусан ноқонуний муҳожирлар масаласида, қаршилиқ қилиб келган эди. Тарих бизга кўплаб империялар ички муаммолар сабабли емирилганини кўрсатган. Балки яқин келажақда АҚШ ҳам шундай империялар қаторига кириб, ташқи душман зарбасидан эмас, балки ички омиллар таъсирида инқирозга юз тутди. Давлатнинг бирлиги ва ички қувватининг энг муҳим омилларидан бири – у ўз хусусияти, қонунчилиги ва ҳаёт тарзига эга бўлган бирдам жамиятни ифода эта олишидир. Давлат шу жамиятнинг кўпчилиқ аъзолари унинг фуқароларидан иборат бўлган даражада мустаҳкам ва кучли бўлади. Баъзилар давлатнинг барча фуқаролари унинг жамиятининг бир қисми деб ўйлашлари мумкин, лекин бу жиддий хато. Чунки жамият давлатнинг барча фуқароларидан ташкил топавермайди. Давлат таркибида турли жамиятлар бўлиши мумкин ва ундаги кўпгина инсонлар ҳаёт ҳақидаги қарашлари ва турмуш тарзи сабабли жамиятга мансуб бўлмаслиги эҳтимол. Агар давлат таркибидаги айрим жамиятлар давлат уларнинг манфаатларини ифода этмапти, уларга сақофий жиҳатдан бегона деб ҳис қилса ва ўзини мустақил тарзда ташкил этиш имкониятига эга деб ҳисобласа, у ҳолда улар халқ ҳаракатларини, сиёсий ва фаол курашларни бошлаб юбориши мумкин. Бу ҳаракатлар бошқа давлатга қўшилишга, ўзларини ифода этувчи янги давлат тузишга ёки, камида, давлат ичидаги бошқа жамиятлардан ажралиб турувчи автономияга эришишга қаратилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар тарихда ҳам, ҳозирги замонда ҳам кўп кўзатилган. Диний ҳаётдан ажратилиш асосланган асосланган замонавий Ҳар сақофати ва ундан келиб чиққан қонунлар этник ва диний гуруҳларни жамиятга қўшишда маълум муваффақиятга эришди. Бу муваффақият XX асрнинг охирида авжига чиқди. Аммо XXI асрга келиб бу жараён орқага кетди. Биринчи йирик зарба Европа учун ягона конституция қабул қилиш ва Европа иттифоқини «Европа қўшма штатлари»га айлантириш ҳосининг қарамод бўлиши эди. Кейин бу жамиятларда ҳаёт ва жамият ҳақидаги асосий тушунчаларда чуқур қарама-қаршилиқлар пайдо бўлди. Бу жараён нафақат этник ва диний гуруҳлар ўртасида, балки уни бошқа миллатлардан ажратиб турадиган бир сақофатни ташкил этади деб ҳисобланган миллат ичида ҳам жиддий ёриқларни келтириб чиқарди. Дин ҳамда унинг жамият ва сиёсатдаги ролига муносабат, аборт, гомосексуализм, феминизм, гендер тушунчаси, ЛГБТ жамиятлари, аёлнинг ўрни каби масалалар Ҳар жамиятларини икки йирик гуруҳга бўлиб ташлади: бири ўзини «очиқ жамият» деб атайдиган либерал оқим, Трамп уларни «сўлчилар» деб атайди. Иккинчиси эса одатда «консерватив» деб сифатланган ирқчи оқим. Бунинг оқибатида Ҳар жамияти икки лагерга бўлина бошлади, қайси гуруҳ ҳокимиятга келса, юрт ва халқни рақибининг йўналишига тескари томонга буриб кетмоқда. Калифорнияда ўтган ойда бошланган ва кейин бошқа штатларга ҳам тарқалган тартибсизликлар АҚШда олдин кузатилган тартибсизликларга ўхшамайди. Армия аралашувигача етиб борган олдинги тартибсизликларни жамиятдаги этник озчиликлар, асосан қора танлилар бошлаган бўларди. Аммо бу сафарги ҳолат анча кенг қамровли ва ҳар томонлама бўлинишни кўрсатмоқда. Деярли барча америкаликлар сақофий ва идеологик жиҳатдан икки мустақил гуруҳга ажралаётгани кўринади: 1) Трамп ва Республикачилар партияси бошчилигидаги миллатчи-консерваторлар; 2) Демократлар партияси етакчилигидаги либераллар. Улар динсизлар, этник ва диний озчиликлар ҳамда «очиқ жамият» деб аталган гуруҳлардан ташкил топган. Бу бўлиниш сўнгги йилларда бир неча марта намойён бўлиб, деярли очиқ тўқнашувларга олиб келди, хусусан, 2020 йил Трамп президентлик сайловида мағлуб бўлганида. Федерал ҳукумат бу гал ҳам қўзғолонларни босишга муваффақ бўлди, аммо бу воқеалар аввалгидек вақтинчалик тартибсизлик сифатида ўтиб кетмаслиги аниқ. Бу жараён чуқур, кун сайин кучайиб бораётган бўлинишни англатади. Бу эса АҚШ империясини издан чиқаради, балки бир кун келиб уни емирилишга олиб боради. Валлоҳу аълам. □

Кимдир сўраши мумкин:

Ғарб фақат динни давлатдан ажратгандан кейингина тараққиётга эришди. Мусулмонлар ҳам ўнлаб йиллардан бери динни жамият, давлат ва сиёсатдан ажратиб қўйдилар... Бироқ нима учун Ғарб каби тараққиётга эришолмаяптилар?

Жавоб:

Мусулмонлар ўз тарихларининг илк даврида ҳаёт, жамият ва давлат учун тузум балқиб чиқадиган руҳий ва сиёсий ақида асосида уйғондилар. Бу ақида уларга коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги куллий фикрдан келиб чиққан ҳаётий қарашни тақдим этди, уларга ҳаётнинг маъносини белгилаб, яшаш тариқати ва ўзига хос ҳазорий йўл билан таъминлади. Бу ақида инсоннинг Роббиси, ўзи ва бошқалар билан бўлган алоқаларини тартибга солувчи тўлиқ ва мукамал қонун чиқарди. Бироқ мусулмонлар Исломни заиф тушуна бошлагач, уни нотўғри татбиқ қилдилар, кейин Ислом аҳкомлари ҳаётларидан четлатилиб, ўрнига Ғарбнинг илмоний капиталистик қонунлари келди. Шу билан улар исломий ҳаёт муҳитини тарк этдилар, лекин тўлиқ ғарбча ҳаётга ҳам ўта олмадилар. Улар Ғарбдан қаттиқ таъсирландилар, натижада ўзига хос шахсиятдан, аниқ ҳаётий қарашдан маҳрум ҳолатга тушиб қолдилар. Яъни ўз шахсиятларини ҳам сақлай олмадилар, ғарбча шахсиятга ҳам тўлиқ кўчиб ўтмадилар. Шу боис уларнинг тақдири табиий равишда таназзулга айланди.

Ғарб эса ўзининг янги ҳазорий уйғонишидан олдин шундай бир руҳий ақидага эга эдики, ундан ҳаёт учун тузум ва қонунлар балқиб чиқмасди. Уларнинг ақидаси уларни дунё ҳаётини ёмон кўришга йўллаган, чунки бу ақидага кўра дунё ҳаёти неъмат эмас, жазо майдони эди. Шунинг учун улар минг йил давомида инқирозда яшабди.

Ниҳоят, улар бу салбий ақидани ҳаётдан ажратиш ташлашди ва динни ҳаётдан ажратиш ақидасини қабул қилишди. Бу билан улар ҳаёт ва бахт ҳақида янги тушунчага эга бўлишди: яъни бахтни моддий манфаат ва жисмоний лаззатдан имкони борича кўпроқ баҳраманд бўлиш деб билишди. Ушбу янги ақидадан уларнинг ҳаёт, жамият ва давлат тузуми келиб чиқди. Шу орқали улар мутлақо янги ҳазорий шахсият ва яшаш тарзига ўтишди. Бу эса уларни ўзларининг ҳаёт ва бахт ҳақидаги тушунчаларини шу дунёда амалга ошириш йўлига етаклади.

Демак, мусулмонлар ундан тузум балқиб чиқадиган сиёсий ақида билан уйғондилар, Ғарб ҳам ундан тузум балқиб чиқадиган сиёсий ақида билан уйғонди. Иккисининг ўртасидаги фарқ шундаки, Ислом ақидаси сиёсий ақида бўлиши билан бирга, руҳий ақида ҳамдир. У инсон фитратига мос келади ва ақлни қаноатлантиради. Замонавий Ғарб ақидаси эса руҳни моддадан ажратди, яъни инсоннинг бу дунёдаги ҳаётини уни яратувчисидан ажратиш қўйди. Бу эса инсон фитратига зид бўлиб, ақлни ҳам қаноатлантирмади. Чунки у яратилиш ва яратувчи масаласини ҳамда яратувчининг бу дунё ҳаёти билан алоқаси масаласини ҳал қилиб бера олмади.

Демак, исломий уйғониш инсонни бахтга етакласа, замонавий Ғарб уйғониши инсонни азоб ва бахтсизликка етаклади.

Веб-сайт: <http://www.al-waie.org>

Фейсбук: <https://www.facebook.com/alwaie>

Телеграм: <https://telegram.me/alwaie>

Твиттер: <https://twitter.com/alwaiemagazine>

Инстаграм: <https://www.instagram.com/alwaiemagazine>

Дэйлимоушн: <https://www.dailymotion.com/alwaiemagazine> □